

**АРСЛОН ЭЛОВ  
ШУҲРАТ АРСЛОНОВ**



**ДЗЮДО.**

**“ АРСЛОН ЭЛОВ  
ШУХРАТ АРСЛОНОВ ”**

**Д З Ю Д О**

**ТОШКЕТ.**

**Истиклол – 2005.**

*Республикамизга маълум ва машхур бўлган Арслон Элов ва Шухрат Арслоновларнинг «Дзюдо» номли китоби нафақат жисмоний тарбия ёрдамида ҳаёт-фаолиятларини йўлга қўймоқчи бўлган талабалар ҳамда ёшларимизга керак бўлади, балки жисмоний ҳаракатларнинг қонуниятлари ва назарияларига қизиқувчи барча китоббонларни фойдали ҳамда иборатли жиҳатлари билан ҳам қизиқтиради, деган умиддамиз.*

## 1 – қисм.

### «ДЗЮДО»ГА КИРИШ

#### ДЗЮДО ТАРИХИ

##### 1. ЯККАКУРАШНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Таҳмин қилинишича, кураш манбалари узоқ ўтмишга, аждодларимизнинг ибтидоий ҳаёт тарзида яшаган даврларига бориб тақалади. Кучли эркаклар ов билан шуғулланганлар, тош, найза улоқтиришда, камондан отишда мусобақалашганлар. Нара императорларининг етти авлоди бошқарувлари даврида (710-784 й.й.) саройда пиёда ва отлик жангчиларнинг камондан отиш ва сумо кураши бўйича катта мусобақалари ўтказилган. Бундай сарой мусобақалари тажрибасидан вилоятлардаги ғалаёнларни бостиришда ҳам кенг фойдаланилган. Масалан, саркарда Саканоуэно Тамурамаро (758-811 й.й.) Ҳоккайдонинг туб ва озод фуқаролари бўлмиш айну қабилаларига карши олиб борган жазо экспедициялари вақтида ўз жангчиларига сумо кураши усулларини ўрганишни буюради (бу вақтга келиб, сумо - жанговар санъатнинг бир қисми сифатида эътироф этила бошлаган). Ўша вақтларда сумочилар кундалик кийимларда курашганлар.

Минамото ва Тайра феодал уйларининг узаро ички урушлари даврида (XI-XII асрлар) қурол-аслаҳали кийимлар ва совутларда (еронгуми ва каттюгуми) курашиш кенг тарқалган. XII-XIV асрларда феодал ҳукумат сиёсий ҳокимиятни жинслаштириди, бугэй ҳарбий санъати (камон, қилич, найза, отда юриш ва бошқаларни эгаллаш) самурайлар чиниқишининг ажралмас бўлаги бўлиб колди. Яккакураш турлари мунтазам тартибга солиниб системалаштириб борилди. Сумо мустақил кураш турига айланди. XIV асрнинг сўнгги чорагидан XVI асрнинг иккинчи ярмигача Японияда кайта-кайта феодал низолар юз бериб турди ва ҳукмдорлар бўлиниб кетган князликларни бирлаштириш учун куч туплашга ҳаракат қилдилар. Шунинг учун ҳам нафақат ҳарбий табақа вакиллари, шунингдек оддий одамлар ҳам ҳарбий санъат усулларини эгаллай бошладилар. Айнан шу вақтларда "кочусоку" (айнан - "доимо сен билан бўлган совут") ёки "косино

мавари" (айнан - "белни ҳимояловчи совут") номи билан машур бўлган дзюдзюцу кураши шаклланди. "Дзюдзюцу" сўзи XIV асрнинг охирида жанг майдонидаги кўл жанглари тажрибасини умумлаштирувчи ва системалаштирувчи ибора сифатида пайдо бўлди. 1532 йилда Сакусюцуяма (Окаяма префектураси)лик Такэноути Ҳисамори Такэноути мактабини ташкил этди. Унда рақибни заарсизлантириш ва кўлга олишга мўлжалланган "косино мавари" усуллари ўрганилар эди. XVI-XVII асрлар оралиғида Японияда нисбий жиҳатдан тинчлик ҳукм сурди. Дзюдзюцу курашчилари сарой мусобақаларида янада кўпроқ иштирок эта бошладилар. Миура ва Фукуно мактаблари дзюдзюцу бўйича етакчи мактаблар ҳисобланарди.

1650 йилда Кисюолик (Вакаяма префектураси) Сэкигути Ясугокоро Явара кураши мактабини очди ва ўз шогирдларини ҳавфнинг олдини олиш ва ўз-ўзини эҳтиёт қилиш усулларига ўргата бошлади. Айнан шу вактдан машгулотнинг алоҳида тури (формаси) - эркин олишувлар (рандори ёки кумитэ) юзага келган деб ҳисоблаш мумкин. Ҳисагэтакаражма, Миураесин, Сэйго ва бошқа мактаблар тараққий эта бошлади. Авваллари феодаллар томонидан босқинчилик урушларида фойдаланилган дзюдзюцу жисмоний ва маънавий такомиллашув воситасига айланди.

1670 йилда Тэрода Канэмон Киторю мактабини очди. 1795 йилда Исо Матаэмон Тэнсинсиње мактабини қайта тиклади. XIX аср ўрталарига келиб, Японияда юздан ошик дзюдзюцу мактаблари бўлган. Киторю ва Кьюсинрю мактабларида ўтказиладиган машғулотларда кўпроқ эътибор рандори ва қўмитэга, Есинрю ва Тэнсинсињерю мактабларида эса - оғритувчи усуллар, дзюдзюцуниң жанговар бўлимига (каратэни ҳам қўшиб) қара-тилар эди.

Феодал Япониянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ҳарбий каста (табақа) бошқарап эди. Оддий ҳалқни жиловда ушлаб туриш учун ҳукмдор синфлар вакиллари нафақат ҳарбий, шунингдек бошқа фанларни ҳам ўрганишар эди. "Дзи ни итэ, ран о васурэнай" ("Дунёвий югур-югурлар ичиди низоларни ҳам унутма") дейилгувчи япон мақолига мувофиқ улар қаламни ҳам, қиличини ҳам эгаллашлари ва ўз билимларини такомиллаштириб боришлари зарур эди. Нуфузли ўқув муассасаларида зодагонлар фарзандлари аҳлоқ фалсафа, илоҳиётни ўрганишар, уларда укувчилар онгини шакллантиришга катта аҳамият берилар эди,

шу сабабли дзюд-зюцу ва каратэ мактабларида техникани такомиллаштириш машғулотлари ирода ва рухни мустаҳкамлаш машғулотлари билан биргаликда олиб борилар эди.

Турли мактаблар ва йўналишларнинг кураш залларида уй меҳроблари ўрнатилар, конфуциантлик буддавийлик синтоизм ғоялари тарғиб қилинар эди. Кураш зали ("додзе") жисм ва рухни мустаҳкамлаш учун муқаддас жой деб ҳисобланарди. Ҳар бир мактаб ўз ақидасийни илгари сурар ва машғулотлар ҳамда мусобақалар ўтказишнинг ўзига ҳос маросимини ишлаб чиқар эди. Аммо барча мактабларнинг асосий таълимоти япон жамиятида зодагонлар ва хизматкорлар ўртасида ўзаро мувофиқ муноса-батларни ўрнатишга интилиш бўлиб, бу бусидо - "идеал" самурайларнинг ёзилмаган аҳлоқ кодексларига мое келар эди.

Мэйдзининг ярим-ёрти буржуа ислоҳрлари натижасида ҳарбийлар, дехқонлар, хунармандлар ва савдогарларнинг расман тенглиги эълон қилинди. Самурайлар тамоман синфеизлашдилар, чунки жанговар санъатнинг барча турлари, шу жумладан дзюдзюцу ҳам инқирозга юз тутди.

## 1. ДЗЮДО НИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Атоқли педагог, маърифатпарвар ва мураббий, дзю-до асосчиси Кано Дзигиро (1860-1938 й.й.) болалик вақтида Ҳъегодан Киотога келди, Наритацугаки ва Икуэй пансионатларида таълим олди. У туғилганидан нимжон ва кучсиз эди, шу сабабли дзюдзюцу усулларини ўрганишга қарор қилди. Кейинчалик Токио император университетига айлантирилган Кайсэй лицейига кирганидан сўнг, Кано Дзигиро Тэнсинсине кураш мактабига қатнай бошлади ва у ерда мураббийлар Фукуда Ҳатиносукэ ва Исо Масатоми раҳбарлиги остида техникани ўрганди ва олишувларда машқ қилди. Кейинчалик у бутунлай бошқа йўналишдаги мактаб - Киторю мак-табида мураббий Икубо Цунэтоси қўл остида шуғулланди, дзюдзюцу бўйича қўлёзмаларни синчковлик билан таҳлил қилди ва бор вужуди билан кураш усулларини ўрганди. 1882 йилда Кано нуфузли Гакусюин лицейига назоратчи (инспектор) ва инструктор этиб тайинланганидан сунг, у кўплаб

мустақил равиша иш олиб борган дзюдзюцу кураши мактабларининг эришган муваффақиятларини умумлаштириди ва системалаштириди, усулларни такомиллаштириди ҳамда Токионинг Ситоя районидаги Эйседзи ибодатхонасида 12 татамили куаш спорт залини ташкил қилди. Ушбу куаш зали вағт ўтиши билан замонавий дзю-до институти - Кодоканга айлантирилди. Табиийки, дзю-до қадимги Киторю, Тэнсинсинъерю ва бошқа мактабларнинг энг яҳши ютуқларини ўзлаштириб олди. Жумладан, усулларни намойиш қилиш (ката)нинг эски формалари тўлалигича Киторю мактабидан олинган.

Кано қадимги дзюдзюцу мактабларининг назарий йўналиши моҳиятини ифодаловчи япон мақоли "Дзю еку го-о сэй сурӯ" ("Нафислик куч ва ғзабни енгади")ни тан олар эди. Бироқ илмий нуктаи назардан Кано кўп жиҳатдан дзю-до курашини такомиллаштириди ва янгиликлар киритди. У томонидан киритилган куашчилар машғулоти услубиёти (методикаси) ҳозирда ҳам қўлланилмоқда. Шуни таъкидлаш зарурки, Кано дзюдо курашига ижтимоий, фуқаровий ва тарбиявий аҳамият берар эди.

Уруш Японияда кўплаб вайронагарчиликлар қолдирди. Деярли барча мактаб ва шаҳар дзю-до заллари фойдаланиб бўлмайдиган даражада эди. Ўнинг устига, 1945 йил ноябрида Америка оккупацион қўшинлари штаби мактабларда ва бошқа расмий муассасаларда дзю-до машғулотлари ўтказишни таъкилаб қўйди. 1947 йилдан бошлаб Америка ҳарбий базаларида япон мураббийлари ҳарбий ҳизматчиларга дзю-до усулларини ўргата бошлади. Дзю-до қайта тиклана бошлиши билан Япониянинг барча районларида мусобақалар ўтказила бошланди, 1948 йилда эса мамлакат биринчилиги ўтказилди. Тез орада Умумяпон дзю-до федерацияси ташкил этилди, Лондонда эса Европа дзю-до федерацияси юзага келди. 1951 йилдан бошлаб ўрта мактаблар жисмоний тарбия Федерациясининг дзю-до бўлими, Умумяпон талабалар дзю-до федерацияси ва Ҳалқаро дзюдо федерацияси фаолият қўрсата бошлади. 1956 йилда Японияда биринчи жаҳон чемпионати ўтказилди.

1958 йил март ойида Бункье районидаги Касуга қўчасида дунёдаги энг катта куаш зали, бешта кичик ва ўрта куаш

заллари, шаҳсий дзю-до илмий-тадқиқот институти ва бошқа ёрдамчи муассасаларга эга бўлган янги етти қаватли Кодокан биноси кўриб битказилди. 1959 йилда дзюдо расман олимпия спорт тури деб тасдиқланди ва Токиода ўтказилган XVIII Олимпиада ўйинлари дастурига киритилди. XX Олимпиада ўйинларидан бошлаб дзю-до доимий равишда Олимпиадалар дастурига киритиб келинмоқда. Японияда туғилган ва ардоқланган дзю-до ҳалқаро спорт турига айланди.

## КОДОКАН ДЗЮДО СИ

### ДЗЮДО НИНГ МАКСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Кано: "Дзю-до - бу тан ва руҳдан энг самарали фойдаланиш усулларига олиб борувчи йўл. Дзю-донинг моҳияти бадани чиниктириб ва иродани тарбиялаб, астойдил қилинган машғулотлар орқали ҳужум қилиш ва ҳимояланиш санъатини эгаллашдадир".

Жисмоний тарбия воситаси сифатида дзю-до куч, саломатлик ва ўз имкониятларини тўла намоён эта олиш маҳоратини ривожлантиришга йўналтирилган.

Инсоннинг энг ажойиб ғоялари ва ўзига ҳос фикрлари ҳам, агар унинг саломатлиги ёки ўз қобилиятини намоён этиш истаги бўлмаса, ҳеч кандай самара бермайди. Дзю-до иргитишлар, ётган ҳолда кураш ва усуллар намойиши - катадан иборат. Дзю-донинг ушбу вазифаларини амалга оширишда гавданинг барча органлари ва қисмлари иштирок этади. Оқилона олиб борилган машғулотларда инсон организмининг функционал фаолияти керакли даражада сакданади, бу эса соғлиқни мустаҳкамлайди ва самарали меҳнат қилиш учун шароитлар яратади. Машғулотлар орқали саломатликни мустаҳкамлаш - дзю-донинг энг муҳим вазифаларидан бири.

Курашда ҳужумдан ташқари ҳимоя ҳам, жумладан ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳам мавжуд. Шу сабабли, олдиндан ўзини тасодифларга тайёрлаш ва ўз-ўзини ҳимоя қилиш усулларини ҳар куни қайта-қайта машқ қилиб туриш зарур. Дзю-до ғалаба

козониш санъатининг бир текисдаги илмий тизимини ўзида намоён килади.

## ДЗЮДО ТЕХНИКАСИ ВА УНИ ЎРГАНИШ

Дзю-до техникаси уч бўлимдан иборат: иргитишлиар (отиб юбориш), ётган ҳолда курашиш ва жанговар бўлим (каратэ ҳам киради).

### *Иргитишилар:*

Курашувчининг йиқилмасдан иргитишилари уч гурухга бўлинади:

1. Қўллар билан бажариладиган (олдиндан чалиш - Тайотоси; бел орқали иргитиш - сэйнагэ; "тегирмон" - катагурума; силташ билан мувозанатдан чиқариш - укиотоси; тиззаларда туриб, силташ билан мувозанатдан чиқариш - сумиотоси ва асосий қўллар билан ўтказилувчи бошқа усуллар - тэвадза).

2. Ёнбош (сон) билан белдан ушлаган ҳолда сон устидан (ёнбошдан) иргитиш - укигоси; қолдирилган оёқ тагидан ушлаб олиш - ҳараигоси; кийим қайтармасидан ушлаган ҳолда сон устидан (ёнбошдан) иргитиш-цурикомигоси; болдир билан ўтказиш - ҳанэгоси, ёнбош орқали иргитиш -оогоси; ёнбош орқали иргитишга қилинган ҳаракатга жавобан жавоб иргитиши - усирогоси; асосан ёнбош (сон) билан ўтказиладиган бошқа усуллар - косивадза).

3. Оёқлар билан бажариладиган (тиззадан чалиш - ҳадзагурума; ичкаридан илиб олиш - оутигари; ўлжа қилиш - оосотогари; олд томондан чалиш - сасаэцурикомиаси; қадам ташлаш суръатига қараб чалиш - ҳараицурикомиаси; ён томондан икки оёқдан чалиш - окуриасибараи; ён томондан чалиш - дэасибараи; ичкари томондан чалиш - коутигари; орқадан чалиш - косотогари; оёқ устидан иргитиш - асигурума; бир оёқдан ушлаб олиш - утимата, асосан оёқлар билан ўтказиладиган бошқа усуллар - асивадза).

Курашчининг йиқилиши орқали бажариладиган иргитишлиар (сутэмивадза) икки гурухга бўлинади:

1.Тўғри (бош узра ирғитиш - томоэнагэ; кўқрак узра ирғитиш - уранагэ; тиззага чўккалаб, бош узра ирғитиш - сумигаэси; йиқилиш билан бажариладиган бошқа ирғитишлар).

2.Ён томондан (йиқила туриб олд томондан чалиш - укивадза; йиқила туриб ён томондан чалиш - екогакэ; йиқила туриб кўқрак устидан ирғитиш -екогурума; олд томондан чалиш - тайотоси; йиқила туриб бажариладиган бошқа усуллар).

### **Ётган ҳолатда кураши:**

1.Ушлаб қолишлар (ён томондан ушлаб қолиш - кэсагатамэ; кийим ва қўллардан тутиб, ён томондан ушлаб қолиш - кудзурэсагатамэ; ён тмондан қайта ушлаб қолиш - усирокэсагатамэ; қўллар ва бошдан тутиб ён томондан ушлаб қолиш - катагатамэ; бош томондан белдан тутган ҳолда ушлаб қолиш - камисиҳогатамэ; бош томондан қўллар ва бошдан ўтган ҳолда ушлаб қолиш - кудзурэкамисиҳогатамэ; оёқ ва белдан тутган ҳолда кўндалангига ушлаб қолиш - екосиҳогатамэ; қўллар ва бошдан ўтган ҳолда юқоридан ушлаб қолиш - татэсиҳогатамэ; бошқа ушлаб қолишлар).

2.Буғишилар (қўлларни чатишириб туғридан-туғри бўғиши - намидзюдзидзимэ; билакларни тўғридан-тўғри ва кайтарма тутган ҳолда чатишириб буғиши - катадзюдзидзимэ; билаклафни чатишириб қайтарма бўғиши - гякудзюдзидзимэ; елка ва билак билан гарданга таянган ҳолда орқадан бўғиши - хадакадзимэ, орқадан кайтарма бўғиши - окуриэридзимэ; қўлни бироз кўтариб, орқадан қайтарма бўғиши - катахадзимэ; бошқа бўғиши усуллари).

3.Оғритиш усуллари (кўндалангига тугун (узел) - удэгарами; иккала қўл ёрдамида тирсакни букиш - удэхисигидзюдзигатамэ; елка ва билак билан тирсакни букиш - удэхисигиудэгатамэ; оёқ ёрдамида юқоридан тирсикни букиш - удэхисигихидзигатамэ; стойкадан дастак (рычаг) - удэхисигивакигатамэ; бошқа оғритиш усуллари).

*Дзю-донинг (атэвадза) жанговар (амалий) бўлими* (мушт, пичок ва боқалар билан зарбалар бериш; мушт, бармоқлар учи, тирсак ва бошқалар билан зарбалар бериш ва тутиш; тизза, товон, оёқ (кафти) ости билан зарбалар бериш; бошнинг тепа қисми, қаншар (пешона), бурун асоси, чикка, қулоқ ости, қуёш ўрамаси, жигар, буйрақ тизза ва бошқа қалтис жойларга зарба бериш).

Спорт курашида жанговар бўлим усулларини қўллаш таъқиқланади,  
бироқ улар дзю-до ва каратэ усулларини намойиш қилишда қўлланимиди.

Ётган ҳолда кураш олиб бориш (катамэвадза) усуллари қадимги ёзма маibalарда ва оддий ҳалқ тилида "нэвадза" деб аталади.

Дзю-до машғулотлари катага ва рандорига бўлинади. Ката - бу курашнинг назарий асосларини изчил ўрганиш, олдиндан берилган бир турдаги вазиятларда ҳужум қилиш ва ҳимояланишга ўргатиш тизимири. Ката кураш техникаси асосларини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Каратэда катага ҳужум қилиш ва тасаввур қилинаётган рақибдан ҳимояланиш усулларини ўзига киритувчи техник ҳаракатлар сериясини ифодалпайди. Катани бажаришда тўлиқ диққат-эътибор ва бажариш соғлиги талаб этилади.

Рандори - бу рақибларнинг ирғитишлиар, ётган ҳолда курашиш усулларидан фойдаланган ҳолда эркин курашишлари, рақибнинг ҳатто энг майда ҳаракатлари ва бурилишларига жавоб берган ҳолда енгил ва эркин ҳаракатланишлари, рақибни ҳурмат қилиш ва эҳтиётлашлари.

Агар рандори ҳакамлар томонидан кураш қоидалари асосида назорат қилинса, олишувлар мусобақа сифатида баҳоланади.

Ката ва рандори (кумитэ) - бу дзю-донинг бир ўқдаги икки ғилдираги, фақат катага ва рандорида такомиллаша бориб, дзю-дода юқори чўққиларни забт этиш мумкин.

## ДЗЮДО МАКТАБ ДАСТУРИДА

### *Дзюдо нинг мактабдагя ўзига хос хусусиятлари.*

Ўрта мактабда жисмоний тарбия дарслари гимнастика, машина бошқариш, енгил атлетика, какуги, шарлар ўйини, рақс, сузиш ва жисмоний тарбия назарияси дарсларига бўлинади (дзю-до, кэндо сингари, какугининг таркибий қисми ҳисобланади). Жисмоний тарбия дарслари саломатликни мустахкамлаш, куч ва ҳаракатланиш фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Дзю-до учун куйидагилар ўзига хосдир:

1.Дзюдоги кийган ўқувчи рақмб билан олишувда техника ва маҳоратини такомиллаштиради.

2.Машғулотлар ва мусобақалар рақибларни интизомли қиласи, ўзаро хурматга ўргатади; уларда адолатлилик хиссини тарбиялайди, шунингдек ўз навбатида, машғулотлар ва мусобақаларнинг ўзаро ишонч руҳида ўтказилишига ёрдам беради.

3.Дзю-до билан шуғулланиш хавфли эмас, чунки унда хавфли усуллар тақиқданган, кураш татами түшаклари (мат)да олиб борилади. Бундан ташқари, сакланиш ва ўзини эхтиёт қилишнинг алоҳида тизими хам мавжуд.

4.Дзю-до ривожланиши тарихи ўзига хос хусусиятларга эга. Дзюд-зюцу курашининг жанговар турларидан яратилган дзю-до тан ва рухни чиниқтириш воситасига айланди. Дзюдзюцуунинг энг яхши сифатлари Кано Дзигоро томонидан дзю-дода ўзлаштирилди.

### *Дзюдо нинг мактабдагя вазифалари.*

Асосий вазифа - ўкувчилик машқ, қилиш ва мусобақаларда курашишга, хужум қилиш ва ҳимояланишга, рақиб харакатларига, уни хурмат ва эхтиёт қилиб, тўғри жавоб беришга ўргатиш.

Агар аниқ-равшан айтадиган бўлсақ ўкувчилар қуидагиларни билишлари зарур:

1.Дзю-донинг асосий элементлари ва дзю-до техникасини рақибга мувофиқ ҳолда ўзлаштириш. Хужум қилаётган ва ҳимояланадиган рақиб билан курашишни билиш. Мусобақада ҳакамлик қилишни билиш.

2.Ракибни ҳурмат қилиш, кураш одобига риоя қилиш. Ўз тактик-техник имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда ўз олдига мақсад ва вазифалар қўйиш. Ўз машғулотларини мустакил режалаштиришни ўрганиш.

3.Шуғулланувчиларнинг хавфсизлиги ва кураш зали хамда спорт жиҳозларининг тозалигини назорат қилиш. Таъқиқланган усуллардан фойдаланмаслиқ Машғулотларни фақат саломатликни мустахкамлашга йўналтириш.

### *Мактаб машғулотларининг мазмуни*

Дастурнинг асосий вазифаси - хар бир укувчини ирғитиш техникаси ва ётган ҳолда курашишга ўргатиш. Ирғитишлар икки томонлама курашда, рақиблар чақон ҳаракатланиб, бир-

бирларини мувозанатдан чиқариш ва у ёки бу усулни қўллаши вақтида амалга оширилади. Масалан, мувозанатни сақлаб қолишга интилиб, курашчилардан бири рақибининг оғирлик марказини ўзгартиришга ҳаракат қиласи. Таянч нуқтаси ва куч ишлатиш нуқтасидан оқилона фойдаланиб, у рақибини мувозанатдан чи-кариш йўналишида ирғитади. Ётган ҳолда курашишда ҳам рақиблар хатолардан фойдаланиб, бир-бирини барқарор ҳолатдан чиқаришга, рақиб қаршилигини енгишга ҳаракат қиласи. Бунинг учун курашчилар курашнинг асосий элементларини яхши эгаллаган бўлишлари лозим. Бу - хавфнинг олдини олиш (укэми) - ирғитишлардан сунг рақибига ва ўзига зарар етказмасдан йиқилиш маҳорати; нормал қадамлар билан жойини ўзгартириш (аюмиаси, цугиаси); ишончли ушлаб олиш ва ўтиб бўлмас стойкани танлай билиш маҳорати; рақибни мувозанатдан чиқаришнинг (кудзуси) барча усуллари ва барча бурилишлар (тайсабаки). Рақибларнинг холати, жойни ўзгартириш, рақиб томонга ёриб кириш, ҳимоя гурухлари, мураккаб ҳолатдан чиқиш, ушлаб олиш ва оғритиш усулларидан қочиши, ушлаб олиш учун асосий ҳаракатлар ва бошқалар ётган ҳолда курашишнинг асосий элементлариdir.

Иргитишлар асосан қўллар билан, асосан оёқлар билан, асосан ёнбош (сон) билан ва амалга ошираётганинг йиқилиши билан бажариладиган усулларга бўлинади. Бироқ, хар бир ўқувчини ургатишга, унинг жисмоний ва морфологик хусусиятларини хисобга олган ҳолда, ўзига хос якка тартибда ёндашувни қўллаш зарур.

Ётган ҳолда курашиш усулларига ўргатиш энг оддий ушлаб олишдан бошланади. Куникмаларни ўзлаштириб бориш жараёнида бўғиш ва оғритиш усулларини ўрганишга ўтилади. Буғиш ва оғритиш усуллари фақат мураббий назорати остида пухталанади.

Махорат ошган сари усуллар комбинацияларини ўрганишга ўтилади. Ўқувчилар секин-аста мусобақаларда қатнаша бошлайдилар.

Татамида ўзини тутиш, рақибини ва ўзини эҳтиёт қилиш маҳорати асосий элементларни ўзлаштириш, шахсий маҳоратни ошириш ва мусобақаларда қатнашиш жараёнида юзага келади.

Машғулотлар ёш спортчида қўйидаги сифатларни тарбиялаши лозим:

- 1.Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ва соғлом авлодни тарбиялаш;
- 2.Иродани тарбиялаш, болаларни бўш вақтларида фойдали ишлар қилишга одатлантириш;
3. Ўқувчилар жамоа хаётида фаол иштирок этишларига интилиш.

Албатта, биз фақат шу вазифалар билан чегараланиш мумкин, деб даъво қилмаймиз. Масалан, ёш спортчиларнинг вазифалари мураккаброқ: мактабдан ташқари мусобақаларда ғолиб чиқиш учун улар сабот-матонат билан ва астойдил шуғулланишлари лозим.

## **МАШҒУЛОТЛАР ЁРДАМИДА ШАХСНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШИ.**

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек дзю-до сингари яккакураш тури кураш ахлоқига риоя қилиш борасида алоҳида талаблар қўяди, спортчида матонат, ирода, ўз-ўзини назорат қилиш, чидам, сабр-тоқат ва бошқа сифатларни тарбиялайди. Хар бир дзюдочи учун улар машғулотлар жараёнида унинг олдига қўйилган вазифалар, тажриба ва маҳорат даражаси, машғулотларга онгли равишда муносабатда бўлиш каби сифатлардан келиб чиқади. Кимки дзю-до ёрдамида ўзининг маънавий-ахлоқий ва иродавий сифатларини такомиллаштириши мумкин деб ўйласа, у киши баҳт-ли инсон хисобланади.

### **2 - қисм**

#### **КУРАШ ТЕХНИКАСИ**

Дзю-донинг асосий элементлари яккакураш иштирокчисининг шахсий (индивидуал) хусусиятларидан келиб чиқсан холда, рақибнинг жойини ўзгартириши, ушлаб олиши, бурилишлари ва бошқаларга жавоб берувчи мураккаб мувофикаштирилган харакатлари таркибий қисмидир. Фақат айнан шу шахсга хос бўлган элементларни бажариш техникаси рағбатлантирилади.

Хар бир усулнинг таърифланишида уни бажаришнинг классик асосий йўллари вариантлар билан тўлдирилади. "Ётган холда

"курашиш усуллари" бўлимида энг самарали ушлаб олиш, буриш ва оғритиш усуллари таърифланган. Машғулотлар жараёнида бўлажак дзюдочилар кураш амалиётида ўzlари учун қулай бўлган усулларни танлаб оладилар.

Машғулотлар (рэнсю) уч турга бўлинади: ўрганиш, ўқув олишувлари ва эркин олишувлар. Ўрганиш, одатда, ирғитишларни амалга оширмасдан (утикоми) ҳар бир усулнинг асосий элементларини машқ қилишга, эркин олишувлар - уеулларни турли рақиблар билан олишувларда (рандори) пухталаштиришга мос келади. Ўқув олишувлари эса машғулотнинг оралиқ формаси бўлиб, унинг асосий вазифаси - мураббий курсатмаси бўйича юзага келтирилган вазиятларда усулларни мустахкамлашдан ибо-рат. Ўрганиш - ўқув олишувлари - эркин олишувлар схемаси энг оқилона деб ҳисобланади.


Дзю-дода усулни амалга ошираётган курашчи - тори, устида усул ўтказилаётган рақиб эса - укэ деб аталади.

Дзю-дочининг кийими (дзюдоги) кимоно, шим ва белбоғдан иборат. 1-расмда рақамлар билан дзюдогининг қисмлари белгиланган: 1 - ён томондан чап қайтарма ва орқадан ёқа; 2 - чап умиз (енг ўтказиладиган ўйма); 3 - олд томондан чап қайтарма; 4 - эгилган қўл ва тирсакостидағи чап енг; 5 - кафт олдидағи чап енг; 6 - ён томон-чап белбоғ; 7 - олд ва орқа томондан белбор; 8 - шимнинг чап томони пастки қисми.


Белбог оддий боғич билан боғланади: белбоғнинг чап учи юқоридан ўнг учи томонидан ташкил қилинган доирага тортилади (2,3,4-расмлар).

Олишув бошланишидан аввал дзюдочилар юzlари билан бир-бирига қарама-қарши туришади ва эгилиб саломлашади (5-расм). Туриб эгилганда гавданинг юқори қисми 30 даража бурчак остида эгилади, туғри қўллар сон бўйлаб сирғалади ҳамда тизза палласидан бир мушт масофа юқорида бармоқлар учи билан қайд этилади. Ўтирган холатда эгилганда курашчи асосий стойкадан (товорнлар биргаликда, оёқ таги кафтлари очилган) чап тизза томонга ўтиради (7-расм), чап оёқ бош бармоғини ўнг оёқ бош бармоғи остига қўйган холда оёқ кафтларини бирлаштириб, ўнг тиззани қўяди (8-расм). Кафтларни бармоқлар ичкарига йўналган холатда сонлар устига қўяди (9-расм). Шундан сўнг, кафтлар билан татамига таянган ҳолда, аста-секин гавдани эгади, бунда

пешона кафтлардан 30 см масофада қайд әтилиши лозим.  
Харакат-ларни қайтарма тарзда амалга оширган ҳолда ўнг оёқ билан ўрнидан туради.



1-расм.




2-расм.




3-расм.

3.  
4.



4-расм.



5-расм.



6-расм.



7-расм.



8-расм.



9-расм.



10-расм.

## **ИРГИТИШЛАР АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАР.**

### **1. Стойка**

Стойка ўнг томонлама (11-расм), фронтал (12-расм), чап томонлама(13 расм) бўлади. Оёқлар оёқ кафти кенглигида қўйилади. 14-расмда химоя стойкаси қўрсатилган.

### **2. Ушлаб олиш (захват)**

Бир қайтарма (ёқа) ва енгдан ушлаш, унг томондан ушлаш (15-расм) ва чап томондан ушлаш (16-расм) ўзига хос (типик) хисобланади.

### **3. Харакатланишлар (жойни ўзгартириш)**

Икки усулда харакатланиш тавсия этилади: қадам ташлаб (аюмиаси)( 17- расм) ва кичик қадамлар билан (цугиаси)(18-расм). Ҳар қандай холатда хам оёқ кафтлари татамига бутун таг қисми билан худди ёпиштирилаётгандек қўйилади.

### **4. Бурилишлар**

Бурилишлар ёрдамида курашчилар, рақибни мувозанатдан чикиришга интилиб, усулни амалга ошириш учун кўпай бўлган холатни юзага келтирадилар. 19-21-расмларда гавда бурилишларининг асосий йўналишлари тасвиранган. Бурилиш ўки таянч оёқнинг бош бармоки асоси орқали ўтади. 19-расм – чапга - олдинга бурилиш, 20-расм - ўнгга-орқага бурилиш, 21-расм - ўнгга 180 даражага бурилиш.

### **5. Мувозанатдан чикиришнинг саккиз йўналиши (22-29-расмлар)**

22-расм - орқага мувозанатдан чикириш, 23-расм - чапга-орқага, 24-расм - чапга-хар тарафга, 25-расм - чапга-олдинга, 26-расм - олдинга, 27-расм - ўнгга-олдинга, 28-расм - ўнгга-хар тарафга, 29-расм - ўнгга-орқага.

### **6. Ўз-ўзини хавфдан сақлаш (самостраховка)**

Унинг усуллари курашчи гавдасининг татамига йиқилишидаги зарбини юмшатиш учун қўлланилади.

Ўтирган холатдан орқага йиқилиш: қўлларни олдинга чузиш; белбоғ татамига теккан вақтда олдинга чўзилган қўллар кафти билан татамига уриш (30,31-расмлар).

Тұлиқ тиз чўкиб утириш холатидан орқага йиқилиш: қўллар олдинга чузилади; татамига товонларга якин ўтириб, ўтирган холатда орқага йиқилишдаги сингари якуний холатга келиш (32,33-расмлар).

Стойкадан орқага йиқилиш: тизза ва гавдани маркам букиб, орқа бўйлаб айланиш хамда қўллар билан йиқилишни юмшатиш (34,35-расмлар).

Орқа томонга тўғри йиқилганда қўллар гавдага нисбатан ўткир бурчак хосил қиласди (36-расм).

Хатоликлар: якуний холатда қўллар гавдага нисбатан жуда катта (37-расм) ёки кичик (38-расм) бурчакхосил киласди.


Ён томонга йиқилиш: Якуний холатни (39-расмда) кўринг (ўнг ёнбош). Ана шу холатдан думалаб (40-расм), чап ёнбошда узини хавфдан сақлаш холатига келиш мумкин (41-расм).

Тўлиқ тиз чўкиб утириш холатидан ён томонга йиқилиш: чап оёқни олдинга чиқариш, ўнг думба билан товонга якин ўтириш. Харакатларни тўхтатмасдан, йиқилишни кафт билан татамига уриш орқали якунлаш. Оёқлар юқорига ва ён томонга йўналган (42-44-расмлар).

5.  
6.

7.

8.





26-расм.



27-расм.



28-расм.



29-расм.



30-расм.



31-расм.



32-расм.




33-расм.



34-расм.




35-расм.



36-расм.



37-расм.



38-расм.




40-расм.



расм.



40-расм.



41-расм.



42-расм.



43-расм.



44-расм.



45-расм.



46-расм.



47-расм.



48-расм.



49-расм.




50-расм.



51-расм.



52-расм.



53-расм.



54-расм.



55-расм.



56-расм.



57-расм.



58-расм.

Тик холатдан ён томонга йиқилиш: чап оёқда ўтириш; харакатларни тўхтатмасдан, йиқилишнинг якуний хслатини ўнг (чап) ёнбошга қабул қилиш (45,46-расмлар).

Олдинга думалаш орқали ён томонга йиқилиш: тиззаларни букиб, олдинга эгилиш; ўнг қўлни иложи борича кўпроқ кафтни пастга қаратган холда ичкарига буриш ва оёқ олдига қўйиш. Чап қўл билан бироз ёрдам бераб, унг қўл, елка ва орқа билан ярим дойра ташкил қўлган холда, чап оёқ билан юқорига силтов (маҳ) қилиш. Думалаш орқали йиқилишнинг якуний хслатини, чап қўл билан зарбани юмшатган холда, чап ёнга қабул қилиш (47-52 расмлар).

53-расм - чап қўл билан татамига тегиши нуқтаси.



59-расм.



60-расм.



61-расм.



62-расм.



63-расм.



64-расм.



65-расм.



66-расм.



67-расм.



68-расм.



69-расм.



70-расм.



71-расм.



72-расм.

Харакатда олдинга думалаш орқали ён томонга йиқилиш (чапга йиқилиш): қадамлар билан (аюмиаси) олдинга харакатланиб, чап оёқ билан олдинга қўйилган учинчи қадамда, чап қўлни татамига қўйиш ва чап елка "ҳамда ўнг қуракнинг пастки қисми орқали думалаш (54-57-расмлар). Сўнг- ра, харакатларни тўхтатмасдан, чап оёқни бироз судраётгандек гавда иикилишини юмшатган ўнг кўл ёрдамида татамидан куч билан итарилиш ва стойкага қайтиш. Агар айланиш инерцияси сақланса, гавда гиламда ушланиб қолмайди (58-60-расмлар).

Тўсиқлар оша йиқилиш (махорат ошган сайин мураккаблашади).

Йиқилиб ётган рақиб оша олдинга думалаб йиқилиш (61,62-расмлар).

Тиззада турган рақиб (63-расм) ва икки рақиб (64-расм) оша думалаб олдинга йиқилиш.

Ўзини хавфдан сақлашдаги хатоликлар:

Йиқилиш вақтида қорин мускулларини кучантириш ва тирсакларга тачниш мумкин эмас (65,66-расмлар). Орқа томонга йиқилганда тирсакларга таяниш хавфли (67-расм). Ён томонга йиқилганда тирсакка таяниш мумкин эмас (68-расм).

Ён томонга йиқилганда оёқларни чатиштириш тавсия этилмайди (69-расм).

Олдинга думалагандан бармоқларни олдинга қўйиб, тўғри қўлга таяниш мумкин эмас (70-расм). Олдинга йиқилганда тўғри қўллар билан панжалари олдинга қаратилган кафтларга таяниш мумкин эмас (71-расм). Йиқилиш вақтида товонга таяниш мумкин эмас (72-расм).

## АСОСАН ҚЎЛЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИРФИТИШЛАР

### ОЛД ТОМОНДАН ЧАЛИШ (ТАЙОТОСИ)

Тори, чап оёқ билан орқага бурила туриб, укэга нисбатан орқа томон билан айланади, олдинга-ўнгга мувозанатдан чиқаради ва оёқ кафтини укэнинг ўнг оёғи ташқи тупиғига қўйиб туриб, уни ирғитади.

Вариантлар: 1. Тори, орқага бурила туриб, чап оёқни орқага йўналтиради ва оғирлик марказини укэнинг ўнг оёғи учига туфилаган холда уни ўнгга-олдинга мувозанатдан чиқаради (73-75-расмлар). Сўнгра у ўнг оёқ кафтини укэнинг ўнг оёғига шундай қўядики, бунда укэнинг очиқ тўпиғи горининг ахиллес пайларига тиради (76,77-расмлар). Чап қўл билан укэни ўзига тортиб ва ўнг қўл билан уни итариб, тори ирғитишни якунлайди (78,79-расмлар).

2.Укэ торига хужум килишга интилади, тори укэни қамал қиласди, укэ у томонга бостириб келади. Укэнинг оёқлари деярли бир чизикда бўлганда, тори укэни мувозанатдан чиқаради ва олд томондан чалишни амалга

оширади (80-82-расмлар).

3.Укэ олдинга қадам ташлади. Укэ оёғини қўйиши билан, тори кескин бурилади ва олдиндан чалишни амалга оширади (83,84-расмлар).

**Хатоликлар:** 1. Олдинга ўта эгилиш. 2. Қўллар билан таянишни қукрак даражасида тўхтатиш (85-расм). 3. Оёқни ўта кучли букиш (86-расм).

### **ЕЛКА ОША ИРҒИТИШ ( СЭОИНАГЭ )**

Укэни олдинга мувозанатдан чиқара туриб, тори ўнг оёқда 180 даражага бурилади. Ўнг қўлни тирсакда букиб, у тирсакни укэнинг қўлтифи остида қайд қиласи ва уни елка оша ирғитади.

**Вариантлар:** 1. Укэни олдинга мувозанатдан чиқара туриб, тори ўнг оёқни билан чапга-олдинга қадам ташлайди (87,88-расмлар). Тори ўнг тирсагини букади ва уни укэнинг қўлтифи остига олиб боради, бунда укэнинг қукрагини ўзининг орқасига қаттиқ тортади (89,90-расмлар). Тори чап кўпи билан укэни олдинга-пастга тортади, ўнг қўли билан эса уни юқорига тортади. Сўнгра у тиззаларини тўғрилайди ва укэни олдинга елкалари оша ирғитади (91-93-расмлар).

2.Укэ олдинга қадам ташлади. Укэ оёғини татамига қўйган вақтда, тори олдинга куч билан силтанади (рывок) ва рақибини орқа оша ирғитади (94,95-расмлар).

3.Елка оша ирғитиш (иппон сэоинагэ). Укэни олдинга мувозанатдан чиқара туриб, тори ўнг кулинни укэнинг қўлтифи остига олиб боради, бели билан эгилиб, укэ томонга 180 даражага бурилади, иккала қўли билан укэни унг қўлидан олдинга-пастга тортади ва уни ирғитади (96-100-расмлар).

Елка оша ирғитиш амалга оширилганда, тирсакни 101-расмда кўрсатилгандек тутиш керақ

**Хатоликлар:** 1. Ўнг елка укэнинг елкаси остига тўлиқ киритилмаган.  
2.Иргитишнинг биринчи ва иккинчи босқичида тиззалар тўғри холатда.  
3.Ўнг тирсак укэнинг қўлтири остида эмас.

### **АСОСАН СОН (ЁНБОШ) БИААН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИРҒИТИШЛАР.**

#### **СОН ОША ИРҒИТИШ (ООГОСИ)**

Укэни олдинга мувозанатдан чиқара туриб, тори укэга орқаси билан ўғирилади, ўнг қўли билан чап қўл остидан, орқа томондан белбог даражасида белдан ушлаб олади. Сўнгра, эгила туриб, силтаниб икки қўл билан укэни олдинга ирғитади.

**Вариантлар:** 1. Ўнг оёқ билан олдинга қадам ташлаб, тори укэни ўнг қўли билан чап қўл остидан белбог даражасида орқа томондан, белдан

ушлаб олади. Кейин, ўғирилиб, у укэни ўз ёнбошига тортади ва тиззаларни тўғрилаб, ирғитишни амалга оширади (102-107-расмлар).

2.Укэ олдинга итаради. Укэни ўнг оёққа тўхтатиб, тори ўни олдинга мувозанатдан чиқаради ва сон оша иргитади (108,109-расмлар).

3.Укэ олдинга боради. Олдинга бир қадамдан сўнг укэ оёғини татамига қўйиши билан, тори кескин бурилади ва укэни торта туриб, ўни ёнбош оша иргитади (110,111 -расмлар).

**Эслатма.** Огосида укэ бармоқлар (оёқ) учига мувозанатдан чиқарилади. Тори қўли билан укэнинг белбоғидан ушламайди. Куч йўналтириш нуқтаси торининг думбаси ва укэ сонининг ички кисми орасида жойлашган. Тори укэни олдинга айлантириб, уни шу нуқта орқали иргитади.

Огоси укэнинг олдинга ва орқага харакатланиши вақтида пухталанади.

**Хатоликлар:** 1. Ишлатилаётган қўл ўз куқрагига тортади. 2. Кенг стойка. 3. Сон билан майда чўккалаш.

## ҚАЙТАРМАДАН УШЛАШ ОРҚАЛИ СОН ОША ИРҒИТИШ (ЦУРИКОМИГОСИ)

Тори укэни диагонал бўйича ўнгга-олдинга ёки олдинга мувозанатдан чиқаради. Сўнгра, ўнг тос-сон мушагини укэнинг қорни остига қўйиб, ўнг тирсагини укэнинг чап қўлтиги остида букади ва сон оша иргитишни шгаоширади.


Вариантлар: 1. Тори, 180 даражага бурилиб ва укэни ўзига торта туриб, уни олдинга мувозанатдан чиқаради, бунда укэни тосга тортади, тиззаларини тўрилайди ва укэни олдинга иргитади (116-118-расмлар).

2.Укэ бостириб келади. Тори ўзи томонга кескин силташ билан укэни мувозанатдан чиқаради ва, қўллари билан тортиб, уни сон оша иргитади (118 121-расмлар).

3.Укэ олдинга кадам ташлайди. Унинг оёқлари бир чизикда бўлган заҳоти тори уни мувозанатдан чиқаради ва, судраб туриб, уни сон оша иргитади (122-124-расмлар).

4. Кийим енгининг пастидан ушлаб сон оша иргитиш варианти 125-расмда кўрсатилган.

**Хатоликлар:** 1. Оёқлар кенг қўйилган. 2. Тиззаларни тўғрилаш босқичи мулдатидан аввал тўхтайди. 3. Чап оёқ ўнг оёқдан орқада қолади ва укэнинг гавдаси торининг танасига маҳкам қисилмаган (126-расм).



73-расм.

74-расм.

75-расм.


76-расм.



77-расм.

78-расм.

79-расм.



80-расм.

81-расм.

82-расм.

83-расм.



84-расм.

85-расм.

86-расм.



87-расм.



88-расм.



89-расм.



90-расм.



91-расм.




92-расм.



93-расм.



94-расм.



95-расм.



96-расм.



97-расм.



98-расм.



99-расм.



100-расм.



101-расм.

## **ТАНАДАН УШЛАШ ОРҚАЛИ СОН ОША ИРҒИТИШ (УКИГОСИ)**

Тори укэни ўнгга-олдинга ёки олдинга мувозанатдан чиқаради, тос-нинг кескин харакати билан унинг танасига уради ва сон оша ирғитади.

Вариант: тори - ўнг стойкада, укэ - фронтал стойкада (127-расм). Тори ўнг оёғи билан укэ томонга қадам ташлаб, ўни ўнгга-олдинга мувозанатдин чиқаради, ўгирилади ва ўнг қўли билан укэнинг чап кули ости орқали унинг белидан ушлайди (128,129-расмлар). Бир вақтнинг ўзида тори, ўнг қўли билан укэнинг танасини унинг қўлтиги остидан маҳкам ушлаган холда, чап қўли билан ўзига тортишни кучайтиради ва, укэни сон оша ирғитади (131,132-расмлар).

## **ИККИ ОЁҚДАН УШЛАБ ОЛИШ (ХАРАИГОСИ)**

Тори ўнгга-олдинга ёки олдинга укэни мувозанатдан чиқаради. Сўнгра, ўчига тортиб туриб, ирғитади, бунда олд томондан ўзининг ўнг оёғи сони билан унинг ўнг сонини орқага итаради".

Вариант: Тори - ўнг стойкада, укэ - фронтал стойкада. Тори ўгирилиб ва ўнг оёғи билан олдинга қадам ташлаб, укэни диагонал бўйича ўнггаолдинга мувозанатдан чиқаради. Тори ўнг қўли билан укэ

гавдасининг юқори кисмини қўлтиқ остидан маҳкам ушлайди (133-135-расмлар), бунда чап таянч оёқ бироз букилади ва шу ондаёқ у тқғриланади. Сўнгра у ўнг оёғи билан укэнинг ўнг оёғини бутун узунлиги бўйича кўтаради ва уни ирғитади (136-138-расмлар).

Эслатма: Рандорида ва мусобақаларда укигоси усулини амалга оширишга камдан-кам муваффақ бўлинади. Бироқ укигоси бошқа сон оша ирғитишлар - хараигоси ва ханэгосини ўрганиш учун ёрдамчи усул сифатида қўлланилади. Агар тори укэ танасининг юқори кисмини қўлтиқ остидан маҳкам ушлаб олмаса, усул амалга ошмайди. Мос равишда укигоси, хараигоси ва ханэгоси тасвиряланган 139,140,141 -расмларда кўриниб турганидеқ укэнинг танаси торининг қўлтиги остига маҳкам қисилган.




102-расм.



103-расм.



104-расм.



105-расм.



106-расм.



107-расм.



108-расм.



109-расм.



110-расм.



111-расм.



112-расм.




113-расм.



114-расм.



115-расм.



116-расм.



117-расм.



118-расм.

119-расм.

120-расм.

121-расм.




122-расм.

123-расм.

124-расм.

125-расм.



126-расм.

127-расм.

128-расм.

129-расм.



130-расм.

131-расм.

132-расм.

## **БОЛДИР БИЛАН ИЛИБ ОЛИШ (ХАНЭГОСИ)**

Ханэгосида мувозанатдан чиқариш ва усулнинг биринчи босқичи хараигосидаги сингари бажарилади. Сўнгра тори ўнг оёқ тиззасида бироз букилган болдири ва ўнг сон билан укэнинг ўнг оёғини юқорига-олдинга ирғитади.

Вариант: тори - ўнг стойкада, укэ - фронтал стойкада. Тори, ўнг оёғи билан қадам ташлаб ва 180 даражага ўтирилиб, укэни қўллари билан ўнгга-олдинга тортиб, уни мувозанатдан чиқаради (133-135-расмлар). Сўнгра, ўнг оёғини тиззада бироз букиб, укэ танасининг юқрисини ўнг қўлтиқ остига қисади (142-расм) ва укэнинг ўнг оёғини ўзининг ўнг болдири билан юқори-га-олдинга кўтара туриб, укэни сон оша ирғитади (143, 144-расмлар).

Эслатма: агар тори укэ томонга бурилишни ўнг оёқда қадам ташлаш билан бошласа, ханэгоси усули амалга оширилади (145-147-расмлар); агар тори укэга бурилишни чап оёқда қадам ташлаш билан бошласа, хараигоси усули амалга оширилади (148-150-расмлар). Хараигоси ва ханэгоси усулларини амалга ошириш учун ушлаб олиш вақтидаги ўнг панжа (кисть) ҳолати 151 - (тўғри ҳолат) ва 152- (нотўғри ҳолат) расмларда кўрсатилган. 153-расмда ханэгоси ва хараигоси ирғитишларини амалга оширишда таянч оёқнинг ҳолати ва йўналиши кўрсатилган: 1. - Ханэгосида оёқларнинг тўғри ҳолати; 2. - Ханэгосида оёқларнинг нотўғри ҳолати; 3. - Хараигосида оёқларнинг тўғри ҳолати; 4. - Хараигосида оёқларнинг нотўғри ҳолати.

Ханэгосини амалга оширишдаги хатолар:

1. Тори олдинга жуда эгилган, укэнинг танаси унинг танасига сикилмаган.
2. Торининг таянч оёғи укэдан узоққа қўйилган. 3. Торининг таянч оёғи кафти йўналиши тўғри ушланмаган.

## **АСОСАН ОЁҚЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИРҒИТНШЛАР ТИЗЗАДАН ЧАЛИШ (ХИДЗАГУРУМА)**

Укэни ўнгга-олдинга мувозанатдан чиқара туриб, тори ўзининг елкаси ва гавдасини чап томонга буради, чап оёқ кафти ости билан укэнинг ўнг тиззасига уради ва укэнинг тиззаси кўзидан таянч нуктаси сифатида фойдаланиб, ирғитишни амалга оширади.

Вариантлар: 1. Тори, ўнг оёқда олдинга қадам ташлаб, гавдасини чапга буради ва укэни ўнгга-олдинга мувозанатдан чиқаради. Сўнгра чап оёқ остининг бармоқ қисми билан укэнинг чап оёғи тизза косасига уради, бир вақтнинг ўзида стрелка йўналишида (154-157-расмлар) чап қўл билан силтов кучини ошириб, ўнг қўл билан укэни ўзидан итаради ва уни татамига ағдаради (158,159-расмлар).

2. Тори чап оёги билан олдинга бир қадам ташлаб, укәни ўнг оёқ билан орқага чекинишга мажбур қиласди. Агар укэ шундан сўнг ўнг оёқ билан олдинга кадам ташлай бошласа, тори чалишни амалга оширади (160-161-расмлар).

3. Укэ олдинга қадам ташлайди. У оёгини татамига қўйган захрти, тори диагонал буйича олдинга ўнг оёқ билан қадам ташлаб ва укәни ўнгга олдинга мувозанатдан чиқариб, чап оёқ тиззасидан чалишни амалга оширади (162-163-расмлар).

164-расмда оёқ кафти остки қисмини тиззага тўғри қўйиш кўрсатилган.



133-расм.




134-расм.



135-расм.



136-расм.




137-расм.



138-расм.



139-расм.



140-расм.



141-расм.



142-расм.



143-расм.



144-расм.



145-расм.



146-расм.



147-расм.



148-расм.




149-расм.




150-расм.




151-расм.



152-расм.



153-расм.



154-расм.

155-расм.

156-расм.

157-расм.



158-расм.



159-расм.



160-расм.

**Хатолклар:** 1. Яқин жойлашган ёки эгилган гавда хамда тиззада букилган оёқ яхши тортишга халақит қиласи.

2. Агар торининг таянч оёқ кафти бармоқлари ташқарига йўналган гавданинг керакли бурилиши амалга ошмайди.

3. Агар тори қўллари билан фақат ўз кўкраги йўналишида тортса, тортиш самарадорлиги икки баравар камаяди.

4. Укэнинг тизза косасидаги таянч нуктаси барқарор бўлмайди. Тори Ҳамма вақт оёқ ёстиқчаси билан иргитишнинг таянч нуктаси (укэнинг тизза косаси) харакатини хис қилиб туриши лозим.

## ОЛД ТОМОНДАН ЧАЛИШ (САСАЭЦУРИКОМИАСИ)

Тори, ўнг оёқ билан олдинга қадам ташлаб гавдани бураб экан, чап оёқ бармоқ қисми билан укэнинг ўнг оёқ дўнгсасидан (подъем) чалиб уни ўнгга-олдинга мувозанатдан чиқаради.

**Вариантлар:** 1. Ўгирила туриб, тори укэни ўнгга-олдинга мувозанатдан чиқаради. Оёқ остининг бармоқ қисми билан укэнинг оёқ

дўнгасасига уради. Сўнгра, сон ва тиззани тўғрилаб, гавдани буриб, ирғитишни бажаради ( торининг таянч оёғи учи ичкарига қаратилган ) ( 165-168-расмлар ).

2. Укэ олдинга қадам ташлади : бу ҳолатда усул тиззадан чалиш сифатида ўтказилади, фақат тори таянч оёғини укэнинг чап оёғига яқин қўяди (169-170-расмлар).

3. Укэ олдинга қадам ташлаб, оёғини татамига қўйди. Тори ўнгга-олдинга кескин ўгирила туриб, олд томондан чалишни амалга оширади (171-расмлар).

Хатоликлар: 1. Жуда яқин ушланганда тортувчи қўл, кўкракка таяниб, силтов (рывок) амплитудасини чегаралайди (173-расм).

2. Эгилган ёнбошда чап оёқ тиззада букилади, силтов ҳаракати куч қўллаш нуктаси ёнига йўналтирилади (174-расм).

3. Тори кам ўгирилганда барқарорликни йўқотиб, укэни мувозанатдам чиқара олмайди (175-расм).

## **УШЛАБ ОЛИШ ( ОТХВАТ ) ( ОСОТОГАРИ )**

Тори укэни ўнгга-орқага мувозанатдан чиқаради ва ўнг оёғи билан укэнинг ўнг оёғига орқадан уради.

Вариантлар: 1. Тори, укэни ўнгга-орқага мувозанатдан чиқара туриб, чап оёғини олдинга, укэнинг ўнг оёғи олдига ён томондан қўяди. Чап қўли билан укэнинг кимоносидан кўкрак даражасида қаттиқ ушлайди, укэни юқорига тортиб, ўнг қўли билан уни олдинга итаради. Сўнгра кескин равища, катта тезликда тори укэнинг оёғини уради, бунда бу зарбага бор кучини сарфлайди ва ирғитувчи оёқнинг орқага кўтарилишига қараб, гавдаинг юқори қисмини олдинга энгаштиради (176-183-расмлар).

2. Тори укэни чапга-орқага итаради. Укэ қаршилик кўрсатиб, дастлабки холатга қайтади. Шу вактда тори укэни ўнгга-орқага мувозанатдан чиқаради ва илиб олишни амалга оширади ( 184-186-расмлар ).

3. Укэ орқага ўнг оёғи билан тисарилган вактда, тори уни таъкиб қилаётгандек чап оёғи билан олдинга катта қадам ташлайди ва ўнг оёғи билан илиб олишни амалга оширади (187-189-расмлар).

Хатоликлар: 1. Торининг таянч оёғи укэнинг ўнг оёғидан узоқда турибди. Укэнинг чап оёғи торининг ўнг оёғи ён томонига қўйилиши лозим (190-расм).

2. Тори силтаб урувчи оёқ ҳаракатини эрта тўхтатиши (191-раем).

3. Тори укэни охиригача мувозанатдан чиқармайди, шунинг учун тори-нинг ўзи бекарор ҳолатга тушиб қолади (192-расм).

## **ИЧКАРИДАН ИЛИНТИРИШ ( ОУТИГАРИ )**

Тори укэни чапга-орқага қайтаради ва унинг чап оёғини ичкаридан илиб, орқага иргитади.

Вариантлар: 1. Укэ кенг фронтал стойкада. Тори укэни орқага мувозанатдан чиқариб, ўнг оёғи билан олдинга қадам ташлайди. Бир вақтнинг ўзида у чап оёғини ўзининг ўнг товонига қўяди, бунда у чап қўли билан укэни ўзига тортади ва ўнг қўли билан уни чапга орқага пастга итаради. Сўнгра, ўнг оёғининг бош бармоги билан ярим доирани тасвирлаб, тори укэнинг чап оёғини Ичкаридан илиб олади ва уни орқага иргитади (193-197-расмлар).


2. Тори, укэни чапга-олдинга тортиб, Ўнг оёғи билан бироз олдинга қадам ташлайди ва укэни чап қўли билан итаради. Бир вақтнинг ўзида тори укэни юқорига тортиб, бироз кўтаради. Сўнгра, тортиш йўналишини бир зумда қарама-қарши йўналишга ўзгартириб (чап қўл билан тортади, ўнг Кўли билан эса итаради), тори илинтиришни амалга оширади (198-200-расмлар).

3. Тори, чап оёғи билан олдинга бироз қадам ташлаб, ўнг қўли билан чапга-олдинга кучли силтов (рывок) қилади. Укэнинг чап оёғи катта қадам-дан сўнг татамига тушган пайтда тори илинтиришни амалга оширади (201, 202-расмлар).

Хатоликлар: 1. Торининг таянч оёқлари бармоқларининг нотўғри йўналиши (203-расм). 2. Ирғитишнинг нотўғри йўналиши (204-расм).




161-pacm.



162-расм.



163-расм.



164-расм.



165-расм.



166-расм.



167-расм.




168-расм.



169-pacM.



170-расм.



171-расм.



172-pacm.



173-расм.



174-расм.



175-расм.



176-расм.



177-расм.



178-расм.



179-расм.



180-расм.



181-расм.



182-расм.



183-расм.



184-расм.



185-расм.



186-расм.



187-расм.



188-расм.



189-расм.



190-расм.



191-расм.



192-расм.

## **ИЧКАРИДАН ЧАЛИШ (КОУТИГАРИ)**

Тори укэни ўнг томонга мувозанатдан чиқаради ва унг оёқ кафти билан ичкаридан укэнинг ўнг оёғини товон остидан бармоқдар йўналишида чалади.

Вариантлар: 1. Укэ кенг стойкада турибди. Тори, ўнг оёғи билан укэнинг чап оёқ кафти томонга бироз бурилиб, уни ўнгга-орқага мувозанатдан чиқаради. Тана оғирлигини ўнг оёқдан чап оёққа ўтказа туриб, тори укэнинг ўнг оёғини товон остидан ўнг оёқ ости билан ичкаридан уради. Тори чап қўли билан укэни пастга тортади, ўнг қўли билан уни юқоридан итариб, татамига йиқитади (205-210-расмлар).

2.Укэ олдинга кенг қадам ташлаганда ичкаридан чалиш. Тори, чап оёғини орқада-унгда қолдириб, укэни ўнг оёқ билан олдинга катта қадам ташлашга мажбур қилади. Укэ ўнг оёғини татамига қўйган вақтда, тори уни ичкаридан товон остидан ўзининг ўнг оёғи остки кисмининг бармоқлар кисми билан чалади (211-213-расмлар).

Эслатмалар: 1. Ичкаридан чалишда унинг йўналиши унчалик муҳим эмас, аксинча, вақтни тўғри танлай билиш муҳим. Чалиш укэ танаси оғирлигини ўнг томонга утказиш вақтида амалга оширилади. Агар тори укэнинг оёғини олдинроқ чалса, укэ уни қўтариб қолишга улгуради. Укэ тана оғирлигини тўлалигича ўнг оёғига ўтказгандан сўнг, бу оёқни ичкаридан чалиш ҳам ўз самарасини йўқотади.

2. Агар тори етарли даражада бурилмаган бўлса, у гавдасини эгишга мажбур бўлади (214-расм).

## **ЁН ТОМОНДАН ЧАЛИШ (ДЭАСИБАРАИ )**

Тори укэни ўнг оёқ билан олдинга қадам ташлашга мажбур қилади ва укэ ўз оғирлик марказини ўнг оёғига ўтказаётган вақтда, уни ўз чап оёғи билан чалади.

Вариантлар: 1. Тори укэни ўнг оёқ билан ичкарига, торининг ўнг оёғи томонга қадам ташлашга мажбур қилади. Бир вақтнинг ўзида у чап оёғи билан олдинга қалам ташлаб бурилади (215,216-расмлар) ва тортишга чап қўлини хам қўшади. Укэ гавда оғирлигини ўнг оёғига утказиб, уни татамига қўяёт-ган вақтда, чап қўли билан пастга кескин силтаб, чап оёғи билан укэнинг ўнг оёғини унинг харакатланиш йўналиши бўйича чалади (219-расм).

3.Тори ўнг оёғи билан орқага катта қадам ташлаб, укэни чап оёқ билан олдинга қадам ташлашга мажбур қилади (220,221-расмлар). Укэ ўнг оёқ билан қадамлай бошлаганда, тори чап қўл билан ўзига-пастга силтov қиласди ва, укэ ўнг оёғини татамига қўйган вақтда, уни ўзининг чап оёғи билан чалади (222,223-расмлар).

## **Ен томондан чалиш, орқадан чалиш ва ташқариданилиб олиш орасидаги фарқлар**

Бу усулларни қўллаш укэнинг усулни амалга ошириш вақтидаги оғирлик маркази холатига боғлик бўлади.

Ён томондан чалиш укэ оёғини олдинга қўйган, аммо унга ўз оғирлигини ўгказишга улгурмаган ва уни энди татамига қўймокчи бўлган вақтда амалга оширилади.

Орқадан чалиш укэ оёғини татамига қўйган, аммо унга хали етарли даражада тана оғирлигини ўтказиб улгурмаган вақтда амалга оширилади.

Ташқаридан илиб олиш укэнинг гавдаси тўлалигича унг товонда жамланганда амалга оширилади. Бунда тори укэни қўллари билан орқага-пастга йикитади.

## **ЁН ТОМОНДАН ИККИ ОЁҚДАН ЧАЛИШ (ОКУРИАСИБАРАИ)**

Укэ ёнламасига ёки қўшимча қадамлар билан чапга харакатланади. Тори, у билан бир вақтда харакатланиб, чап оёғи билан укэни ўнг оёғи дўнгсасининг (дўнг жойининг) пастки қисмидан чалади.

Вариантлар: 1. Укэ чап оёғи билан чап томонга харакатланаётган вақтда тори, гавдасини бироз бушаштириб, ўнг оёғи билан ўнгга кенг қадам ташлайди. Чап қўлни юқорига силташ орқали укэни бироз кўтаради ва уни унг қўли билан диагонал бўйича юқорига, худди сувдан чиқариб олаётгандек тортади. Укэ ўнг оёғини чап оёғига қўя бошлаган вақтда, тори чап оёғининг остки бармоқлар қисми билан укэнинг ўнг оёғи дўнгсасининг пастки қисмидан шундай чаладики, бунда укэнинг чап оёғи ҳам худди шу чизик бўйлаб чалинади (224-229-расмлар).

2. Тори ўнг оёғи билан орқага катта қадам ташлаб, гавдасини орқага буради, бунда укэни чап оёқ билан олдинга қадам ташлашга ва ўнг оёғини чап оёқка қўйишига мажбур қиласиди. Худди шу вақтда тори чап қўли билан укэнинг ўнг тирсагини унинг баданига қисади ва уни бутунлай юқорига сиқаётгандек бўлади. Сўнгра, укэни ўнг қўли билан диагонал бўйича юқорига тортиб, чалишни амалга оширади (230-233-расмлар).

3. Агар укэ чап оёғи билан орқага чекинса, тори уни ўнг оёғи билан таъқиб қилиб, чап оёғи билан чалади (234-236-расмлар).

Эслатма. Чалишни амалга оширишда сон (ёнбош)ни четга олманг. Торининг таянч оёғи етарли даражада укэга яқин туриши керак.



193-расм.



194-расм.




195-расм.



196-расм.



197-расм.



198-расм.



199-расм.



200-pacm.



201-пачм.



202-pacM.



203-пачм



204-pacM



205-pacM.



206-пачм



203



222



209-расм.



210-расм.



211-расм.




212-расм.




213-расм.



214-расм.



215-расм.



216-расм.



217-расм.



218-расм.



219-расм.



220-расм.



221-расм.



222-расм.



223-расм.



224-расм.



225-расм.



226-расм.



227-расм.



228-расм.




229-расм.




230-расм.



231-расм.



232-расм.



233-расм.




234-расм.



235-расм.



236-расм.




237-расм.



238-расм.



239-расм.



240-расм.



241-расм.

## **СОФ ЧАЛИШ (ХАРАИЦУРИКОМИАСИ)**

Агар олдиндан чалишда - сасаэцурикомиаси (уни яна таянч чалиш деб аташ хам мумкин) - торининг чалувчи оёқ кафти бир вақтда укэ оёғининг харакатланишига халал берувчи таянч бўлиб хизмат қилса, соф чалишда (хараицурикомиаси) торининг оёқ кафти соф чалувчи харакатни бажаради.

Усулнинг таърифи: тори қучли силтов билан укэни ўнгга-олдинга мувозанатдан чиқаради ва чап оёғи билан укэнинг ўнг оёғидан чалади.

Вариантлар: 1. Тори, ўнг оёғи билан укэнинг чап оёғига яқин қадам ташлаб, гавдасини чапга буради ва қучли силтов билан укэни ўнгга-олдинга мувозанатдан чиқаради. Сонни тўғрилаб туриб, чап оёқ ости бармоқ қисми билан укэнинг ўнг оёғи сиртки тўпифидан шундай чаладики, бунда укэнинг оёқлари юкорига кўтарилиб кетади (237-242-расмлар).

2.Тори чап оёғи билан олдинга қадам ташлаб, укэни ўнг оёқни орқдга олишга мажбур қиласди. Укэ ўнг оёғи билан, уни яна олдинга қўйиш учун қадам ташлай бошлаганди, тори ўнг оёғини ичкарига, укэнинг чап оёқ кафтига яқин қўяди ва уни кескин силтов билан ўзига буриб, чалишни амалга оширади (243-245-расмлар).

3.Тори қучли силтов билан укэни чап оёқ билан олдинга катта қадам ташлашга мажбур қиласди. Укэ, мувозанатни сақлаб қолишга интилиб, ўнг оёғини олдинга тортади. Айни шу вақтда тори чалишни амалга оширади (246-248-расмлар).

## **ИЛИБ ОЛИШ (ПОДХВАТ) (УТИМАТА)**

Укэни олдинга мувозанатдан чиқара туриб, тори ўнг сонининг орқа қисми билан укэнинг чап сонини ичкаридан, пастдан тепага уради.

Вариантлар : 1. Укэ эгилиб, оёқларни кенг қўйиб туради. Тори ўнг оёғи билан диагонал бўйича укэнинг ўнг оёқ кафти томонга қадам ташлайди ва дархол ўнг оёқ урнига тиззадан букиб чап оёғини қўяди. Чап оёғини тўғрилаб, тори ўнг сонининг орқа қисми билан укэнинг чап сонини ичкаридан, пастдан тепага уради (249-254-расмлар).

2. Кучли силтов билан тори укэни чап оёқ билан чапга қадам ташлашга мажбур қиласди. Укэга гавда оғирлигини чап оёққа ўтказишга йўл қўймасдан, тори бир лахзада ўзининг ўнг оёғи урнига чап оёғини қўяди ва ўнг оёқ билан илиб олишни амалга оширади (255-257-расмлар).

3. Укэ олдинга-ўнгга қадам ташлайди. У гавда оғирлигини ўнг оёққа ўтказаётган вақтда, тори, ўнг оёғи билан укэнинг тагига чуқур жойлашиб, илиб олишни амалга оширади (258,259-расмлар).

Эслатмалар: 1. Торининг таянч оёғи укэнинг оёқлари орасида чуқур жойлашган. 2. Тори тўғри жойлашиш ва таянч оёқ кафтининг йўналишини назорат қилиши зарур (расмларга каранг).

## **ЙИҚИЛИБ ИРРИТИШ**

### **БОШ УСТИДАН ИРГИТИШ ( ТОМОЭНАГЭ )**

Укэни олдинга мувозанатдан чиқара туриб, тори чап оёғини укэнинг оёқ кафтлари орасига қўяди. Бир вақтнинг ўзида думбага ўтира туриб ва тиззада кучли букилган ўнг оёқ кафти билан укэ корнининг пастки қисмига тиралиб, тори ўни устидан ошириб иргитади.

Вариантлар: 1. Тори кенг фронтал стоика холатида турган ва бироз эгилган укэни олдинга мувозанатдан чиқаради. Чап оёқни укэнинг оёқлари орасидан ўтказиб, тори думбалари билан татамига тегади. Укэ корнининг пастки қисми-дан таянч нуқтаси сифатида фойдаланиб, тори ўнга ўнг оёғининг остки қисми-ни қўяди, икки қўли билан ей бўйича укэни ўзига тортади, силтov билан ўнг оёғини тўғрилайди ва укэни устидан ошириб иргитади (260-264-расмлар).

2. Укэ торига яқинлашади. Тори укэни ўзига тортади. Укэнинг оёқлари кафтлари бир чизиқда бўлган вақтда, тори укэнинг тагига кириб, уни устидан ошириб иргитади (265-267-расмлар).

Эслатмалар: 1. Торининг тортувчи қўллари йўналиши (траекторияси) (қаердан ушлаб олишдан қатъий назар - қайтарма ёки тирсак остидан) яrim эллипсни эслатади. 2. Тори татамига имкони борича ўзининг чап товонига яқинроқ ўтиради.

Хатоликлар: 1 .Торининг бели укэдан узоқда (268-расм).

2.Тори оёқлар харакати ва қўллар билан тортиш синхронлигини бузган (269-расм).

3.Тори укэнинг тагига кирмаган, ундан узоқда ётибди, шу сабабли қўллар билан тортиш самарасиз (270-расм).



242-расм.



243-расм.



244-расм.



245-расм.



246-расм.



247-расм.



248-расм.



249-расм.




250-расм.




251-расм.



252-расм.



253-расм.



254-расм.



255-расм.



256-расм.

## **ИРГИТИШЛАР КОМБИНАЦИЯЛАРИ**

### **ЎЗ УСУЛИДАН ЎЗ УСУЛИГА**

**Орқа оша иргитиши - орқа оша иргитиши (сэоинагэ-сэоинагэ) (271 - 273-расмлар).**

**Ушлаб олиш (охват) - ушлаб олиш (осотогари-осотогари) (274-276-расмлар).**

**Ичкари томондан чалишдан ичкари томондан илиб олишга (коутигари-оутиғари).** Бунда ичкаридан чалишдан химояланыётган укэ гавда оғирлигини чап оёққа ўтказади ва орқага тисарилади. Бундан фойдаланган тори ич томондан илиб олади (277-279-расмлар).

**Қайтармадан ушлаш орқали сон оша иргитишдан ичкаридан илиб олишга (цурикомигаси-оутиғари).** Сон оша иргитишдан химояланиб, укэ орқага тисарилиб, бироз чўқкалайди. Тори ичкаридан илиб олишни амалга оширади (280-282-расмлар).

**Ичкаридан илиб олишдан олд томондан чалишга (оутиғари-тай-отоси).** Укэ ичкаридан илиб олишдан химояланиб, гавда оғирлигини чап оёқдан ўнг оёққа ўтказаётган вақтда, тори олд томондан чалишни амалга оширади. Ёки, укэ ичкаридан илиб олишдан химояланиб чап оёғини олган вақтда, тори олд томондан чалишни амалга оширади (283-285-расмлар).

**Ичкаридан чалишдан олд томондан чалишга (коутигаридан тай-тосига).** Укэ, ичкаридан чалишдан химояланиб, ўнг оёғини орқага қўяди. Тори, уни ўнг оёғи билан таъқиб қилаётгандек бўлиб, олд томондан чалишни амалга оширади (286-289-расмлар).

**Ичкаридан ушлаб олишдан ичкаридан илиб олишга (утимата - оутиғари).** Укэ, ушлаб олишдан химояланиб, гавда оғирлигини чап оёғига ўтказади ва орқага эгилади. Тори ичкаридан илиб олишни амалга оширади (290-292-расмлар).

**Ичкаридан ушлаб олишдан ич томондан чалишга (утимата-коутигари).** Укэ, ушлаб олишдан химояланиб, гавда оғирлигини ўнг оёғига ўтказади ва орқага эгилади. Айни шу вақтда тори ичкаридан чалишни амалга оширади (293-295-расмлар).

### **РАҚИБ УСУЛИДАН ЎЗ УСУЛИГА**


**Ичкари томондан чалишдак тиззадан чалишга (коутигари-хидзагурума) (296-298-расмлар).**

**Тиззадан чалишдан ушлаб олишга (хидзагурума-осотогари).** Укэ, амалга ошмаган тиззадан чалишдан сўнг мувозанатини тиклаб олишга хараткат қилаётган вақтда, тори ушлаб олишни амалга оширади (299-301-расмлар).

**Жавобан ушлаб олиш (ёки ушлаб олишга жавобан мувозанатдан чикириш) (302-304-расмлар).**

**Ушлаб олишдан ушлаб олишга (осотогариқаэси) (305-307-расмлар).**


**Ичкаридан чалишдан бошдан ошириб иргитишига (308-310-расмлар)**



257-расм.



258-расм.



259-расм.




260-расм.




261-расм.




262-расм.



263-расм.



264-расм.




265-расм.



266-расм.




267-расм.



268-расм.



269-расм.



270-расм.



271-расм. 272-расм. 273-расм. 274-расм. 275-расм.



276-расм. 277-расм. 278-расм. 279-расм. 280-расм.



281-расм. 282-расм. 283-расм. 284-расм. 285-расм.



286-расм. 287-расм. 288-расм. 289-расм.

## **ИРҒИТИШЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШ**

Стойкада кураш усуларидан химояланиш яккаураш қатнашчиларининг жисмоний ривожланиши, техник тайёргарлик даражаси ва бошқа сифатларига боғлиқ. Хатто биргина усул қўлланишидан химояланиш хам вазиятга қараб турлича бўлиши мумкин. Рақиб қулламоқчи бўлаётган усулни олдиндан англаш, усулни амалга ошириш харакатларини ўз гавдасининг кўзга кўринмас харакатлари ва бурилишлари билан йўққа чиқаришни билиш катта ахамиятга эгадир. Усулни амалга ошира бошлаган рақиб харакатларига қан-дай жавоб бериш кераклигини бир неча мисолларда курсатиб берамиз:

1.Сон билан бериладиган зарбадан қочиш: укэ олдинга қарши харакат билан тосни кўрсаткич (стрелка) йўналиши бўйича буради (311-313-расмлар).

2.Рақиб ушлаб олишини тўхтатиш: укэ торининг гавдаси атрофида қадамлаб ва орқага чекиниб, усулдан чиқиб кетади (314-316-расмлар).

3.Гавда оғирлиги жойини ўзгартириш орқали химояланиш: укэ тиззалирини букиб ва тосни олдинга чиқариб химояланади. Сўнгра гавда оғирлигини орқага ўтказади (317-319-расмлар).


4.Асосий, тортиш усулини (захват) барбод қилиш: кескин силтов билан тўғриланиб, укэ асосий ушлаб олишни барбод килади (320-322-расмлар).

## **ЁТГАН ҲОЛДА КУРАШИШ УСУЛЛАРИ**

### **АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАР**

Ётган холда курашиш усуллари ушлаб қолиш, бўғиш ва оғритиш усулларига бўлинади. Ўрганишни ушлаб қолиш усулидан бошлаш ва секинаста бўғиш ёки оғритиш усулларини ўрганишга ўтиш мақсадга мувофиқ. Бундай узвийлик бўғиш ва оғритиш усулларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ у ўкув-машқ жараёнининг самарадорлиги ва жароҳатланишнинг олдини олиш нуқтаи назаридан жуда ўринлидир.

Ётган холда курашишда хам, худди стойкадан иргитиш усулларини машқ килишдаги сингари, уқитиш жараёни асосий элементларни ургатишдан бошланади ва уларни ўрганишга жиддий эътибор қаратиш зарур.



290-расм.



291-расм.



292-расм.




293-расм.



294-расм.



295-расм.




296-расм.



297-расм.




298-расм.



299-расм.



300-расм.




301-расм.и.




302-расм.




303-расм.



304-расм.



305-расм.и.



306-расм.

307-расм.

308-расм.

309-расм.




310-расм.

311-расм.

312-расм.

313-расм.



314-расм.

315-расм.

316-расм.

317-расм.

318-расм.



319-расм.

320-расм.

321-расм.

322-расм.

Ётган холда курашишнинг асосий элементларини бир катор мисолларда кўрсатиб ўгамиз.

### **1. Хрлатлар.**

Бир тиззадаги стойка ётган холда курашища хужум қилиш учун асосий холат хисобланади (323-расм).

Агар орқа томон билан ётган холатда бир оёқ тиззада букилган, иккинчиси эса тўғри бўлса, бундай холат ётган холда курашда химояланиш учун асосий холат хисобланади (324-расм).

### **2. Ётган холда курашда жойни ўзгартириш.**

Бир тиззадаги кенг стойкадан (323-расм) ўнг оёқ кафти чап тизза ёнига қўйилади. Шундан сўнг ўнг оёқ кафти олдинга қўйилади, унга чап тизза яқинлаштирилади. Агар оёқ кафти ва тизза харакатлари қарама-қарши кетма-кетликда амалга оширилса, курашчи орқага чекинади. Харакатланишини якунлаб бўлгач, курашчи яна ўнг оёқ кафтини унгга қўяди, бунда тиззасини ўнгга буради (325-328-расмлар).

### **3. Ётган холда курашдаги бурилишлар.**

Кенг микёсда қўйилган тўғри қўллар кафтига таянган холда, курашчи ўнгга ва чапга ўтиришларни амалга оширади (329-330-расмлар).

### **4. Ётган холда тортилиш.**

Татамида юз тубан ётган холатдан (қўллар олдинга кафтлари пастга қилинган холатда чўзилган, оёқлар кенг қўйилган, қорин ва кўкрак татамида узала тушиб ётибди) курашчи, кўкрагини татамидан узмаган холда, олдинга икки қўл билан чузилади, бунда тирсаклар букилади ва елка хдмда билак мушаклари тарангашади (331,332-расмлар).

### **5. Тўлқинсимон ётиб-туриш (отжимание).**

Кенг қўйилган тўғри қўллар ва оёқларда курашчи кўкраги татамига тегади-ган даражада тўлқинсимон ётиб-туришни амалга оширади. (333,334-расмлар).

### **6. Вертикал (тик) ўқ атрофида ён томонлама бурилишлар.**

Ёнбошда ётган холатда курашчи оёқ ва елканинг бир текис силтовлари билан ўзининг тос-сон мушакларини, ёнбошда вертикал (тик) ўқ атрофида айланиб, орқага ўгказади. Бу харакат илон танаси харакатини эслатмоғи лозим (335,336-расмлар).

### **7. Тизза буғимида оёқни айлантириш.**

Орқада ётган холатда курашчи сонларини кўтаради ва тиззада букилган оёқларни ичкарига ва ташқарига айлантиради (337-расм).

### **8. "Велосипед".**

Курашчи орқасига ётади ва навбатма-навбат тиззадан букилган оёқларини туғрилайди (татамига параллел равишда). Асосий кучланиш товонда жамланган (338,339-расмлар).

### **9. "Салазки"(сирпанғич).**

Орқа томонида ётган холда курашчи гавдаси ва оёқдарини шундай эгадики, бунда боши тиззалар орасига келиши керак (340-расм).

### **10. "Кўприк "(мост).**



323-расм.



324-расм.



325-расм.




326-расм.



327-расм.



328-расм.



329-расм.




330-расм.



331-расм.



332-расм.




333-расм.



334-расм.



335-расм.




336-расм.



337-расм.




338-расм.



339-расм.



340-расм.



341-расм.



342-расм.




343-расм.



344-расм.



345-расм.



346-расм.

Орқаси билан ётган холатда курашчи уч нуқта (оёқлар ва бош) таянчига ўтади ва олдинга-орқага харакатлар қиласи (341-раем).

## УШЛАБ ҚОЛИШЛАР

Ушлаб қолишилар вақтида тори орқаси билан ётган укэнинг харакатлари ни назорат қиласи, бунда у укэ танасининг юқори қисмини сиқиб туради.

Бунинг учун ушлаб қолишиларни барча асосий элементларини ўзлаштириш, барча куч-куватни рақибни орқа томонида ётган холда ушлаб қолишига йўналтиришни ўрганиш зарур. Шу билан биргаликда, тори укэнинг ушлаб қолишидан қочиш учун қилаётган ҳаракатларига жавобан, ўз гавдаси ҳолатини тезлик билан ўзгартиришни билмоғи зарур.

## **УШЛАБ ҚОЛИШЛАРДАН ҲМОЯЛАНИШ**

Ушлаб қолишдан ҳимояланиш учун укә әгилувчан гувалачага үхшаб қисилиб, ўз танаси бўғимларини қисқартиради, оёқларини ишга солади, ўз харакатларини тори томонидан бўшроқ назорат қилинаётган томонга йўналтиради, ёки қутулишга интилиб, рақиб куч жамлаган йўналишда ҳаракатланиб, ҳужум йўналишини кескин ўзгартиради.

### **ЁН ТОМОНДАН УШЛАБ ҚОЛИШ (КЭСАГАТАМЭ)**

Тори орқа билан ётган укәнинг қўлтигига ёнбоши билан ёпишиб, ушлаб қолишни амалга оширади. Усулнинг тасвирланиши: тори чап қўли билан укәнинг ўнг қўлини қўлтиқ остида сиқиб, орқа томондан қўлтиқ остидан укәни ўнг енгидан ушлаб олади. Ўнг сонини укәнинг ўнг қўлтигига маҳкам ёпиштирган холда, тори ўнг қўли билан укәни бўйнидан сиқиб олади ва унинг бошини юқорига кўтаради. Ўнг қўли билан укәнинг ёқасидан маҳкам ушлаб олган тори ушлаб қолиш усулини амалга оширади (асосий вариант, 342-расм).

Вариантлар: 1. Асосий вариант ҳолатини сақлаб қолиб, тори ўнг қўлини укәнинг чап қўлтиги остига киритиб, ушлаб қслишни амалга оширади. Бу усул кудзурэқэсагатамэ деб аталади (343-расм).

2. Тори чап қўли билан укәни ёқасидан орқа томондан ушлайди, ўнг сонини ўнг томондан укәнинг боши остига чуқур киритади ва ўзининг ўнг оёғини ўнг қўли билан ушлаб, усулни амалга оширади. Бу усул макуракэсагатамэ деб аталади (344-расм).




347-расм.



348-расм.




349-расм.



350-расм.



351-расм.



352-расм.



351-расм.



354-расм.



355-расм.




353-расм.



356-расм.




357-расм.



358-расм.



359-расм.



360-расм.

## ЁН ТОМОНДАН ҚАРАМА- ҚАРШИ (ҚАЙТА) УШЛАБ ҚОЛИШ ( УСИРОКЭС АГАТАМЭ )

Тори чап қўли билан укёни чап енгидан қўлтигига яқин маҳкам ушлайди ва укёниг чап қўлини ўзининг чап қўлтиги билан қисади. Ўзининг ўнг сонини чап томондан укёниг бошига маҳкам босиб, ўнг қўли билан тори ўнг-ён томондан укёниг белбоғидан ушлайди ва маҳкам эгилган ўнг тир-сагини укёниг танасига ён томон-ўнгдан босиб, ушлаб қолиш усулини амалга оширади. Бунда торининг ўнг қўлтиги укэ кўкрагининг юқори ўнг қисмини маҳкам сиқади (345, 346-расмлар).

**Эслатма:** ён томондан ушлаб қолиш амалга оширилганда (кэсагатамэ), торининг чап қўлтиги остида маҳкам қисилган укёниг ўнг қўли худди укёниг елкасидан юқорига чузилаётгандек бўлади. Тори таянч майдонини кенгайтириш учун оёқларини кенг қўйиб, укёни ўзининг ўнг сони томонга каттиқ тортади. Бир қўлдан ушлаган холда ён томондан ушлаб қолишда (кудзурэксагатамэ) торининг бўш қўли ушлаб қолишни барқарор этувчи ролни бажаради: агар укэ гавда холатини ўзгартиришга интилса, ўнг қўлниг татами ва укёниг танасига нисбатан холати ўзгаради. Агар зарур бўлса, тори бўш қўли билан орқа томондан укёниг ёқаси ва хоказолардан тутиб, ушлаб қолишни барқарорлаштиради. Бир қўлдан ушлаган холда ён томондан ушлаб қолиш усулидан ётган холда қурашишнинг бошқа усуулла-рига осонгина ўтиш ва рақибга қурашнинг комбинацион услубини қабул қилдириш мумкин.

### БЎЙИН ВА ҚУЛДАН ТУТГАН ҲОЛДА ЁН ТОМОНДАН УШЛАБ ҚОЛИШ (КАТАГАТАМЭ)

Тори ён томондан қўли ва елкаси билан орқа билан ётган укёниг қўли ва бошини харакатдан тўхтатади. Тори, укёниг ўнг қўлини унинг юзига босиб, шу қўлни укёниг боши билан қўшиб ўзининг ўнг қўли билан сиқиб олади. Икки қўли билан бир-бирига кесишигдан холда ушлаб, тори букилган ўнг тиззасини укёниг танасига ён томондан босади, тўғри чап оёғини эса ён томонга чузиб, укэга маҳкам ёпишган холда ушлаб қолиш усулини амалга оширади (347,348-расмлар).

**Эслатмалар:** 1. Укёниг ўнг қўли сирғаниб чикиб кетмаслиги учун тори ўни укёниг бўйнига қўшиб сиқиб олади. 2. Укэга ёпишган холда, иложи борича пастроқ жойлашиш лозим.

### БОШ ТОМОНДАН УШЛАБ ҚОЛИШ (КАМИСИХОГАТАМЭ)

Тори икки қўли билан ташқи томондан укёниг иккала қўлини сиқиб, орқа билан ётган укёниг бош томонидан ушлаб олишни амалга оширади.

Усулнинг тасвирланиши: укёниг қўлларини елка ва билак билан қисиб, тори маҳкам қисилган тирсаклари билан рақиб қўлларини сиқади, бунда панжалари билан укёниг қўллари остидан ўнг ва чап ён белбоғидан ушлаб олади ва имкони борича сонларини пастроқ тушириб, ушлаб қолиш усулини амалга оширади (349-расм).

Бош томондан ушлаб қолишдан ўзини олиб қочиши мақсадидаги укёниг қаршилигини бостириш торининг гавдаси холатини ва харакат йўналишини ўзгартириш билан амалга оширилади. Агар укэ ўнгга ёки чапга ўгирилишга ёки айланиб олишга харакат қиласа, тори оёқларини чўзади ва татамига маҳкам ёпишади (350-расм). Агар укэ ушлаб қолишдан кетиш учун сонларидан фойдаланса, тори кенг қўйилган туфи оёқлари билан тосни қўтаради ва, бош ҳамда кўкрак билан қориннинг пастки қисмига таяниб, укэни татамига босади (351-расм).

**Эслатмалар:** 1. Укёниг қўллари доимо қисилган. 2. Тори, оёқларини тиззада букиб ва туфилаб, ушлаб қолишдан чиқмоқчи бўлаётган укёниг харакатларини бостиради.

## **БЕЛБОГДАН ҚҮЛЛАРНИ ЧАТИШТИРГАН ҲОЛДА ТУТИБ БОШ ТОМОНДАН УШЛАБ ҚОЛИШ (КУДЗУРЭКАМИСИХО-ГАТАМЭ )**

Тори чап құли билан укәнинг чап елкаси остидан, орқа томондан унинг белбоғидан ушлайди, ўнг құли билан укәнинг ўнг құлтиғи ости-дан, орқа томондан унинг белбоғидан ўзининг құлига чатиширган (құндаланғ) ҳолда ушлайди ва укәнинг танасини құлтиғи остида қисиб, ушлаб қолишни амалга оширади (352-расм).

**Вариантлар:** 1. Тори ўнг құли билан кимоно белбоғи ўрнига укәнинг шими белбоғининг ички томонидан ушлайди, бу билан унинг тос харака тини чегаралайди (353-расм). 2. Белбоғдан ўнг құл билан ушлаш урнип тори ўнг құлтиқ остидан укәнинг ёқасидан тутиб, ушлаб қолиш усулини бажаради (354-расм). Торининг асосий вариантдаги чап құли холати (юқоридан күриниш) 355-расмда күрсатилган.

Торининг икки құл билан белбоғдан чатишириб ушлаш ҳолати (юқоридан күриниш) 356-расмда күрсатилган.

**Эслатма:** укәнинг боши ва елкасини сиқиб, тори унинг харакатларигд ҳалал беради.

## **КҮНДАЛАНГИГА УШЛАБ ҚОЛИШ ( ЕКОСИХОГАТАМЭ )**

Укә орқаси билан ётибди, тори құндалангига ушлаб қолишни амалга ошироқда. Оёқдан түтігінде құндалангига ушлаб қолиш вариантий күрсатамиз.

Тори, ўнг құлинине укәнинг оёқлари орасидан ўтқазиб, чап ён томон белбоғдан тутади, елкаси, билаги ва боши билан укәнинг чап оёғи (сони) ни босади. Тори чап құли билан укәнинг ўнг тиззасини босиб, ушлаб қолиш ни амалга оширишга интилиши мүмкін (357-расм).

Сүнгра тори ўнг тиззасини укәнинг ўнг ёнбошига тирайди. Ўнг құл билан тортилиб, укәнинг ўнг құлинине суриб, у чап құли билан укәнинг уни елкаси оша орқа томондан унинг ёқасидан тутади, чап оёғини түғилайды ва укәнинг танасига маҳкам өпишиб, унинг бошини юқорига құтаради (358 - расм).

Шундан сүнг тори укәнинг танасига чап оёғини хам тиззадан буккан ҳолда тирайди ва күкраги билан укәнинг танасини босған ҳолда ушлаб қолишни амалга оширади (359-расм).

**Вариантлар:** 1. Тори чап құли билан укәнинг елкаси оша ён томондан унинг белбоғидан тутади, ўнг құли билан укәнинг шимидан тутиб, ушлаб қолиш усулини утказади (360-расм).

2. Тори бир вақтнинг ўзида құндалангига ушлаб қолиш ва оғритиш усулини амалга оширади - құндалангига түгун (узел) (361-раем).

**Эслатмалар:** 1. Укәнинг ўнг оёғини түхтатиш учун, тори ўзининг уни тиззасини укәнинг ўнг сонига маҳкам босади. 2. Укә бошини торинин тирсаги остидан чиқараби ололмаслиги учун, тори уни чап тирсаги билан босади. 3. Ётган ҳолда курашишда құндалангига ушлаб қолиш усулидан қўп фойдаланилади, чунки бу усолдан бошқа ушлаб қолиш усулига, оғритиш усулига ўтиш осон.

## **УСТИДАН УШЛАБ ҚОЛИШ ( ТАТЭСИХОГАТАМЭ )**

Укә курагида ётибди. Тори устида турған холатдан олдинга энгашиб, ушлаб қолишни амалга оширади (бу ерда оёқлар билан қисилған оёқларнн бўшатиб олгандан сүнг ушлаб қолишни утказиш варианти берилган).

Укәнинг тиззасидан босиб (362-расм), тори укәнинг устига утириб, қисилған оёғини чиқаради, ташқаридан иккала оёғи билан унинг оёқларини қисиб олади,

үнг қўлини чап елка оша утказади, чап қўлини эса укэнинг ўнг қўлтиғи остидан утказади. Чатишган тутиш орқали укэнинг танасини қисиб олиб, юори ушлаб қолишни амалга оширади (363,364-расмлар).

Вариантлар: 1. Укэнинг боши ва ўнг қўлини елкадан ушлаб қолишдаги (катагатамэ) сингари ушлаб олиб, тори устида турган холатда икки нилан укэ танасининг пастки қисмини сиқади (365-расм). 2. Тори ўнг қўли билан укэнинг ўнг елкаси оша орқа томондан, унинг белбоғидан тутади ва ўзининг ёқасини ўнг томондан ушлайди. Сўнгра, укэнинг тўғри ўнг қўлини чап қўл билан ўзининг юзи даражасида қисиб, олдинга мук тушиб, ушлаб қолиш усулини амалга оширади (366-расм -пастдан кўриниш).

## БЎҒИШ УСУЛЛАРИ

Бўғиши усуллари ёрдамида рақибнинг бўйнидан қисиши орқали, рақиблардан бири унинг харакатларини назорат остига олади. Буғиши усулларини самарали амалга ошириш учун тори укэнинг харакатларини чегаралаб ва имкони борича ўз харакатларида эркин қолиб, уни ушлаб туради. Қўл ва кимоно қайтармасини рақиб бўйнининг мос келувчи нукталарига маҳкам босишини ўрганиш жуда мухимдир. Бўғиши оғритиш каби тезкор самара бермайди. Хатто рақиб қаршилик кўрсатмаётган турғун холатда хам буғиши усули 10 секунд (сония) доирасида амалга оширилади. Машғулотлар вақтида рақиблар фаол хужум қиладилар ва химояланадилар, шу сабабли усулин амалга оширишга, табиийки, кўп вақт талаб этилади. Шунга қарамай, бўғиши усули белгиланган вақт оралиғи мобайнида тўхтовсиз бажарилиб туриши зарур.

## ОРҚА ТОМОНДАН КУРТКА ҚАЙТАРМАСИДАН ТУТИБ БЎҒИШ УСУЛИ ( ОКУРИЭРИДЗИМЭ )

Бу бўғиши укэнинг орқа томонидан, куртканинг иккала олдинги қайтармасидан ушлаган холда амалга оширилади (367-расм).


Усулнинг тасвирланиши: тори икки оёғи билан укэнинг танасини орқа Томондан сиқиб олади, чап қўлини укэнинг чап қўлтиғи остидан ўтказади ва укэ курткасининг олд томон ўнг қайтармасидан ўмров (ключица) даражасида ушлаб олади. Тори ўнг қўлини укэнинг елкаси устидан унинг ияги ости бўйлаб ўтказади, чап-ён томондан укэнинг ёқасидан маҳкам ушлайди ва танасини ўнга бураётгандек бўғиши усулини амалга оширади (368- ( расм ).

Вариантлар: 1. Агар укэ мук тушган холатга тушиб қолса, тори ўзининг ўнг қўлини укэнинг ўнг қўлтиғи остидан ўтказади ва укэнинг чап ёқасини лод томондан ушлаб олади. У чап қўли билан укэнинг ўнг ёқасини ён томондан ушлайди, ўнг сони билан укэнинг бўйини чап томондан сиқади ва бўғиши чап елка харакати билан якунлайди (369-расм).


2. Агар укэ эмаклаган холатга тушса, тори ён томондан оёқлари билан укэнинг қўлини сиқади, бунда у укэнинг усти оша айлануб ўтади ва бўғиши усулини орқага айланиш билан амалга оширади (бу вариантни "дўзах чарҳпалаги " деб атайдилар).

3. Укэ эмаклаган холатда турибди, тори ён томондан хужум қилмоқда ( 370 расм ). Тори чап қўли билан укэнинг ияги остидан унинг ёқасини ўнг томондан маҳкам ушлаб олади, ўнг қўлини тори юқоридан укэнинг ўнг қўлтиғи остидан ўтказади ва укэнинг ўнг қўлини ушлаб олади. Чап оёқ билан укэнинг чап қўлини илиб (371-расм), тори орқа томонига айланади. Иккала билан укэнинг чап оёғини қисиб ва ўнг қўли билан укэнинг уш қўлини ушлашни давом эттириб, у чап қўли билан буғиши усулини амалга оширади (372-374-расмлар).

4. Тори ўнг қўли билан укэнинг бўйини орқа томондан маҳкам босади. Бу вариант катаҳадзимэ деб аталаади (375-расм).



361-расм.



362-расм.



363-расм.



364-расм.



365-расм.



366-расм.



367-расм.



368-расм.




369-расм.



370-расм.



371-расм.



372-расм.



373-расм.



374-расм.




375-расм.




376-расм.



377-расм.



378-расм.



379-расм.



380-расм.

## ОРҚА ТОМОНДАН ЕЛКА ВА БИЛАК БИЛАН БЎҒИШ УСУЛИ (ХАДАКАДЗИМЭ)

Билакни укэнинг бўғзига қўйиб, панжаларни чирмаштириб ва орқа тонн елка хамда билак билан босиб, тори укэни бўғади (376-расм). Укэ мук тушган холатда тори унинг қўлтиқлари остидан икки қўли билан уни кимоно қайтармаларидан ушлаб олади. Укэни бироз кўтариб, тори оёқлари билан укэнинг танасини қисади ва уни тўғрилайди (377,378-расмлар). Тори ўнг қўлини юқоридан укэнинг ўнг елкаси оша унинг ияги тагидан ўтказади. чап қўлини юқоридан чап елка оша ўтказади ва қўлларини устмауст чирмаштириб, бўғиши усулинни амалга оширади (379-расм).

## ҚЎЛЛАРНИ УСТМА-УСТ ЧАТИШТИРИБ БЎҒИШ УСУЛИ (ДЗЮДЗИДЗИМЭ)

Тори, билакларини устма-уст қўйиб, укэни ён томон қайтармаларидан (ўмров остидан) махкам ушлаб олади ва бўғиши усулинни қўллайди. Қандай ушлаб олшга қараб бўғиши вариантлари ишлатилади:

1. Иккала қўлнинг бош бармоқдари қайтармалар остида жойлашган. Бу холатда усул намидзюдзидзимэ деб аталади (380-расм).
2. Бир қўлнинг бош бармоғи қайтарма остида. Бошқа қўлнинг эса, аксинча тўрт бармоқи қайтарма остида, бош бармоқ эса ташқи томонда жойлашган. Бу усул катадзюдзидзимэ деб аталади (381-расм).
3. Иккала қўлнинг бош бармоқлари - ташқи томонда, бошқа бармоқлар эса қайтармалар остида. Усул гяқудзюдзидзимэ деб аталади (382-расм). Чатиштириб бўғиши усулининг умумий қўриниши 383-расмда берилган.

## ОҒРИТИШ УСУЛЛАРИ

Оғритиши усуллари ёрдамида мушакларни қарши йўналишда букиб ёки қайириб, ракибни ўз назорати остида ушлаш мумкин. Дзю-дода фақат тирсак мушакларини букиш ва қайириш рухсат этилади. Бошқа оғритиши усулларини қўллаш дзю-дода таъқиқланган. Оғритиши усуллари жуда тез амалга оширилса, самарали буклади. Бироқ улар жуда хавфли, шу сабабли оғритиши усулларини қўллашда эҳтиёткорлик талаб этилади.



381-расм.



382-расм.



383-расм.



384-расм.



385-расм.



386-расм.



387-расм.



388-расм.



389-расм.



392-расм.



393-расм.



394-расм.



395-расм.



396-расм.

## **КҮНДАЛАНГИГА ТУГУН (УЗЕЛ)(УДЭГАРАМИ )**

Тори бир қўли билан укэнинг билагидан ушлаб, унинг қўлини тирсагидан букади. Бошқа қўли билан укэнинг тирсагини юқорига кўтариб, унинг қўлини қайиради.

Усулнинг тасвири: укэ чалқанчасига ётибди. Тори чап панжаси билан укэнинг чап билагидан ушлайди, ўзининг ўнг билагини укэнинг чап тирсаги остидан ўтказади ва ўнг панжаси билан ўзининг чап билагини юқоридан олади, бунда чап панжа билан укэнинг чап билагини татамига босади. Ўнг билаги билан укэнинг елкасини кўтариб, тори унинг қўлини ташқари томонга қайиради (384-расм).

**Вариантлар:** 1. Қарама-қарши тугун (узел). Тори ўнг қўли билан укэнинг чап билагини ушлаб олади. Чап қўли билан, уни пастдан укэнинг чап елкаси остидан ўтказиб, унинг қўлини тирсак мушагидан қайиради (385-расм).

2. Укэ эмаклаган холатда. Тори ўнг қўлини юқоридан укэнинг чап қўли билаги остидан ўтказади. Укэнинг чап қўли остига ўзининг ўнг тиззасини яқинлаштиради. Чап қўл билан ўзининг ўнг қўли билагини ушлаб, тори укэнинг қўлини тирсак бугинидан ташқари томонга қайиради (386-расм).

3.Пастдан қарама-қарши тугун. Укэ юқоридан хужум қилишга интилмокда. Тори чап қўли билан укэни ўнг кўп билагидан ушлайди ва уни орқага итаради. Ўнг қўл билан тори укэнинг ўнг қўли устидан ўзининг чап қўли билагини юқоридан ушлаб олади. Куч билан тортиб, укэнинг тирсагини тугун қилиб қайиради (387-388-расмлар).

## **ТИРСАКНИ БУКИШ (ДЗЮДЗИГАТАМЭ )**

Тори укэнинг қўлини ўз сонлари орасида сиқади ва уни тирсак бугинидан табий эгилишига қарама-қарши йўналишда букади. Бу усулни бажаришда рақиблар танаси бир-бирига қўндаланг жойлашади, бунда торининг танаси хари (перекладина) вазифасини бажаради (389-расм).

Усулнинг тасвири: икки қўли билан укэнинг ўнг қўлини юқорига тортиб, тори танасини бироз ён томонга ўгиради, бунда у ўнг қўли билан укэни курткасидан ва ўнг қўлини қўлтиқ остидан маҳкам ушлайди. Чап оёғини у укэнинг боши устидан ўтказади ва оёғини чап томондан унинг бўйнига қўяди (390-391-расмлар). Тори, укэнинг ўнг елкасига якин орқа томони билан угириб, сонлари билан укэнинг ўнг қўлини сиқади, ўз танасини орқага тортади ва иккала қўл тортиш кучи билан укэнинг тирсак бўғинини табий букилишига қарши йўналишда букади (392-расм).

**Вариантлар:** 1. Укэ юқоридан хужум қилиб, торининг чап қайтармасидан ушлаб олишга харакат қилаётган вақтда, у чап қўлини укэнинг ўнг елкасига қўйиб, уни чап-пастдан юқорига айлантиради. Тори ўнг қўлини ўнг-юқори-дан укэнинг ўнг елкасига қўяди, унинг қўлини

табий букилишга қарама-қарши йўналишда қайиради. Бу усул удэгатамэ деб аталади (393-расм).

2. Тирсакни қўлтиқ остида букиш (вақигатамэ). Тори эмаклаган холатга тушиб қолди. Укэ бош томондан ўнг қўли билан торининг чап қўлтиғи остидан унинг кимоносидан ушлаб олишга ҳаракат қиласди. Бу вазиятдатори чап қўли билан укэни ўнг қўли билагидан олади ва, укэнинг ўнг қўлинин ўзининг чап



397-расм.



398-расм.



399-расм.



400-расм.




401-расм.




402-расм.



403-расм.



404-расм.




405-расм.



406-расм.



407-расм.



408-расм.



409-расм.



410-расм.

қўлтиғи остида қисиб, ўнг сони томонга ўтиради. Чап сонига ўгирилиб, тори укэнинг ўнг тирсак бўғинини юқрри-ташқи томондан буқади, бунда у гавдаси билан тирсак табиий букилишига қарама-қарши ёпирилади ва укэнинг қўлини ўзининг чап қўлтиғи билан сиқишини давом эттиради (394-396-расмлар). **Эслатма:** дзюдзигатам э ва удэгатам э усулларида укэнинг оғритиш усулларидан қочиш харакатларини тори оёқлари билан унинг танасини сиқиб, тўхтатади. Укэ оёқлар орасидан қўлдан ушлаган холда тирсакни букиш холатидан чиқиб кетмаслиги учун, укэнинг ўнг қўли елка қисмини тори сонларининг ички томонлари билан қисади. Бу усулни амалга оширишнинг асосий шарти хисобланади.

## ЁТГАН ҲОЛДА КУРАШИШ ВАҚТИДА ЁРИБ ЎТИШЛАР

Ётган холда курашища хужум қилиш юқоридан, рақиб курагида ётган вақтда ва ракиб устида бўлган холатда, пастдан хужум қилишга бўлинади. Бундан ташқари, ётган холдаги курашга стойкадан рақибга хужум қила туриб утиш хам мумкин. Ётган ҳолда курашда ёриб ўтишлар бевосита бўғиши, ушлаб қолиш ва оғритиш усулларига ўтишни таъминлайди, шу сабабли курашчилар ётган ҳолда курашдаги ёриб ўтиш усулларини пухталашти-ришга катта эътибор қаратишлари лозим.

Ёриб ўтишнинг бир неча оддий йўлларини куриб чиқамиз.

1.Укэ курагида ётибди. Тори бироз олдинга эгилиб, укэнинг иккала тизза-сига босади. Укэ қаршилик кўрсатиб, торини тиззалари билан итариб, сонла-рини ёяди. Бундан фойдаланиб, тори уша йўналишда укэнинг тиззаларини кескин орқага итаради ва унинг танаси сари ёриб ўтади (397, 398-расмлар).

2.Укэ курагида ётибди. Тори ўнг қўли билан олд томондан унинг белбоғидан тутади. Унг тирсагини укэнинг чап сонига ич томондан қўйиб, тори бу сонни итаради. Чап қўли билан тори укэнинг ўнг тиззасини ушлайди ва унинг танаси сари ёриб ўтади (399-расм).

3.Укэ курагида ётибди. Тори ўнг қўли билан укэнинг сони остидан унинг белбоғини чап томондан ушлайди. Ўнг елка билан укэнинг чап сонини пастдан сиқиб, тори чап қўлида кескин силтов билан укэнинг бошқа оёғини ўз қорни остига тортади. Бу оёқни ўз гавдаси остидан ўтказиб, тори укэнинг танасига ўнг томондан ёриб ўтади (400,401 - расмлар).

4.Укэ эмаклаган холатда. Тори унинг чап қўлидан ушлаб, ўзининг ўнг билагини унинг чап қўлтиғи остига олдиндан-пастдан ўтказади. Чап қўли билан орқадан укэнинг белбоғидан ушлаб, уни ўзига тортади (402-расм).

Ўзининг ўнг оёғини укэнинг қорни остига чуқур киритиб, тори чап ёнбошига агдарилади, бунда у укэни орқа томонга айлантиради (403-расм).


Ушбу холатда тори ушлаб колиш, оғритиш ва бўғиши усулларини қўллаш имкониятига эга бўлади (404-расм).

5.Тори курагида ётибди, укэ унинг устида. Тори чап қўли билан укэнинг ўнг енгидан, ўнг қўли билан эса унинг ўнг ёқасидан ушлаб, укэни ағдаради. Чап оёғи билан тори ташқаридан укэнинг ўнг оёғини итаради, ўнг оёғи

дүнгмаси билан ич томондан пружинасимон силтов орқали укэниңг ўнг оёғини тизза буқими остидан кўтаради. Бир вақтнинг ўзида ўнг қўли билан укэниңг танасини юқоридан пастга ағдаради ва укэниңг танасига юқоридан чиқади (405-расм).

6. Тори курагида ётибди. Укэ стойкада торига эгилган. Тори ўнг қўли билан укэни ўнг ёқасидан, чап қўли билан эса - ўнг оёқ тўпифидан ушлаб, уни ўзига тортади. Ўнг оёғини укэ қорнининг пастки қисмига қўйиб, тори чап оёғи билан унинг чап оёғини ўради ва укэни орқага ирғитади (406-расм).

7. Тори қўллари билан пастдан юкорига иккала оёқ ости буқимидан силтов қилади ва ўнг елка билан укэ қорнининг пастки қисмига кучли итариб, уни орқдсига ағдаради (407-расм).



411-расм.




412-pacm.



413-pacm.



414-pacm.



415-расм.




416-расм.




417-pacM.




418-расм.




419-расм.



420-расм.



422-pacm.



423-pacm.



425-pacm.

## **ЁТГАН ҲОЛДА КУРАШИШДАГИ ҲИМОЯЛАНИШ**

Бу ерда ётган ҳолда курашдаги турғун (статик) холатлардан чиқиб кетиш ва жавоб усулларининг бир неча варианtlари қўрсатиб ўтилади.

Ётган ҳолда курашда жавоб хужумини тайёрловчи асосий элемент - бу рақиб хужумини жавоб харакатлари ёрдамида бостиришdir.

Мисоллар: 1. Ён томондан ушлаб қолишдан чиқиб кетиш (кэсагатамэ). Рақиб белбоғини икки қўл билан ушлаб олиш, унинг танасини олдинга юртиб ва у томонга кўкрак билан ўгирилиб, икки оёқ билан унинг чап оёғини сиқиб олиш зарур (408-расм).

2. Бош томондан ушлаб қолишдан қўлларни устма-уст чатиштирган ҳолда белбоғдан тутиб чиқиб кетиш (кудзурэкамисихогатамэ). Чап қўл билан орқа томон белбоғдан тутиб, ўнг қўл билан эса белбоғни қоринда ушлаб, рақиб танасини орқага-юқорига сиқиб чиқариш (409,410-расмлар). Рақибнинг қаршилик қўрсатиш кучидан фойдаланиб, уни ўз устидан ошириб тортиш ва, тос ва елкаларни буриб, орқа томонига айлантириш (411-раем).

Вариант: ўнг қўл билан рақибнинг ўнг қўлини ўз баданидан ён томонга итариб, унинг қўлини ўнг тирсак устидан ушлаш. Ўз гавдасини ўнгга бура туриб, тезда ўзининг чап қўлини юзага келган бўшлиққа тиқиш ва ушлаб қолишдан чиқиб кетиш (412-расм).

3.Бош томондан ушлаб қолишдан белбоғдан ушлаш орқали чиқиб кетиш (камисихогатамэ). Иккала қўл билан рақиб танасини сиқиш. "Тана" ҳолига келиб, иккала оёқни рақиб қорни остига чуқур утказиш. Қўллар ва оёқдар билан қўтарилиб, ушлаб қолишдан чиқиб кетиш (413-расм).

4.Бўғишдан орқага бурилиб ҳимояланиш (окуриэридзимэ). Қўллар билан рақибнинг ўнг қўли тирсагидан ён томонга-тепага тортиш ва юзага келган бўшлиқдан ўз бошини чиқариб олиш (414-расм).

5.Оёқлар орасидан қўлни ушлаб, тирсакни букишдан ҳимояланиш. Ушлаб олинган қўлни тирсақдан букиш, ён томонлама ўгирилиш ва рақиб устига чиқиб олиш (415-расм).

## **ЁТГАН ҲОЛДА КУРАШИШ УСУЛЛАРИ КОМБИНАЦИЯЛАРИ**

Стойкадаги сингари, ётган ҳолда курашишда хам рақиб ҳаракатларидан келиб чиқсан ҳолда усуллар комбинацияларидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Ётган ҳолда курашда одатда икки хил комбинациядан фойдаланилади: ўз усулларидан ташкил топган комбинациялар ва рақиб усулларини (қарши усулларини) ҳисобга олган ҳолда тузилган комбинациялар.

Ётган холда курашишда хужум қилиш ва химояланиш санъати доимий равишда такомиллашиб бориш ва турли хамда мураккаб комбинациялар бажаришни машқ қилишга асосланади.


У тезкорлик билан ушлаб қолишдан буришга, оғритиш усулига, бошқача ушлаб қолишга, бўғишдан ушлаб қолишга, оғитиш усулига ва бошқаларга ўтиш маҳоратига боғлиқдир.



426-расм.




427-расм.




428-расм.




429-расм.



430-расм.



431-расм.



432-расм.




433-расм.



434-расм.



435-расм.



436-расм.

Ётган халда курашдаги бир қанча комбинацияларни кўриб чиқамиз.

1. Ушлаб қолишдан ушлаб қолишга ўтиш комбинацияси. Ён томондан ушлаб қолиш холатида, торининг ўнг қўли укэнинг чап қўлтиж остида тур-ган вақтда (кудзур-экසагатамэ), рақиб ўнг ёнга, торига юзи билан ўгири-лишга ва ўнг қўлини бушатиб олишга харакат қилади. Унинг бу харакати-дан фойдаланиб, тори чап қўли билан орқа томондан укэнинг ёқасини ушлаб олади, ўнг қўли билан эса укэнинг шимини сонлари орасидан ушлаб қолади ва қўндалангига ушлаб қолиш усулига ўтади (екосихогатамэ) (416,417-расмлар).

2.Ён томондан ушлаб қолишдан (кудзурэкසагатамэ) буғиш усулига ўтиш. Укэ ён томонга ўгирилиб, торига орқа томони билан чиқиб кетишга инти-лади. Тори орқа томондан айлантириб буғишни (окуриэридзимэ) амалга оширади (418-420-расмлар).

3.Ушлаб қолишдан оғритиш усулига утиш. Укэ чап қўли ёрдамида ўнгга ўгирилиб, белбоғдан кўндаланг қўллар билан тутиб, бош томондан ушлаб қолишдан чиқиб кетишга интилади. Тори иккала қўли билан рақибининг чап қўлини ушлаб олади ва оёқлар орасидан қўлни ушлаб, тирсакдан бу-кишни амалга оширади (421-423-расмлар).

4. Буғишдан оғритиш усулига утиш. Укэ пастдан торини буғишга харакат қилади. Тори, ўзини туғрилаб туриб, иккала қўли билан укэнинг тирсакларини ўраб олади ва оёқлар орасидан қўлни ушлаб, букишни амалга оширади (дэюдзи-гатамэ) (424,425-расмлар).

**Эслатмалар:** 1. Ётган холда курашда жуда кўп комбинациялар мавжуд, аммо улар ҳали етарли даражада системалашмаган ва тасниф (классификация) қилинмаган.

2. Рақибнинг аввалги харакатлари билан мантиқан ботик бўлган комбинацияларни қўллаш максадга мувофиқ. Комбинацияларда бир усулдан бошқасига ўтиш ортиқча ва бефойда харакатларсиз амалга оширилади.

## ЁТГАН ХОЛДА КУРАШИШДА ИРҒИТИШЛАР ВА УСУЛЛАР КОМБИНАЦИЯЛАРИ

Ётган халда курашишда ирғитишлар ва усулларнинг икки тури мавжуд: ўз ирғитишидан ётган холда курашиш усулига (таъқиб қилиш) ва рақиб ирғитишидан ётган холда курашиш усулига (қарши усул) ўтиш.

Усуллар комбинацияларини амалга ошириш учун комбинацияларнинг асосий элементларини чуқур ўрганиш ва усулларни бажариш техникасини узлуксиз такомиллаштириб бориш зарур. Буларсиз усуллар ва комбинацияларга бой бўлган дзю-до курашида муваффакиятга эришиб бўлмайди.

Бир неча комбинацияларни кўрсатиб ўтамиз:

1.Ирғитиш (қарши усул) - буғиш. Бу комбинацияда укэ торини елка оша соғ ирғитиш (иппонсэоинагэ) деб аталувчи усул билан ирғитмокчи бўлади. Тори чап қўли билан укэни пастдан қўлтиғи остидан кириб ушлаб олади ва усулни бажаришнинг биринчи босқичида орқага мувозанатдан чиқаради. Сўнгра у орқасига йиқилади ва орқа томондан буғиш усулини

амалга оширади (окуриэридзимэ) (426-428-расмлар).

2.Иргитиш - ушлаб қолиш. Бу комбинацияда тори ушлаб олишни (охват) амалга оширади. Агар соф иргитиш бўлмаса, тори ён томондан ушлаб қолишга (кудзурэкесагатамэ) ўтади (тори ўзининг ўнг қўлини укэнинг чап қўлтиги остидан ўтказиб, уни ён томондан ушлаб туради) (429-432 -расмлар).

3.Иргитиш - оғритиш усули. Бу комбинацияда укэ торининг олд томондан чалишидан сўнг ён томонга йиқилади. Тори оёқлар орасида қўлдан ушлаб, тирсакдан букишни амалга оширади (дзюдзигатамэ) (433-436-расмлар).

**Эслатма:** усулни амалга оширишда йўл қўйилган кичкина хато хам тезлик билан қарши усул қўллаш учун ишлатилади.

### 3 - қисм

#### МАШГУЛОТЛАР ВА МУСОБАҚАЛАР УСАУБИЁТИ (МЕТОДИКАСИ)

#### МАШГУЛОТЛАР УСЛУБИЁТИ

Спортнинг бошқа турларидағи сингари, дзю-дода хам назарий билимлар амалиётда, мунтазам кундалик машғулотлар йўли билан мустахкамланади. Агар усулнинг хар бир элементи курашчи томонидан машқларда кўп маротабалаб қўлланган, усулнинг ўзи эса тўлалигича мусобақалар мобайнида рақибларда синалган бўлса, кураш усуллари бир умрга ёдда сақланиб қолади. Шу билан бир вақтда, фақат амалий машғулотларга ахамият берувчи ва жисмоний тарбиянинг назарий жихатларини инкор этувчи спортчилар хам тез-тез учраб туради. Хакикатдан хам, илгари энг муҳими - машғулотлар, назарий билимлар эса фақат машғулотлар жараённида эгалланади, деб хисобланар эди. Бироқ, хозирги кунда техник ва тактик маҳоратни такомил-лаштириш, ирода сифатларини ишлаб чиқиши ва маҳсус жисмоний сифатларни ривожлантиришни спортчилар хамда мураббийларнинг фан билан хамжихатлиги, мураббийларнинг педагоглар, психологлар ва тибби-ётшунослар билан яқин алсқасисиз тасаввур хам қилиб бўлмайди. Бироқ, бу - курашчи интенсив машғулотларни инкор қилиши лозим, дегани эмас. Оқилона илмий асосдаги юқори даражали кучлайиш (нагрузка), тўғри кун тартиби - булар барқарор натижаларга эришиш гаровидир.

Шундай қилиб, машғулотлар илмий асосга курилади. Аввал оддий элементлар ўрганилади, кейин улар астасекин мураккаблашиб боради. Сақланиш ва ўз-ўзини хавфдан сақлаш талабларига риоя қилинади. Дзю-дода спортнинг бошқа турларига нисбатан камроқ жароҳат олинади, деб таъқид-лаш мумкин эмас. Дзю-дода жароҳатланишнинг олдини олиш ва огоҳ этиш учун ўкув-машқ машғулотлари ва мусобақаларни ташкил қилиш ва уларни утказиши методикасини пухта ишлаб чиқиши зарур.

#### ТАЙЁРГАРЛИК МАШҚЛАРИ

Тайёргарлик машқлари қисқа тайёрланиш вақтида (разминка) курашчилар организмини машғулотнинг асосий қисми оғирликларига (нагрузка) функционал жихатдан тайёрлаш учун қўлланилади. Хатто бир оғирлик тоифасидаги курашчилар хам гавда тузилиши, жисмоний ривожланиш даражаси бўйича бир-бирларидан фарқ қиласади. Разминка ушбу маълумотларни, шунинг-дек бўлажак машғулотларнинг мақсад ва вазифаларини хисобга олган холда утказилади. Мусобақаларда қисқа вақт ичida юқори самараға эришиш учун спортчилар белгиланган қисқа тайёргарлик машқлари ёрдамида ўз организ-мларини юқори нагрузкаларга тайёрлаб борадилар. Одатдаги кундалик ма-шғулотларда енгил қисқа тайёргарликдан сўнг страховкага (укэми), кейин ирғитишиез ва ирғитишили усулларнинг асосий элементларини пухталаштиришга, усулларни уқув олишувларида мураббий кўрсатмаси бўйича юзага келтирил-ган вазиятларда (якусоқу рэнсю) ва бошқаларда такомиллаштиришга ўгилади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқилаётган элементлар хамда усулларнинг оғирлиги ва мураккаблиги аста-секин ошиб боради, шу сабабдан доимий (разминка) қисқа тайёргарлик зарурати йўқрлади. Шу билан бир вақтда, бу машғулотлар вақтида хамма бир вақтда ва мое тарзда бир хил миқдордаги машқларни бажариши зарур, дегани эмас. Агар спорт залида кўп миқдордаги курашчилар тайёргарлик кўришаётган бўлса, дастлаб хамма учун бир хил бўлган стереотип разминкани бериш мумкин. Аммо унинг хажми ва самара-дорлиги бу холатда индивидуал (якка тартибда) белгиланади. Хозирги вақтгача қисқа гайёргарликларда одатда анъанавий гимнастик машқлардан фойдаланилади. Улар гурух машқлари ва предметлар билан қўллар, оёқлар, бўйин мушаклари харакатчанлигини оширишга хизмат қиласади. Бундан ташқари, (разминкага) қисқа тайёргарликка дзю-до техникасини такомиллаш-тиришга хизмат қилувчи машқлар хам киритилади (масалан, мувозанатни сақлаш, эгилувчанлик тезкорлик). Қисқа тайёргарликка ирғитишиларга ўхшатма (имитация), ётган холда курашиш элементларини хам киритиш мақсадга мувофиқ. Қисқа тайёргарлик узоқ муддатли бўлиши керак эмас (унга 4-5 дақика сарфлаш етарли бўлади). Йилнинг совуқ даврида янада жадаллик билан машқ қилинади. Қисқа тайёргарлик нафақат мураббий курсатмаси бўйича ўтказилади. У хар бир курашчи машғулотининг ажralmas қисми бўлмоғи лозим.

## **БЎШАШИШ ( РАССЛАБЛЕНИЕ ) УЧУН МАШҚЛАР**

Бўшашиш учун қилинадиган машқлар хаяжонланиш ва чарчоқни қолдиради, организмдаги тикланиш жараёнларига ёрдам беради. Демак уларни хотиржамлик ва аста-секинлик билан бажариш лозим.

Предметларсиз бажариладиган гимнастик машқлардан ташқари, бушашиш учун қилинадиган машқларга баъзи эгилувчанлик машқдарини, салом-лашиш элементларини (дзю-до одоби), татамида харакатланишнинг асосий элементларини, кураш усулларининг баъзи таркибий

элементларини, усулларни намойиш қилиш (ката) элементларини хам киритиш мумкин.

Бушашиш учун машқлар машғулот охирида бажарилади. Улар курашчилар учун одатий машқларга айланиши лозим.

Дзю-до курашида кўпдан бери рефлектор бушашишнинг статик машқлари тавсия этиб келинмоқда. Унда курашчи машғулот якунлангандан сўнг утириш холатини қабул қиласи ва тинч-осойишта холатда машғулот ёки олишувни фикран тахлил қиласи, яъни ўз-ўзига таъсир курсатиш орқали аутоген бушашиш усулинин қўллайди (сэйдза мокусо).

## УТИКОМИ

Утикоми - бу айнан бир усулни фазалар бўйича харакатсиз ва харакатдаги рақиб билан кўп маротабалаб қайтаришдир. Утикомидаги курашчи усулни бажариш фазаларини аниқлаштиради, харакатларни мувофиқдаштиришни такомиллаштиради, техник хатоларни туғрилайди.

**Биринчи босқич.** Мувозанатдан чиқариш, усулга кириш, рақибни ердан кўтариш йўлларини, хар бир урганилаётган усул учун кучни қўллаш нуктасини аниқлаб олганидан сўнг, тори машқни харакатсиз укэда кўп мар-талаб қайтариб, уни пухталаштира бошлайди. Суръат аста-секин ошириб борилади. Курашчидаги усулнинг соғлигига автоматик барқарор рефлекс ишлаб чиқилгандагина, бу усулни маромига етган, деб хисоблаш мумкин. Системали равишдаги машғулотлар натижасида усулнинг асосий элементлари: мувозанатдан чиқариш, харакатлар ва бурилишлар йўналишининг аста-секин мувофиқлашуви содир булади.

Укэ усулни пухталаштиришнинг биринчи босқичида торига ёрдам беради: усулни утказиш учун қулай бўлган стойкага туради, хатоликларни айтиб

беради. Утикоми вақтида йиқилиш мажбурий бўлмасада, баъзан кучли ирғитишлардан сўнг йиқилган холатда ўзини хавфдан асрар зарур бўлади.

**Иккинчи босқич.** Усул нисбатан харакатда бўлган рақибда пухталанади: тори укэни орқага, олдинга, ён томонга сиқиб, уни олдинга, орқага, ён томонга қадам ташлашга мажбур қиласи. Аввал усул, шунингдек секинлашган тезлиқда, аммо аниқ бажарилади. Аста-секин тезлик ошириб боради. Бу босқичда курашчи усулни амалга ошириш учун энг қулай вақт ва энг қулай холатни топа билишни ўрганиши лозим.

Учинчи босқич. Нафакат усулни ўзлаштиришнинг биринчи босқичларидан, шунингдек дастурлаштирилган динамик вазиятли укув олишувларида (яку-соқу рэнсю) ва эркин олишувларда (рандори) усул кўнималари фақат усулни кўп марталаб қайтариш орқали баряарорлашади. Машғулот усулни кай-тариш билан бошланади ва якунланади. Бунда усулни умумий жихатдан пухталаштиришдан ташқари, усулнинг алоҳида асосий элементлари ва буш ўзлаштирилган элементлар қайтарилади. Курашчилар усулни бажаришдаги бир хил ёки якка тартибдаги (индивидуал) хатолардан халос бўладилар.

Тұғри ва пухта харакатланиш уйғунлигини мустахкамлаш учун курашчиларни уч кишилик гурухларга бўлиш тавсия қилинади: икки киши усулни пухталаштиради, учинчи киши эса укәни ёқасидан ёки белбоғидан ушлаб, усулни амалга ошириш вақтида қўшимча нагроздаларни яратади.

## МАШҒУЛОТЛАР ЖАРАЁНИДА МОДЕЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Утикомида ишлаб чиқилган усуллар аниқ шартланган динамик вазиятларда ёки моделлаштирилган уқув олишувларида (якусоқу рэнсю) такомиллаштирилади. Кўпчилик курашчилар бундай машғулотларга етарлича баҳр бермайдилар, бироқ олишувларни моделлаштириш утикомидан эркин олишувларга утишнинг (рандори ёки кумитэ) кўп меҳнат талаб қилувчи оралиқ зарурый босқичидир. Рақибнинг кўз илгаб олиши қийин бўлган харакатларини сезиш ва жавоб беришни ишлаб чиқиш ва ушбу вазиятда зарур бўлган усулни қўллаш учун энг қулай бўлган тұғри табиий стойкага эркин ва бир зумда ўтишни урганиш жуда муҳимдир. Агар курашчи бу даврда мувозанат-дан чиқариш, бурилишлар ва куч қўллаш нуқтасини танлаш каби асосий элементларни яхлит бир харакатга мувофиқлаштиришни ўрганмаса, кейин-чалик эркин олишувлар вақтида у усулларни ноаник бажаради, стойка бузи-лиши сабабли татамида беухшов харакатланади, бу эса кейинчалик техник-тактик маҳоратни такомиллаштиришда салбий таъсир курсатади.

Ўқув олишувларида укәнинг (усул пухталаштирилаётган курашчи) харакатлари торининг (усулни пухталаштираётган курашчи) ўзини тутиши ва жавоб қайтариш (реакция) харакатларига катта таъсир курсатади. Шу сабабли биринчи босқичда укә усуллар ва элементларни пухталаштириш учун қулай бўлган стойкани қабул қиласи. Масалан, ён томондан икки оёқдан чалиш (окуриасибараи) усулини пухталаштиришда укә, одатдаги стойкада ғолиб, торига кам ёрдам беради. Бу холатда укә чап оёғи билан ён томонга қадам ташлайди, унинг ёнига ўнг оёғини қўяди, бир вақтнинг ўзида ўз гавдасини ўнг томонга - мувозанатдан чиқариш томонига энгаштиради ва усулни амалга ошириш учун кулай бўлган стойкага туради. Укәнинг харакатлари суръати (темп) торининг харакатлари суръати билан мос келиши жуда му-хим. Шундай қилиб, агар укә торининг харакатларисиз бевақт мувозанатдан чиқса ёки тори чалмасидан олдин ўзи татамига ийқилса, у ўз рақибига ёмон ёрдам курсатган бўлади. Бунинг моҳияти ўз харакатини рақиб харакатига мослаштириш ёки ўз харакатига жавобан рақиб харакатини келтириб чиқариш маҳоратидадир. Бироқ рақибнинг маҳорати ошиб бориши билан биргаликда, укә торига кучайиб борувчи фаол қаршилик кўрсата боради.

Курашчилар тайёргарлиги даражаси ошиб бориши билан уқув олишувлари (якусоқу рэнсю) қўйидаги тарзда мураккаблашади:

1. Тори (усулни бажарувчи) ва укә (пассив) ўрин алмашади, масалан ҳар

2.дақиқада, яғни укә торига, тори эса укәга айланади. Усулни пухталаштириш-нинг бундай оддий йўли ургатишнинг биринчи босқичида қўлланилади.

3.Ким тори, ким укә эканлигини аниқлаб ўтирмай, рақиблар усулни навбатма-навбат бажариш вазиятини юзага келтиришади.

4.Харакатланиш майдони чегараланади. Машғулот утикомини эслатади.

5.Харакатланиш майдони кенгайтирилади. Укув олишувлари шароитлари хакикий олишувлар шароитларига якинлаштирилади.

6.Олишувлар турли бўй ва оғирликка эга бўлган курашчилар билан ўтказилади.

## **ЭРКИН МАШҒУЛОТЛАР (ЭРКИН ОЛИШУВЛАР )**

Утикоми хамда укув олишувларида пухталаштирилган мувозанатдан чиқариш, бурилишлар, айланишлар, яқинлашиб келиш, кучдан оқилона фойдаланиш, усулларни амалга ошириш ва бошқалар каби дзю-до элементлари эркин олишувда (рандори) такомиллаштирилади. Эркин олишувда қуйидаги муҳим омилларни ажратиб қўрсатиш мумкин:

### **1.Тўғри стойка ва харакатлар эркинлиги**

Тўғри стойка харакатлар эркинлигини, энг зарур вазиятларда қисқа вақт ичида мушаклар қучини намойиш этишни таъминлайди. Нотуғри стойка эса кўрашчини танг ахволга солади, у рақибнинг барча харакатларини сезиш ва жавоб бериш хамда галабага эришиш имкониятидан фойдалана олмайди.

Сўнгги вақтларда курашда мусобақаларда галаба қозониш учун барча воситалардан фойдаланишга мойиллик (тенденция) кўзга ташланмоқда, шу сабабли баъзан эркин олишувлар мусобақага айланиб кетмоқда. Рандорига нисбатан бўлган бундай муносабат стойка ва техникани такомиллаштиришда салбий роль ўйнамоқда. Машғулотлар вақтида курашчилар рақибнинг хар қандай харакатига жавоб бериш имконини берувчи эркин стойка-да бўлишлари лозим. Бошқача айтганда, стойка табиий бўлиши керак. Хатто химояланиш вақтида ҳам курашчи нафақат оёқда қаттиқ туриши, балки ўз ҳаракатларини рақиб ҳаракатларидан аввал бажаришга интилиши, ирғитишдан бурилиш орқали чиқиб кетиши, тосларакатлари билан оғирлик маркази холатини ўзгартириши, ўз вақтида бўшашиши ва кучайиши лозим. Ана шундагина машғулот туғри уюштирилган бўлади.

### **2.Турли рақиблар билан курашиш**

Фақатгина тўғри стойканинг ўзи рақиблар устидан ғалаба қозониш учун етарли эмас. Хар бир курашчининг ўзига хос индивидуал одати ва ўз стойкаси бўлиб, улар унинг бўйи, оғирлиги, гавда тузилишига боғлик бўлади.

Барча рақибларни бир хил бажарилган усул билан ирғитиш мумкин эмас. Рақибнинг стойкаси, бўйи, таянч оёғи холати, усулни бажариш одати, ўзига хос куч қуллаш нуқталарини хисобга олиш зарур. Хар қандай рақибга қарши муваффақият билан курашиш учун морфологик жисмоний ва бошқа сифатлар бўйича бир-биридан фарқланувчи турли курашчилар билан шу-

ғулланиш лозим. Агар курашчи ўзи учун нокулай бўлган рақиблар билан шуғулланишдан бош тортса, бу ёмон натижалар келтириши мумкин.

### **3. Ўзи ёқтирган шоҳ усулларни сайқаллаш (шлифовка)**

Албатта, курашнинг барча усулларини такомиллаштириб бориш зарур ва маъқул йўл. Бироқ амалиёт кўрсатишича, курашнинг барча усулларини жуда яхши (идеал) эгаллаган курашчилар мавжуд эмас. Хатто кўп йиллик кураш тажрибасига эга бўлган курашчи кам ўзи ёқтирган икки-учта усул орқали ўзини яқҳол кўрсатгандагина яхши кўрашчи хисобланади. Ўзи ёқтирган ёки шоҳ, (коронный) усуллар агар курашчи бошқа курашчиларнинг шоҳ, усулларига тақлид қилмай, ўзининг шахсий индивидуал морфологик жисмоний ва бошқа хусусиятларини хисобга олган ҳолда ўз усулини яратгандагина самарали бўлади. Курашчи кам деганда иккита шок усулга эга бўлиши лозим. Агар кураш вақтида юзага келган муайян бир шок усулни амалга оширишнинг имкони бўлмаса, бошқа шок усулдан фойдаланиш зарур. Барқарор шаклланган шоҳ усул, уни ҳар қандай рақибга қарши ҳар қандай вазиятда қўллаш мумкин бўлиши учун вариатив рангбаранг бўлиши лозим.

Ана шу мақсадда худди ўша ёқтирилган усулнинг бурилишлар, мувозанатдан чиқариш йўллари ва бошқа элементларининг турли вариантлари пухталаштириб борилади.

### **4. Турли рақиблар билан машғулотлар ўтказишнинг уч усули**

Машғулотларда ўз рақибларини тахминан уч гурухга ажратиш мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Шунга мувофиқ машғулотнинг уч усулини ажратиб кўрсатиш мумкин.

#### **ЎЗИДАН КУЧЛИРОҚ РАҚИБ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ**

Кучли рақиб кўпроқ ирғитишига эътибор бермай, кучсизроқ рақиб қўрқув, ҳадиксираш ҳиссини енгиб, ўзидан кучлироқ рақибни ирғитишига ҳаракат қилиши лозим. Бироқ эркин машғулотда куч ирғитиши эмас, ўз вақтида, кўзга илинар-илинмас бурилиш ва буриш ҳамда мувозанатдан чиқариш натижасида юзага келган техник ирғитиши юқори баҳоланади. Рақиб хатога йўл қўйишини кутиш керак эмас. Курашчининг ўзи ирғитиши амалга ошириш учун қулай вазиятни яратиши лозим. Муваффақиятли амалга оширилган усулдан кейин ҳам, муваффақиятсиз якунланган уринишдан кейин кам дзюдочи туфи хужумкор ёки химоя стойкасига тура билиши лозим. Агар бўшроқ рақиб ўнта ўринишдан кеч бўлмагандан биттасида ўзидан кучли рақибни ирғита олса, агар у ўзидан кучли рақибнинг кужумкор ҳара-катларидан гавданинг оддий бурилиши, сон ва қўллар ҳаракати орқали ҳимояланишни ўрганса, мураббий кучли рақиб билан эркин курашиш бўйича топшириқ бажарилди, деб ҳисоблаши мумкин.

## **ТЕНГ КУЧЛИ РАҚИБ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ**

Куч ва техника жихатидан тенг бўлган рақиблар билан шуғулланишга жиддий эътибор қаратиш ва ўзининг жисмоний ва маънавий-иродавий сифатларини намоён қилиш учун бор кучини сарфлаш талаб этилади. Шу билан бир вақтда, эркин машғулот олишувлари - бу мусобақа олишувлари эмас, шу сабабли фақат галаба хақида ўйлаб ўзини кескин тутиш лозим эмас. Бироқ шуни кам назарда тутмоқ керакки, фақат бир рақиб билан ўта узоқ давом этган машғулот курашчининг реакциясини, диққат-эътиборини сусайтириб қўяди.

## **ЎЗИДАН КУЧСИЗРО РАҚИБ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ**

Кучсизроқ рақиб билан курашишда кучли курашчи ўзининг техник харакатларини унинг ишлаш суръати билан солишиди, ўнга усулни қўллаш учун имконият беради. Заиф рақиб билан курашда мувозанат-дан чиқариш, бурилишлар ва усулни қўпол куч ишлатмасдан соф амалга ошириш техникаси текшириб қўрилади. Агар рақиб усулни техник жихатдан тўғри қўлласа, унинг техник харакатини мустаккам ҳимояланиш ёки қарши усул қўллаш билан тўхтатиш лозим эмас.

## **МАХСУС ВА УМУМРИВОЖЛАНТИРУВЧИ МАШҚЛАР**

### **Махсус машқлар**

Дзю-додаги техник харакатларга жисмоний ва техник хусусиятлардан рақибнинг ўзини тутишига мувофиқ равишда оқилона фойдаланиш, унинг камчиликларини қидириш ва қисқа сонияларда усулни самарали амалга ошириш учун қўлай динамик вазиятларни яратиш киради. Дзю-до курашининг гўзаллиги тактик-техник харакатларнинг мураккаблиги ва ранг-баранглигидадир. Маҳоратни ошириб бориша курашчининг марказий асаб тизимини катта миқдордаги бугинлар гуруҳини чаққон ва мувофиқлашти-рилган равишда бошқаришга тайёрлаш муким роль ўйнайди. Айнан қўшимча машқлар ёрдамида мувозанатдан чиқаришнинг энг мақбул йўллари, мукаммал (идеал) бурилишлар пухталаштириллади, куч қўллаш нуқталари мувофиқлаш-тириллади, усулларнинг тўғри андозалари (стереотип) яратилади. Жумладан, агар курашчи қўллар ва оёқлар харакатини мувофиқлаш-тиришни билмаса, дзю-до техникаси оқсаб қолади. Курашда усулни амалга оширишнинг самарадорлиги қўллар харакати, гавда ва оёқлар бурилиши, оёқ кафтлари йўналиши ва бошқаларнинг уйғунлашувига боғлик бўлади. Бироқ дзю-до техникасини ўрганишнинг биринчи босқичида барча харакатлар уйғунлигига эришмш қийин. Шунинг учун ҳам аввал бурилишлар ва оёқларни оқилона қўйиш ишлаб чиқиллади, турғун (статик) ҳолатдаги қўллар харакати белгиланади. Кейин эса айнан шу элементлар биргаликда пухталаштириллади. Хотира харакатлар уйғунлигининг

аниқлигини қайд қилиб олиши учун, техник ҳаракатлар аввал секинлашган суръатда, сўнгра эса тезлаштирилган суръатда тақорорланади.

Шунинг учун ҳам якка тартибда ёки рақиблар билан биргалиқда бажариладиган махсус машқлардан фойдаланилади. Масалан, курак оша ирғитиш (сэйнагэ) усулини ўрганмушда қуйидаги махсус машқлар тавсия этилади:

1.Ўнг (чап) оёқ билан олдинга қадам ташлаб, ўнгга (чапга) бурилишни ўзлаштириш.

2.Бурилаётган вақтда чап (ўнг) қўл билан тортиш ва ўнг (чап) қўл билан ушлаб олиш йўналишини ўзлаштириш.

3.Санаб ўтилган ҳаракатларни ҳаракатсиз рақибда пухталаштириш.

4.Санаб ўтилган ҳаракатларни аста-секин тезлашиб бораётган ҳаракатларда пухталаштириш.

Махсус машқларни бажариш вақтида қуйидагиларни ёдда тутиш зарур:

1.Махсус машқларнинг энг самарали ва муваффақиятли комбинацияларини танлаб олиш зарур.

2.Айнан бир машқни узоқ вақт давомида бажариш мақсадга мувофиқ эмас.

3.Махсус машқлар асосий машкларни бажаришдан олдин самарали қўлланилади. Аммо уларни эркин олишувлардан сўнг усулларни бажариш кўнікмалари бузилишини тиклаш учун ҳам қўллаш мумкин. Намунавий махсус машқларни кўрсатиб ўтамиз: чалишни ўхшатиш (имитация) (437-расм); елка оша ирғитишни ўхшатиш (438-расм); рақиб билан ушлаб олишни ўхшатиш (439-расм); рақиб билан ичкари томондан илиб олишни ўхшатиш ( 440-расм ); рақиб билан илиб олишни ўхшатиш (441-расм).

**Эслатма!** ётган холда курашишнинг асосий элементларидан ётган холда курашиш усулларини ўрганиш учун самарали фойдаланилади.




437-расм.




438-расм.



439-расм.



440-расм.



441-расм.

## УМУМРИВОЖЛАНТИРУВЧИ МАШҚЛАР

Махсус ва умумривожлантирувчи машқлар бир-бирига шундай бежланганки, баъзи вақтларда у ёки бу машқ уларнинг қайси бирига тегишли эканлигини аниқлаш қийин кечади. Масалан, юқорида эслатиб ўтилган машқлар каттароқ тезлик шиддат ва кўпроқ куч билан бажарилса, уларни умумривожлантирувчи машқларга қўшса бўлади.

Жумладан, курашда усул кўникмаларини мустаҳкамлаш учун асосан махсус машқлардан фойдаланилади. Умумривожлантирувчи машқлар ёрдамида спортчининг кучи ва харакатланиш сифатлари ривожланади

Умумривожлантирувчи машқлар нафақат жисмоний қучнинг, шунингдек гўё портловчи деб аталувчи кучнинг ривожланишига ҳам ёрдам беради, бу эса хужумда рақибдан ўзиб харакатланиш имконини беради. Бу машқлар, шунингдек чидамлилиқ эгилувчанлиқ мувозанат ҳиссини ривожлантиради, усулни бажариш соғлигини оширади, курашчининг техник-тактик маҳоратини тавсифловчи бошқа асосий сифатлари такомиллашувига ёрдам беради.

Маҳоратни такомиллаширишни бугунги кунда спортчиларни илмий асосланган воситалар ва услублардан фойдаланган ҳолда тайёрлашсиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Шу сабабдан ҳам курашчиларни тайёрлаш услубиётида даврий, оралиқ, мушақларга оид ва бошқа машғулотлар му-

хим ўрин эгаллаиди. Умумривожлантирувчи машқларнинг дзю-додаги маҳсус машқлар билан уйғунлашуви мақсадга мувофиқидир.

Бундай машқларни танлашда нималарга эътибор қаратиш лозим? Машқлар ҳар бир курашчининг индивидуал ривожланишини хисобга олган холда танланиши зарур. Улар жуда хам шиддатли, кескин бўлиши керак эмас. Умумривожлантирувчи машқлар айниқса машғулотнинг асосий қисмидан сўнг самарали бўлади. Уларни дзю-донинг техник харакатлари ва машғулотлар методикаси билан боғлаб олиб бориш лозим. Режалаштиришнинг истиқболи ва машғулотларнинг узлуксизлиги хмсобга олиниши зарур.

Кўпчилик умумривожлантирувчи машқларни индивидуал (якка) равища предметлар билан ва предметларсиз бажариладиган хамда шериклар билан биргаликда бажариладиган (шериклар навбатма-навбат роль алмашадилар; машқларга дзю-до техникаси элементлари киритилади) машқларга бўлиш мумкин.

442-458-расмларда қўллар, оёқлар, елка, курак бўйин, қорин мускуллари ва бошқа бугинлар кучини ривожлантирувчи баъзи машқлар кўрсатилган. Бу машқлар ёрдамида бир вақтнинг ўзида дзю-донинг техник элементлари хам такомиллашади. Жумладан, 442-445-расмларда предметсиз машқлар, 446-458-расмларда эса предметлар билан бажариладиган машқлар курсатилган.

459-461 -расмларда дзюдочи эспандер билан машқлар бажармоқда, 462-464-расмларда эса бамбук таёғи билан.

## **МУСОБАҚАЛАР**

### **МУСОБАҚАЛАР МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ**

Дзюдочиларнинг техник маҳорати утикоми, ўқув ва эркин олишувларда аста-секин сайқалланиб боради. Аммо, ким ўқув машғулотлари жараёнининг барча босқичларида жиддий шуғулланса, дзю-донинг барча таркибий элементларини туфи ўзлаштиrsa, ўша курашчи шуғулланганлик даражасининг энг юқори чўққисига етади. Кундалик машғулотлар натижасини фақат белгиланган қоидалар бўйича ўтказиладиган, уларга риоя қилишни талабчан хакамлар назорат қилиб турувчи мусобақалардаги бошқа курашчилар билан бўладиган олишувларда куриш мумкин.

Қадимги вақтларда машғулотларга катта эътибор қаратилган. Курашчилар хаётда курашга садоқатли зоҳид инсонлар бўлган. Дзю-до худди дин сингари шарафланар, курашчилар мусобақасига эса худди ҳақиқий қиличлар билан олишувга қарагандек қаралар эди.

Мусобақаларда курашчи ўзининг барча кучларини сафарбар қиласи - унинг меҳнати олишувлар натижаси билан баҳоланади. Мусобақалар дзюдочининг техник-тактик маҳорати ошиб боришига ёрдам беради. Мусобақаларда иштирок этиш истаги ўз-ўзидан ҳар қандай курашчини дзю-донинг нозик томонларини ўрганишга ундайди. Курашчи мусобақалардан олдин ва мусобақалар вақтида таърифлаб бўлмас хаяжонни бошидан

кечиради. Бу хаяжонни енгіб ўтган ва галабага әришган курашчини чексиз қувонч ва қониқиши хисси чулғаб олади.

Ғалаба қозониш учун узлуксиз равища да үз махоратини такомиллаштириб бориш зарур. Бироқ сүнгги вактларда мусобақаларга тұлық ўргатилмаган, дзю-до хақида тұлық маълумотларға эга бўлмаган курашчиларни олиб бориш жараёни кўзатилмоқда. Мусобақага әрмак учун, жиддий тайёргарлик кўрмасдан келадиган бўндай курашчилар ўзларига ва рақибларига жиддий жарохатлар етказадилар. фақат дзю-донинг асосий элементларини ўзлаштириб, ўқув ва эркин олншувларнинг барча босқичларидан ўтиб биринчи шоҳ усул шаклланганидан сўнг мусобақаларга бориш мумкин. Мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиш учун қўйидагилар жуда мухим ;

1.Кунт билан олиб бориладиган кундалик жисмоний, техник тактик ва; маънавий-руҳий тайёргарликлар натижасида энг юқори спорт формасига. эришиш.

2.Рақибни хурмат қилиш ва қсурашни хўrozлар жангига айлантириб юбормаслик. Курашчининг камтаринлиги, олижаноблиги ва ғалабага бўлган иродаси хар қандай олишувни безайди.


3.Мусобақалар қоидаларини билиш ва уларга риоя қилиш. Шунда олишувлар мазмунли ва жушқин бўлади. Курашчилар доимо мусобақалар юқори даражада ўтиши учун ёрдам бермоқликлари лозим. Агар курэшчи мусобақаларда ўзининг барча имкониятларини намоён эта олса, хатто мағлубият хам унга қониқиши келтиради. Мусобақаларнинг жозибали томонларидан бири ҳам ана шундадир.



442-расм.



443-расм.



444-расм.




445-расм.



446-расм.



447-расм.




448-расм.




449-расм.



450-расм.




451-расм.



452-расм.



453-расм.



454-расм.



455-расм.



456-расм.




457-расм.




458-расм.




459-расм.



460-расм.



461-расм.



462-расм.



463-расм.



464-расм.



## ЭНГ ОДДИЙ МУСОБАҚАЛАР

Дзю-до кураши бүйича мавжуд бўлган қоидалар Кодокан қоидалари асосида тузилган бўлиб, улар ўзгариб ва такомиллашиб боради. Бироқ, янгилар учун бу қоидалар анчагина мураккаб, шу сабабли асосий жисмоний сифатларни тарбиялаш ва аста-секин юқори даражадаги мусобақаларга яқинлаштириш нуқтаи назаридан ёш курашчилар бошланғич босқичда соддалаштирилган қоидалар бўйича мусобақалариши керак. Бундай оддий мусобақаларга дарсларда, машғулотларда, мактаб биринчилиги, мактаблараро ўртоқлик учрашувлари ва шунга ўхшаш бошқа мусобақаларда ўтказиладиган олишувлар киритилиши мумкин.

Таъкидлаш мумкинки, деярли барча мактаб мусобақалари соддалаштирилган қоидалар бўйича ўтказилади, бироқ, мусобақадан мусобақага ёш спортчиларнинг техник маҳорати ошиб борган сайин, қоидалар мураккаблашиб боради ва мусобақалар аста-секин расмий даражага яқинлашиб боради.

Энг оддий мусобақаларнинг баъзи жихатларини кўриб чиқамиз.

### ҚОИДАЛАРНИ ТУЗИШ

1.Мусобақалар команда (жамоа) ва шахсий хисобда бўлади. Улар Мағлуб бўлганлар чиқиб кетиши билан боғлик айланма усулда ва аралаш усулда ўтказилади. Дзю-дода қатнашчилар оғирлик тоифалари, разрядлари ва ёшлиари бўйича ажратилади. Қатнашчиларнинг техник тайёргарлиги унча юқори даражада бўлмаган тақдирда, мусобақаларни ўтказиш хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай холатда оғирлик тоифалари сонини ошириш ва қатнашчиларни спорт квалификациям бўйича (техник тайёргарлик даражаси бўйича) қўшимча равишида бўлиб чиқиши лозим.

2.Агар мусобақалар дарслар вақтида ўтказилса, факат ўрганилган усуллардан фойдаланишга кўрсатма берилади. Кескин айланиш, қўлтиқ остидан қўлни ушлаб ирғитиш ва шу каби мураккаб усулларни қўллаш тақиқланади. Ётган холда курашишда фақат ушлаб қолиш (удержание) усулини қўллашга рухсат берилди. Кейинчалик баъзида мусобақаларни фақат ирғитишларни қўллаб, ётган холда курашсиз ва аксинча равишида ўтказиш лозим. Ёш курашчиларнинг техник маҳорати ошиб борган сари ирғитишлардаи хам, ётган холда курашиш усулларидан хам фойдаланиш хамда усуллар доирасини кенгайтиришга рухсат бериш мумкин.

3.Соф ғалаба мезони (критерий) мусобақада иштирок этаётган курашчиларнинг техник тайёргарлигига боғлиқ равишида белгиланади. Соф ғалаба учун, дейлиқ рақибни кураги билан ағдариш лозим. Рухсат берилма-ган усулни қўллаган курашчи мағлубият билан жазоланади. Ролиб, шунингдек белгиланган вақт оралиғида амалга оширилган техник харакатлар миқдори билан хам аниқланади.

4.Расмий мусобақаларда кураш гилами 50 та татамидан иборат бўлади. Татами стандарт размердаги (1,5 кв. м. дан сал ошик) жуда зич, мустахкам

похол бўйра (мат)дир. Одатда у япон ўйларида поллар устига солиш учун хизмат қиласди. Агар мактаб етарли майдонга эга бўлмаса, бошқа биноларни қидириб куриш мумкин. Мактабда бир нечта гилам бўлса, жуда яхши. Бу холатда турли разрядли курашчилар алоҳида-алоҳида шуруланишлири мумкин бўлади. Дзю-до усулларига ўргатишнинг бошланғич босқичида кичик гиламлар билан чегараланса хам бўлади, аммо шуғулланувчиларнинг маҳорати ошиб борган сайин гилам майдони 32 татамидан ошиши керак.

Ўрта мактаб ўқувчилари учун олишув давомийлиги 5 дақиқа, бироқ 3-4 дақиқа билан чегараланса хам бўлади.

## МУСОБАҚАЛАР ҲАКАМЛИГИ

Мусобақапар ҳакамлиги мураббийлар раҳбарлиги остида олиб борилади. Иложи борича қўпроқ ёш курашчилар ҳакамлик амалиётидан ўтишлари учун, ҳакамларни тез-тез ўзгартириб туриш лозим. Ҳакамлар коллегијаси бир бош ҳакам, бир-икки бош ҳакам ўринбосари ва ён ҳакамлардан иборат бўлади. Агар олишувлар жараёнида курашчиларнинг техник ёки бошқа харакатларини баҳолашда шубҳалар пайдо бўлса, ҳакамлар маслаҳатлашишлари ва якуний қарорга келишлари ҳамда бу вақда гилам ҳаками эълон қилиши лозим. Ҳакамлар мусобақалар қоидаларини урганишлири ва чуқур билишлари, аниқ ва холис қарорлар қабул қилишлари лозим. Иккиланишлар ҳакамлар обрусига путур етказади. Техник харакатлар баҳоси ва олишув натижалари бўйича қарорни ҳакам овоз билан эълон қиласди ва бир вақтнинг ўзида тегишли имо-ишора билан англатади. Дзюдода қуйидаги асосий иборалар ва уларга тегишли имо-ишоралар қўлланилади: **иппон** (соф галаба) - кафтни олдинга қаратган ҳолда қўлни юқорига кўтариш; **вадзаари** (усул бажарилади) - кафтни пастга қаратган ҳолда қўлни юқорига кўтариш ва ўни олдинга-пастга (бош бармоқ юқорига қаратилган) тушириш ҳамда шу холатда бирмунча вақт ушлаб туриш; **осаэкоми** (ушлаб қолиш) -тўғри қўлни партерда турган курашчилар йўналишида олдинга чўзиш ва 2-3 секунд ушлаб туриш; **осаэкоми токёта** (чиқиб кетди) - олдинга чўзилган қўлни 2-3 марта ўнгга ва чапга йўналтириш.

## МУСОБАҚАЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УЮШТИРИШ

Мусобақаларни режалаштириш ва уюштириш бевосита уларда иштирок этишдан хам янада масъулиятлироқ вазифа. Мусобақаларни режалаштириш ва уюштиришда шогирдлар ўз мураббийлари билан яқин алоқада бўлиб, иштирок этишлари мақсадга мувофиқ.

Мусобақаларни ўтказиш учун 5-6 кишидан иборат ташкилий қўмита тузилиб, уларнинг хар бири ўзи учун белгиланган иш соҳаси учун жавоб бериши лозим. Ташкилий қўмита мусобақалар штаби бўлиб, у режалаштириш учун жавоб беради, вазифаларни тақсимлайди. Мусобақалар вақтида ташкилий қўмита аъзолари ўнга бевосита раҳбарлик

қилишда иштирок этмасликлари хам мумкин. Бу иш билан ташкилий Кўмита рухсати бўйича умумий раҳбарликни амалга оширувчи бошқа кишилар шуғулланишлари мумкин.

## РАСМИЙ МУСОБАҚАЛАР

Албатта, расмий мусобақаларда иштирок этиш учун техник ва жисмоний жихатдан яхши тайёргарликка эга бўлган курашчилар танлаб олинади ва, шуниси қувонарлики, ёш курашчиларнинг маҳорати йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Мусобақаларда иштирок этиш нафақат фахрли, шунингдек масъулиятли хамdir.

Шуни ёдда тутиш зарурки, дзюдочи факатгина яхши курашчи бўлиб қолмасдан, ўзида энг яхши инсоний фазилатларни тарбиялаши хам лозим.

Мусобақалар тантанали шароитларда, кўп сонли томошабинлар ва ишқибозлар иштирокида ўтказилади. Бундай шароитларда курашчи ўзини, ўз харакатларини бошқара билиши, вазминлик сабр-тоқат намоён этиши, томошабинлар залининг кескин ўзгарувчан мухити таъсирига берилмаслиги лозим. Илгари дзю-до бўйича мусобақалар тинч-осойишта шароитларда ўтказилган, бугунги кунда эса олишувлар ишқибозлар хайқириги остида ўтказилиб, бунда мураббийлар овози алоҳида ажралиб туради. Кўпинча мусобақада ким иштирок этаётгани - курашчими, ишқибозлар ёки мураббийларми - тушуниб олиш хам қийин бўлади. Истардикки, мусобақада иштирок этаётганлар хам, уларни томоша қилишни ёқтирувчи томошабинлар хам умумий тил топишса, мусобақаларда ўзларини мардонавор ва муносиб тутсалар хамда мусобақаларни хақиқий байрамга айлантирулар.

## ТАҚИҚЛАНГАН ХАТТИ-ХАРАКАТЛАР

Кодоканда тасдиқланган қоидалар бўйича, дзю-до кураши пайдо бўлган дастлабки вақтлардан бошлаб машғулотлар хавфсизлиги кўзда тутилади. Рақиблар бир-бирларини эҳтиёт (страховка) қилишлари ва оқибатда курашчиларнинг сотигига зиён етказиши мумкин бўлган, атайнин қилинган ва атайнин қилинмаган харакатларнинг олдини олишлари зарур.

465-471-расмларда дзю-до курашида тақиқланган баъзи бир усуллар тасвиранланган.

Рақиб икки оёқдан илиб олиш (хараигоси) усулини қўллаётган вақтда, унинг таянч оёғини ичкаридан уриш тақиқланади, бироқ, химояланиш мақсадида оёқ билан ураб олиш мумкин (465-расм).

Рақибни чулғаб илиб ирғитиш (кавадзугакэ), шунингдек химояланиш учун унинг оёғини ташқаридан ўраб олиш тақиқланади (446, 467-расмлар).



465-расм.



468-расм.



469-расм.



470-расм.



471-расм.

Рақиб орқа томонда тўрган вақтида атайн орқага, унинг устига йиқилиш тақикаанади (468, 469-расмлар). Кураги билан гиламда ётган рақиби кутариш ва куч билан ўни яна гиламга иргитиш тақикданади (470, 471 - расмлар).

Оёкдар билан бошни, бўйинни, рақиб танасини қисиш, тирсак бугинидан бошқа барча мушақларда оғритиш усулини қўллаш каби бошқа тақиқланган усуллар Кодоканнинг дзю-до кураши кридаларида (ушбу китоб ило-васида) батафсил тасвирланган.

### МАЪЛУМОТЛАР УЧУН МАТЕРИАЛ КАТА (УСУЛЛАР ВА МАШҚЛАР НАМОЙИШИ)

Японияда, мусобақа вақтида курашчилар усулни бирон-бир хатосиз амалга оширсалар, курашчи усулни катта бўйича, соғ амалга оширди, дейишиади. Ката - бу мувозанатдан чиқаришнинг энг оқилона йўли, бурилишлар ва ўгирилишларнинг энг оқилона бажарилиши, куч қўллаш нуқтасининг энг оқилона танланиши (дзю-донинг ушбу уч элементи яна бир сўз - "цукури" сўзи билан бирлашади ва у тайёргарлик маъносини беради) ва, нихсят, усулнинг оқилона якупнанишидир. Демақ катта - бу усулни бажаришнинг идеал вариантидир. Катада курашнинг барча асосий усуллари системалаширилади ва классификацияланади. Шунинг учун ҳам

ўқув-машғулотлар жараёнини такомиллаштириш ва курашчиларнинг техник-тактик маҳоратини оширишда като алоҳида ва муҳим ўрин эгаллади.

Кодоканда катанинг бир неча комплекслари ишлаб чиқилган: ирғитишлар катаси (нагэ-но като), ётган холда курашиш катаси (катамэ-но като), эгилувчанлик катаси (дзю-но като), тиззада ва стойкада ўз-ўзини ҳимоя қилиш катаси (кимэ-но като), беш усулдан иборат като (ицуу-но като), классик като (косики-но като), ўз-ўзини мудофаа қилиш ва хужум қилиш катаси (госиндзюцу) ва бошқалар.

Като комплексларини билиш спорт разрядини оширишнинг зарурый шартларидан биридир.

### ИРҒИТИШЛАР КАТАСИ

Ирғитишлар ўнг стойкада хам, чап стойкада хам амалга оширилавади, бироқ биз, тушунтиришни қисқартириш учун, тори усулларни ўнг стойкада бажарайпти, деб тасаввур қўламиш.

Катани намойиш қилиш фронтал таъзимдан бошланади. Иккала курашчи бараварига стойкада таъзим қилишади (472-расм).

Имтиҳон олаётганлар ва томошабинлар учун мулжалланган фронтал таъзимдан сўнг, дзюдочилар бир-бирлари билан стойкада ёки тиззада туриб энгashiш орқали саломлашадилар. Агар таъзим қилиш маросими стойкада ўтказилса, курашчилар товонларини бирга, оёқ учларини алоҳида қўядилар (473-расм).


Таъзим орқали бир-бирлари билан саломлашгандан сўнг, курашчилар чап оёқ билан олдинга бир қадам ташлайдилар ва асосий стойкага турадилар. Кейин улар бир-бирлари томон сирғалувчи қадамлар билан яқинлашадилар (474-расм) ва бошлангич позицияни эгаллайдилар (475-расм).

**Эслатма.** Като яқунлангандан сўнг саломлашиш маросими қарама-қарши тартибда амалга оширилади, яъни 474-расмда кўрсатилган кетма-кетлика, 4-позициядан 1, 2, 3-позициялар томон бажарилади. Чап позицияни укэ, ўнг позицияни тори эгаллади.

### АСОСАН ҚЎЛЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН КАТА УСУЛЛАРИ

#### СИЛТАШ ОРҚАЛИ МУВОЗАНАТДАН ЧИҚАРИШ (УКИОТОСИ)


Укэ ўнг оёқ билан қадам ташлаган вақтда, тори силташ орқали уни диагонал бўйича ўнгга-олдинга мувозанатдан чиқаради (476-расм). Усул иккала рақиб харакатида намойиш этилади. Намойиш бошлангандан кейинги учинчи қадамда тори чап оёғини орқага сўради ва чап тиззага туради (477-расм). Силташни давом эттириб, тори укэни ўнгга-олдинга-пастга ирғитади (478-расм).



472-расм.




473-расм.



474-расм.




475-расм.




476-расм.




477-расм.




478-расм.



479-расм.



480-расм.



481-расм.



482-расм.

## ЕЛКА ОША ИРГИТИШ (ИППОНСЭОИНАГЭ

Курашчилар орасидаги масофа 2 метр атрофида. Укэ торининг бошига юқоридан мушт билан уришга харакат қилиб, олдинга чап, сўнгра ўнг оёғи билан қадам ташлайди (479-расм). Тори, укэнинг зарбасидан чап қўли билан ҳимояланиб, ўнг оёғи билан олдинга қадам ташлайди. Укэга орқаси

билин угирилиб, у ўнг елкаси оша соф ирғитиши амалга оширади (480,481- расмлар).

### **" ТЕГИРМОН " ( КАТАГУРУМА)**

Курашчилар орасидаги масофа 1 метр атрофида. " Тегирмон "даги бошланиш силташ билан мувозанатдан чиқариш орқали ирғитиш усулидаги сингари. Иккинчи қадамда тори чап ташқаридан ушлаб олишни чап ичкаридан ушлаб олиш билан алмаштиради (482-расм).

Учинчи қадамда тори чап қўли билан кучли силташ орқали укэни диагонал бўйича олдинга-ўнгга мувозанатдан чиқаради ва ўнг қўли билан ичкаридан укэнинг ўнг сонини тиззадан бироз юқоридан ушлаб олади (483-расм).

Тори иккала тиззасини тўғрилайди ва чап қўли билан укэни чапга олдинга-пастга йиқитади (484,485-расмлар).

## **АСОСАН ЁНБОШ (СОН) БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН КАТА УСУЛЛАРИ ЁНБОШ (СОН) ОША ИРҒИТИШ (УКИГОСИ)**


Курашчилар орасидаги масофа 2 метр атрофида. Укэ юқоридан торининг бошига уришга харакат қилмоқда (486-расм). Тори, чап оёғи билан олдинга қадам ташлаб, укэга орқаси билан ўтирилади ва уни ёнбош оша ирғитади (487, 488-расмлар).

### **ИККИ ОЁҚ ОСТИДАН ИЛИБ ОЛИШ (ХАРАИГОСИ)**

Курашчилар орасидаги масофа 1 метр. Тори, чекина туриб, иккинчи қадамда ўнг қўлинин укэнинг чап қўлтиғи остидан ўтказади (489-расм). Чекинишини давом эттириб, тори учинчи қадамда чапга, укэга орқаси билан бурилади (490-расм). Чап ёнбош билан илиб олишни бажариб, тори укэни ирғитади (491 -расм).

## **КУРТКА ҚАЙТАРМАСИДАН УШЛАБ ОЛГАН ҲОЛДА ЁНБОШ ОША ИРҒИТИШ ( ЦУРИКОМИГОСИ )**


Курашчилар орасидаги масофа 1 метр атрофида. Тори ўнг қўли билан укэнинг курткаси қайтармасидан маҳкам ушлайди. Орқага тисарила туриб, учинчи қадамда у укэни олдинга мувозанатдан чиқаради (492-расм). Чапга айланба бўйича ўтирила туриб, тори иккала оёғини кучли букади ва укэни ўзига тортади (493-расм). Тиззаларини туфилаб, тори укэни ёнбош оша ирғитади (494-расм).




483-расм.



484-расм.



485-расм.




486-расм.



487-расм.



488-расм.



489-расм.



490-расм.



491-расм.



492-расм.



493-расм.




494-расм.



495-расм.



496-расм.



497-расм.

## **АСОСАН ОЁҚЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН КАТА УСУЛЛАРИ**

### **ЁН ТОМОНЛАМА ИККИ ОЁҚ ОСТИДАН ИЛИБ ЧАЛИШ ( ОКУРИАСИБАРАИ )**

Курашчилар орасидаги масофа 1 метр атрофида. Укэ чапга харакатлана бошлайды, тори чап қўли билан укэни ўраб олмокчи (495-расм). Учинчи қадамда тори олдинга чиқарилган чап оёғи остки қисми билан укэнинг тўпигидан унинг харакат йўналиши бўйича чалади (496, 497-расмлар).

### **ОАД ТОМОНДАН ЧАЛИШ ( САСАЭЦУРИКОМИАСИ )**

Курашчилар орасидаги масофа 1 метр атрофида. Тори, тисарила туриб, иккинчи қадамда ўнг оёғини орқага қўяди ва гавдасини чапга буради (498-расм).

Укэ оғирлик марказини ўнг оёғига ўтказаётган вақтда, тори чап оёғининг остки қисми билан укэнинг ўнг оёғи дунгсасидан чалади ва чап қўл силтовори билан иргитишни амалга оширади (499-501 -расмлар).

### **УШЛАБ ОЛИШ ( ПОДХВАТ )( УТИМАТА )**

Курашчилар орасидаги масофа 1 метр атрофида. Иккала курашчи асосий ўнг томон стойкасида турибди (502-расм). Тори чап оёқ билан олдинга қадам ташлаб, чапга бурилади ва укэни ўзидан ўнгта қўяди (503-расм). Учинчи кенг қадамда тори укэни чап оёқ билан олдинга кучли қадам ташлашга мажбур қиласида ва ўнг оёқ ёнбоши билан унинг чап ёнбошига ичкаридан уради (504, 505-расмлар).

### **БОШ ОША ИРҒИТИШ ( ТОМОЭНАГЭ )**

Курашчилар орасидаги масофа 1 метр атрофида. Тори укэни товонидан ўраб, орқага кескин итаради. Укэ олдинга қайта харакат билан мувознатни тиклашга ҳаракат қилаётган вақтда (506-расм), тори чап қўл билан тирсакдан ушлашни ўша қўл билан укэнинг ўнг ёқасидан ушлаш билан алмаштиради ва думбалари татамига тегадиган ҳолда чап оёғига ўтиради (507-расм). Орқаси билан айланишни давом эттириб, ўнг оёқ остининг бармоқ қисми билан укэнинг қорни пастки қисмига итаради ва уни устидан ошириб иргитади (508-расм).


### **КЎҚРАК ОША ИРҒИТИШ ( УРАНАГЭ )**

Курашчилар орасидаги масофа 2 метр атрофида. Укэ тезлик билан олдинга харакатланади. Тори чўккалаб, чап оёғи билан олдинга-чапга қадам ташлайды, бунда чап ёнбоши билан пастдан укэнинг ўнг ёнбошига тегиб туради. Сўнгра тори тезлик билан чап қўли билан укэнинг танасини орқадан ураб олади, ўнг кафти ва тирсагини эса укэнинг қорни пастки қисмига қаттиқ тирайди (509, 510-расмлар). Тори, укэни юқорига кўтариб ва орқа-

га йиқила туриб, гавданинг кескин бурилиши орқали укэни ўзининг чап елкаси оша иргитади (511-расм).



498-расм.



499-расм.




500-расм.




501-расм.




502-расм.



503-расм.



504-расм.




505-расм.




506-расм.



507-расм.




508-расм.



509-расм.



510-расм.



511-расм.



512-расм.

## **БОЛДИР БИЛАН ЁНБОШГА ТАЯНИБ БОШ ОША ИРҒИТИШ (СУМИГАЭСИ)**

Курашчилар орасидаги масофа 1 метр атрофида. Иккала курашчи паст ўнг томон ҳимоя стойкасида. Тори ўнг оёғи билан, сўнг чап оеғи билан чекинади (512-расм). Тори укэни ўнгга-олдинга мувозанатдан чиқаради ва бир вақтнинг ўзида ўзининг чап оёғини ичкаридан укэнинг ўнг оёғи ёнига қўяди (513-расм). Чап тиззасини букиб, кураги билан орқага думалаб айлана туриб, ўнг оёқ дунгсаси ва болдир билан укэнинг чап ёнбоши ички қисмига таяниб, тори уни устидан ошириб иргитади (514-расм).

## **ЙИҚИЛА ТУРИБ ЁН ТОМОНЛАМА ИРҒИТИШЛАР ЁН ТОМОНДАН ЧАЛИШ (ЕКОГАКЭ )**

Тори орқага уч қадам ташлайди. Укэ гавда оғирлигини ўнг оёқ кафти юқори қисмига ўтказган вақтда, тори ўз гавдасининг юқори қисмини чапга буради, бунда чап оёғи остининг бармоқ қисми билан ён томондан укэнинг ўнг оёғи дўнгсасидан чалади. Сўнгра у қўллари билан укэнинг гавдасини чапга ўгиради ва, чап ёнбошига йиқила туриб, иргитишни амалга оширади (515-517-расмлар).

## **КЎҚРАК ОША "ТЕГИРМОН" (ЕКОГУРУМА )**

Укэ кескин равища тори томон боради. Тори қарши ҳаракат билан укэнинг ўнг ёнбошига, худди кўқрак оша иргитишни бажаришга тайёрланнаётгандек махкам тиralади (518-расм). Укэ кўқрак оша иргитишдан ҳимояланиб, ўнг қўли билан торининг бошидан қучоқлаб олади (519-расм). Тори укэнинг бундай ҳимоявий ушлаб олишидан фойдаланади ва ўзининг ўнг оёғини сирганувчи қадам билан укэнинг оёқлари орасидан ўтказади. Чапга бурилиб ва ён томонга ағдарила туриб, тори укэни кўқрак ва чап елка оша иргитади (520,521 -расмлар).

## **"ПЎҚАК" ИРҒИТИШИ (УКИВАДЗА )**

Курашчилар ўнг томон ҳимоя стойкасида. Тори ўнг оёғи билан орқага катта қадам ташлайди (522-расм), сўнгра чап оёғи билан. Шундан сўнг тори кучли силтov билан укэни тик ўнгга-олдинга мувозанатдан чиқаради ва чап оёғини буриб, чапга кескин ўгирилади. Ўзининг чап ёнбошига йиқила туриб, тори укэни чап томонга иргитади (523, 524-расмлар).

## **ЁТГАН ХОЛДА КУРАШИШ УСУЛЛАРИ КАТАСИ**

Худди иргитишпар катасидаги сингари, курашчилар имтиҳон комиссиясини, томошибинларни ва бир-бирларини қутлайдилар (курашчилар орасидаги масофа 5 метр 45 сантиметр). Фақат бу ҳолатда қуглеш маросими тиззазда турган холда ўтказилади. Сўнгра

курашчилар уринларидан турадилар ва олдинга бир қадамдан ташлаб, одатдаги стойкага турадилар.

Шундан сўнг курашчилар одатдаги стойкадан ётган ҳолда курашиш учун жанговар стойкага ўтадилар (ўнг оёқ тиззада букилган, чап тизза татамига тегиб турибди) (525-расм).

Жанговар стойкадан укэ тўғри ўнг қўли кафтини ўзининг олдига татамига қўяди (526-расм), ўнг оёғини ўнг қўли ва танаси орасидан ўтказади ва орқасига ётади, қўллар гавда атрофида (527, 528-расмлар).

## **УШЛАБ ҚОЛИШЛАР**

### **ЁН ТОМОНДАН УШЛАБ ҚОЛИШ (КЭСАГАТАМЭ)**

Тори укэдан ўнг томонда жанговар стойкада турибди (529-расм). Ўнг қўл билан ўнг енгдан силтов билан у укэнинг ўнг қўлидан тортади ва уни ўзининг чап қўлтиғи остида ушлаб олади (530-расм). Ўзининг ўнг қўлини чап қўлтиқ остига ўтказиб, оёқларни кенг қўйиб, тори ён томонлама ушлаб қолишни амалга оширади (531-расм).

### **БЎЙИННИ ҚЎЛ БИЛАН БИРГА УШЛАГАН ҲОЛДА ЁН ТОМОНДАН УШЛАБ ҚОЛИШ (КАТАГАТАМЭ)**

Тори икки қўли билан укэнинг ўнг қўлини унинг юзи томон итаради (532-расм). Ўнг қўли билан у укэнинг бўйни ва ўнг қўлини ўраб олади ва ушлаб қолишни амалга оширади (533-расм).

Бу усулни амалга ошириш вақтида тори ўз қўллари панжалари билан чатиштирма ушлаб олишни бажаради (534-расм).

### **БЕЛБОҒДАН ТУТГАН ҲОЛДА БОШ ТОМОНДАН УШЛАБ ҚОЛИШ (КАМИСИХОГАТАМЭ)**


Тори укэнинг боши томонида ётган ҳолда курашиш катаси учун жанговар стойкага туради (535-расм). Елкалари ва билаклари билан укэнинг иккала елкасини қисиб, тори қўллари билан укэнинг белбоғидан чап ва ўнг томондан ушлаб олади (536-расм). Сўнgra, оғирлик марказини пастга тушириб, у ушлаб қолиш усулинин ўтказади (537-расм).

### **ОЁҚЛАР ВА БЕЛБОҒДАН ТУТГАН ҲОЛДА КУНДАЛАНГИГА УШЛАБ ҚОЛИШ (ЕКОСИХОГАТАМЭ)**


Тори ўнг қўлини ичкаридан укэнинг чап ёнбошига ўтказиб, унинг белбоғидан чап томонлама ушлаб олади (538-расм). Сўнgra, чап қўлини укэнинг бўйни остидан ўтказиб, унинг ёқасини чап томондан ушлаб олади (539-расм). Ўнг тиззасини укэнинг Ўнг сонига (ёнбошига) махкам сиқиб ва унинг гавдасини ўзига тортиб, тори кўндалангига ушлаб қолишни амалга оширади (540-расм).




513-расм.




514-расм.




515-расм.




516-расм.




517-расм.




518-расм.



519-расм.



520-расм.





521-расм.



522-расм.




523-расм.



524-расм.



525-расм.



526-расм.



527-расм.




528-расм.



529-расм.



530-расм.




531-расм.




532-расм.



533-расм.



534-расм.



535-расм.



536-расм.



537-расм.



538-расм.



539-расм.



540-расм.



541-расм.

## **ЁҚА ВА БЕЛБОҒДАН ТУТГАН ҲОЛДА ЁН ТОМОНДАН УШЛАБ ҶОЛИШ ( КУДЗУРЭКЭСАГАТАМЭ )**

Тори укэниңг ўнг елкаси тарафда жанговар стойкага туради. Укэниңг ўнг қўлини чап қўлтиғи остида ушлаб, тори орқадан укэниңг ёқасини ушлаб олади (541-расм). Тори чап қўли билан укэниңг чап елкаси остидан унинг бел-боғини ён томондан ушлаб олади (542-расм). Сўнгра, оғирлик марказини имкон борича пастга тушириб, у ушлаб қолишни амалга оширади (543-расм).

### **БЎҒИШ УСУЛЛАРИ ( СИМЭВАДЗА )**

#### **БИЛАК БИЛАН ОЛД ТОМОНДАН БЎҒИШ УСУЛИ ( КАТАДЗЮДЗИДЗИМЭ )**

Тори чап қўлининг туртта бармоги билан укэниңг чап ёқа қайтармаси ички томонидан маҳкам ушлаб олади (544-расм). Укэниңг қорнига миниб, тори ўнг қўли билан (бош бармоқ ичкарига қаратилган) укэниңг ўнг ёқасини маҳкам ушлаб олади (545-расм). Укэниңг ёқаси қайтармаларини қўллари билан тортиб ва ўз гавдасини укэниңг юзига яқинлаштириб, тори бўғиш усулини амалга оширади (546-расм).

#### **ГАРДАНГА ТАЯНИБ ОРҚАДАН ЕЛКА ВА БИЛАК БИЛАН БЎҒИШ УСУЛИ ( ХАДАКАДЗИМЭ )**


Тори ўтирган укэниңг орқасида жанговар стойкага туради, ўнг қўлини укэниңг ўнг елкаси оша унинг ияги остидан ўтказади ва ўзининг чап қўли билан укэниңг чап елкаси устида уларни чатиштиради (547,548-расмлар). Укэниңг танасини худди ўнгга-орқага агдараётгандек бўлиб, тори бўғиш усулини амалга оширади (549-расм)

#### **КУРТКА ҚАЙТАРМАСИ БИЛАН ОРҚАДАН БЎҒИШУСУЛИ ( ОКУРИЭРИДЗИМЭ )**


Тори ўтирган укэниңг орқасида жанговар стойкага туради, чап қўлини чап томондан укэниңг қўлтиғи остидан ўтказади ва унинг курткаси чап қайтармасини кукрак мушаги сатхидан ушлаб олади (550-расм). Ўнг қўлини укэниңг ўнг елкаси оша унинг ияги остига ўтказиб, тори укэниңг курткаси чап қайтармасини унинг чап қулоғи остида ушлаб олади (551 -расм). Сўнгра чап қўл панжаси билан у тезлиқда укэ курткаси ўнг қайтармасини олд томондан ушлаб олади ва, худди укэни ўнгга-орқага йиқитаётгандек бўғишни амалга оширади (552-расм).

#### **ҚЎЛНИ КЎТАРИБ ТУРИБ, КУРТКА ҚАЙТАРМАСИ БИЛАН ОРҚАДАН БЎҒИШ УСУЛИ ( КАТАХАДЗИМЭ )**

Тори укәнинг орқасида жанговар стойкага туради, чап қўли билан унинг чап қўлини юқорига кўтаради ва панжасининг ички тарафини унинг гарданига қўяди. Ўнг қўлнинг бирламчи полати хам худди аввалги усулдагидек, фақат тори бу усулда ўнг кўп силтовор билан укәнинг орқасига сиқилиб, бўғишни амалга оширади (553-расм).



542-расм.




543-расм.



544-расм.



545-расм.



546-расм.



547-расм.



548-расм.



549-расм.



550-расм.



551-расм.



552-расм.



553-расм.



554-расм.



555-расм.

## **ЧАТИШТИРИБ ҚАРАМА-ҚАРАМА БҮГИШ (ГЯКУДЗЮДЗИДЗИМЭ)**

Тори укэдан ўнг томонда жанговар стойкага турати ва чап қўли билан укэ курткасининг чап қайтармасини ушлайди (554-расм). Укэга миниб, тори ўнг қўлнинг қарама-қарши ушлаши (тўртта бармоқ қайтарманинг ички тарафида) орқали укэ курткасининг ўнг қайтармасидан ушлайди (555-расм). Укэ чап қўли билан торининг ўнг тирсагини итарида ва чап томонга ағдарилиб, бўғишдан чиқиб кетишга харакат қиласи. Пастда қолган тори оёқлари билан укэning танасини ураб олади ва, унинг харакатидан фойдаланиб, укэning курткаси қайтармаларини тортади ва бўғишни якунлайди (556-расм).

## **ОФРНТНШ УСУАЛАРИ КЎНДАЛАНГИГА ТУГУН (УЗЕЛ) (УДЭГАРАМИ)**

Тори чап қўли билан унинг ўнг қайтармасидан чап қўли билан ушлаб олишга харакат қилаётган укэning уша қўлини билагидан ушлаб олади (557-расм). Тори ўзининг ўнг қўлини укэning чап елкаси тагидан туфи бурчак бўйлаб ўтказади ва ўзининг чап қўли билагини ушлаб олади (558-расм). Тори ўнг тирсагини татамидан тортиб олади ва укэning чап елкасини айлантиради (559-расм).

## **ОЁҚЛАР ОРАСИДАН ҚЎЛНИ УШЛАГАН ҲОЛДА ТИРСАКНИ БУКИШ (УДЭХИСИГИДЗЮДЗИГАТАМЭ )**


Тори укэдан ўнг томонда жанговар стойкага турати. Укэ ўнг қўли билан тори курткасининг чап қайтармасидан ушлаб олишга харакат қилаётган вақтда, тори икки қўли билан укэning ўнг қўлини ушлаб олади (560-расм). Шу қўлдан укэning гавдасини юқорига кўтара туриб, тори чап оёғини чап елка ёнида укэning бўйни ёнига қўяди (561 -расм). Укэning ушлаб олинган қўлини сонлари билан маҳкам қисиб, тори унинг ўнг қўли тирсак бўғимини унинг табиий букилишига қарама-қарши томонга букади, бунда у кураги билан орқага энгашади (562-расм).

## **ЕЛКАНИ БИЛАККА ТАЯНТИРГАН ҲОЛДА ТИРСАКНИ БУКИШ (УДЭХИСИГИУДЭГАТАМЭ)**

Укэ чап қўли билан тори курткасининг ўнг қайтармасидан ушлаб олишга харакат қилаётган вақтда (563-расм), тори укэning ўзатилган қўлини ўзининг ўнг ўмровида (ключица) қайд қилиб, иккала қўлининг панжалари билан укэning чап қўли тирсак бўғимида унинг табиий букилишига қарама-қарши тарзда босади (564-расм).

## **ТИРСАКНИ ТИЗЗА ЁРДАМИДА ЮҚОРИДАН БУКИШ (УДЭХИСИГИХИДЗАГАТАМЭ)**


Иккала курашчи чап тиззада, ўнг томонлама ушлаб олиш холатида турибди. Тори укэning ўнг қўлини ўзининг чап қўлтиғи остида ушлаб олади



556-расм.




557-расм.




558-расм.



559-расм.



560-расм.



561-расм.



562-расм.




563-расм.




564-расм.



565-расм.



566-расм.



567-расм.



568-расм.



569-расм.



570-расм.

(565-расм). Ўнгга-орқага йиқила туриб, тори ўнг оёғи билан укәнинг чап тиззасига уради ва уни олдинга агдаради (566-расм). Сўнгра у, юқоридан чап тиззаси билан укәнинг ўнг қўлини босиб туриб, тирсак бўғимини табиий букилишга қарши томонга букади (567-расм).

## ТИZZА БЎҒИМИНИ БУКИШ (АСИГАРАМИ)

Иккала курашчи ўнг томон жанговар стойкасида турибди. Тори оёқ кафти билан қоринга таянган ҳолда бош узра иргитишни якунламай туриб, укәни олдинга-пастга мувозанатдан чиқаради (568-расм). Тори чап оёғини укәнинг ўнг оёғи устидан ўтказади ва, шу оёғини тўгрилаб туриб, укәнинг ўнг оёғи тизза бўғимини букади (569, 570-расмлар).

**Эслатма:** дзю-до курашида тизза бўғимини букиш фақат ката комплексларини намойиш қилиш вақтида ўтказилади.

## ҚАТНАШЧИННИНГ КИЙИМИ

**2-модда.** Қатнашчининг кийими - дзюдоги. Одатда, гиламга чиқишдан олдин қатнашчи тегишли белбоғ устидан қизил ёки оқ лента боғлаб олиши керак. Қатнашчининг кийими қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1.Белбоғ билан боғланган куртканинг этаклари спортчи сонининг ярмигача бориши лозим (дзюдогининг куртка ва шими оқ ёки деярли оқ бўлиши керак).

2.Куртканинг енглари билакнинг ярмидан кўпроғини беркитиб тури-ши ва енг ҳамда қўл ўртасидаги оралиқ 5 см. дан кам бўлмаслиги учун етарли даражада кенг бўлмоғи лозим.

3.Шимнинг почалари (дзубон) болдирилниг учдан икки қисмини беркитиши ва шим ҳамда оёқ ўртасидаги оралиқ барча қисмларда 5 см. дан кам бўлмаслиги учун етарли даражада кенг бўлиши керак.

4.Бел бўйлаб икки марта ўралган белбоғ куртка очилиб кетавермаслиги учун маҳкам боғланади. Боғланган белбоғнинг учлари 20-30 см. атрофида узун бўлиши керак.

**3-модда.** Қатнашчиларнинг тирноғи калта қилиб олинган бўлиши керак. Қатнашчилар ўзлари билан жароҳат сабаби бўлиши мумкин бўлган металл ёки бошқа предметлар олмасликлари лозим.

(Ушбу коидалар талабларига жавоб бермайдиган дзюдогида татамига чиқсан қатнашчи қисқа муддат ичидан кийимини алмаштириши керак. Акс ҳолда у мусобақаларга қўйилмайди. Дзюдоҷи қизлар кимоно ичидан шимга қистирилган оқ ёки деярли оқ майка киядилар.)

## КУРАШ ЖОИИ

**4-модда.** Курашчилар олишуви татами доирасида (9x9 метр ёки 10x10 метр, хавф зонаси ҳам киритилган) ўтказилади.

**Эслатмалар:** 1. Агар курашчилардан бири ёки иккала курашчи усулни бажариш вақтида гиламдан ташқарида бўлса, усул ҳисобга олинмайди.

Гиламдан ташқари ҳолат фақат стойкада кураш олиб бориш вақтида қатнашчилардан бири оёғи билан гилам чизигидан чиқсан бўлса; агар

ётган ҳолда кураш вақтида курашчилардан бири гавдасининг ярмидан кўпроқ қисми гилам чегарасидан чиқкан бўлса ҳисобга олинади.

2. Агар курашчи ўз рақибини гиламдан ташқарига иргитса ва иргитиш вақтида рақиб гиламдан ташқарига тушгунча ўзи гиламда бўлса, иргитиш ҳисобга олинади.

3. Кураш зонаси доирасида ҳакам томонидан қайд этилган ушлаб қолиш усули курашчилардан бири ўз танасининг бирон-бир қисми билан хавфли (қизил) зонага теггунича давом этади. (Тик ҳолда курашда оёғи хавфли зонага тегиб турган курашчи "gilamda" ҳолатида, деб ҳисобланади.)

**5-модда.** Олишув бошланишидан аввал курашчилар гилам ўртасида бир-бирларидан 4 метр атрофидаги масофада турадилар ва энгашиб саломлашадилар. Гиламдаги ҳакамнинг "Хадзимэ!" ("Бошла!") деб берган буйруғидан сўнг курашчилар олишувни бошлайдилар.

Курашчилар бир-бирларини тиззада туриб (дзарэй) ҳам кутлашлари мумкин.

**6-модда.** Олишув вақти тугагандан сўнг курашчилар бошланғич ҳолатга қайтадилар, бир-бирларига юзма-юз турадилар ва олишув натижаси эълон қилингандан сўнг бир-бирларига таъзим қиласидилар.

**7-модда.** Олишувлар натижаси иргитишлар ва ётган ҳолда курашиш усуллари бўйича баҳоланади.

**8-модда.** Агар курашчилардан бири соғ ғалабага эришган бўлса, олишув тўхтатилади.

**9-модда.** Олишув стойкада бошланади.

**10-модда.** Ётган ҳолда курашишга ўтишга қуийдаги ҳолатларда рухсат берилади:

1. Курашчи рақибини самарали техник ҳаракат билан пастга йиқитса ва ётган ҳолда тўхтовсиз хужумни давом эттираверса; 2. Рақиб усул қўллашга ҳаракат қилиб, ўз мувозанатини йўқотса ва йиқилса; 3. Курашчи стойкада оғритиш ёки бўғиши усулини бошласа ва самарали давом эттирса ҳамда тўхтамасдан ётган ҳолда курашга ўтса; 4. Курашчи иргитишсиз рақибини моҳирона пастга туширса ёки ағдарса ҳамда бетўхтов ётган ҳолда курашга ўтса; 5. Бошқа ҳолатларда, яъни бир ёки иккала рақиб мувозанатни йўқотиб йиқилса ва ётган ҳолда курашда хужумкорлик ҳаракатларини бошласа. (Бироқ, агар ётган ҳолда курашишда рақиблардан хеч бири техник ҳара-катлар қўллашга уринмаса, гиламдаги ҳакам курашчиларни стойкага ўтказади). (Агар курашчилардан бири стойкада оғритиш усулини - дзюдзига-тамэ ёки шунга ўхшаш техник ҳаракатларни муваффақиятсиз амалга ошиrsa, ҳакам дарҳол "Матэ!" ("Тўхта!") деб эълон қиласиди).

**11-модда.** Олишув вақти (давомийлиги) олдиндан белгиланади. У 3 дақиқадан 20 дақиқагача давом этиши мумкин. Бироқ, зарур бўлган ҳолатда бу вақтни яна узайтириш мумкин. (Ҳакамнинг "Матэ!" ва "Хадзимз!", шунингдек "Соно мама" ва "Еси" буйруқлари орасида ўтган вақт олишув вақтига кирмайди).

**12-модда.** Олишув вақти тугаганлиги ҳақида ҳакамлар гонг ёки бошқа сигнал орқали ҳабардор қилинади. (Мусобақаларнинг барча иштирокчилари олишувлар ўртасида бўлажак олишув вақтига тенг вақт мобайнида дам олиш хукуқига эгалар. Дам олиш вақтини олдинги олишув тугаган вақтдан бошлаб ҳисоблаш мумкин).

**13 модда.** Олишув тугаганлиги ҳақидаги сигнал билан бир вақтда амалга оширилган ирғитиш ҳисобга олинади. Гиламдаги ҳакам олишувнинг сўнгги секундларида олишув вақти тугаётганига қарамай "Ушлаб қолиш" ("Осаэко-ми") деб эълон қилган вақтларда олишув ушлаб қолиш вақти тўлиқ тугагунча ёки курашчи ушлаб қолишдан чиқиб кетмагунча давом этаверади.

**Эслатма.** Олишув тугаганлиги ҳақидаги сигнал билан бир вақтда амалга оширилган ирғитиш деб олишув тугаганлиги ҳақидаги сигнал билан бир вақтда бошланган ирғитиш аталади. Агар бундай ирғитиш сигнал темпи давомида амалга оширилган бўлса, у ҳисобга олинади. (Олишув тугаганлиги ҳақидаги сигналдан сўнг техник ҳаракатлар ҳисобга олинмайди, хатто агар ҳакам "Сорэ мадэ!" командасини бериб ултурган бўлса ҳам.)

**14-модда.** Гиламдаги ҳакам "Қимиrlаманг!" ("Соно мама!") деб эълон қилиш хукуқига эга. Худди шундай буйруқ (команда) агар курашчилар мунтазам равишда фаол ҳаракатларсиз гилам чети бўйлаб юраверсалар, шунингдек, агар курашчига мурожаат қилиш ёки унинг кийимини туфилаш зарурати пайдо бўлса ҳам эълон қилинади, бунда ҳакам курашчилар ҳолатини ўзгартирмайди. Сўнгра ҳакам курашчиларни татамидаги тегишли жойларига қайтаради. "Еси!" буйруғидан сўнг кураш давом этади. Бунда "Соно мама!" буйруғидан "Еси!" буйруғи берилгунга қадар бўлган оралиқдаги вақт олишув вақтидан чиқариб ташланади. ("Соно мама!" буйруғини эълон қилишда ҳакам курашчилар ҳолати сақланиб қолишини назорат қилиб, жуда эътиборли бўлиши лоз

## ҲАКАМЛИК

**15-модда.** Ҳакамлар қарорлари узил-кесил ва қатъий, шикоятларга ўрин йўқ.

**16-модда.** Одатда, олишув ҳакамлигига бир рефери (гиламда) ва икки бурчак ҳаками иштирок этади. Вазият ва шароитдан келиб чиқсан холда олишувни бир рефери ва бир ҳакам ёки бир реферининг ўзи олиб боришига ҳам йўл қўйилади.

**17-модда.** Рефери татамида туриб, олишув боришини бошқаради ва унинг натижасини белгилайди. (Рефери ва бурчак ҳакамлари, шунингдек, табlodаги хисоб туғрилигини назорат қилиб борадилар).

**18-модда.** Бурчак ҳакамлари реферига ёрдамлашадилар. Икки бурчак ҳаками олишув боришини кузатиш қўлай бўлган жойларда, татамининг қарамақарши бурчакларидан ўрин эгаллайдилар.

**19-модда.** Курашчиларнинг икки томонлама саломлашувидан сўнг, рефери "Хадзимэ!" ("Олишувни бошланган") буйруғини беради.

**20-модда.** Агар курашчилардан бири ирғитиш ёки ётган холда курагида усул қўллаб соф ғалабага эришса, рефери соф ғалабани ("иппон") эълон қилиб, олишувни тўхтатади, курашчиларни дастлабки бошланғич позицияга қайтаради ва ишора билан ғолибни кўрсатади.

**Эслатма.** Агар иккала курашчи айнан бир вақтда бўғиш ёки бошқа усуллар билан соф ғалабага эришса, ("дуранг") эълон қилинади ва курашчилар қайта курашиш хуқуқига эга бўладилар.

**21-модда.** Агар курашчилардан бири "вадзаари" ("усул қўлланди") деб баҳоланувчи усулни амалга оширса, рефери овоз ва ишора билан "Вадзаари!" деб эълон қиласди. Агар курашчилардан бири иккинчи марта шундай усулни амалга оширса, рефери "Вадзаари авасэтэ иппон!" ("Вадзаари кушув вадзаари - соф ғалаба") деб эълон қиласди ва, иккала курашчини бошланғич холатга қайтариб, ишора билан ғолибни кўрсатади.

**22-модда.** Курашчи "вадзаари" деб баҳоланувчи ирғитишни амалга оширганда, кейин эса унинг рақиби қоидани бузгани учун расмий огохлантириш ("сидо") олса ва бу огохлантириш уч марта такрорланса биринчи курашчига "мураккаб соф ғалаба" ("согогати") эълон қилинади.

"Мураккаб соф ғалаба", шунингдек, курашчи олишувда қоидани бузиб, расмий огохлантириш олган, унинг рақиби эса "вадзаари" деб баҳоланган ирғитишни амалга оширган холатда хам эълон қилинади (галаба иккинчи курашчига берилади).

**23-модда.** Курашчилардан бири ушлаб қолишга тушиб қолганига ишонч хосил қилган рефери "Ушлаб қолиш" ("осаэкоми") деб эълон қиласди. Агар ана шу эълондан сўнг курашчи ушлаб туришдан чиқиб кета олса, рефери "Чиқиб кетди" ("Токэта") деб эълон қиласди.

**24-модда.** Агар бурчак рақами курашчилар харакатини реферидан бошқача баҳоласа, у ўз фикрини реферига маълум қилиши лозим. Бундай холатларда рефери бурчак хакамининг фикрига қўшилиши мумкин, бироқ реферининг ишора ва овоз ёрдамида расмий эълон қилган қарори якуний хисобланади.

**25-модда.** Курашчилар соф ғалабага эриша олмаган холатларда, олишув вақти тугагандан сўнг рефери "Олишув вақти" ("Сорэ мадэ") деб эълон қиласди ва курашчиларни бошланғич холатга қайтаради. Сўнгра рефери хам бошланғич холатга қайтади ва "Қарор!" ("Хантай!") деб бурчак хакамларига овоз ва ишора билан эълон қиласди. Шундан сўнг бурчак хакамлари ғолибнинг белбоғи рангига мос равишда қизил ёки ок рангли байроқни кўтарадилар. Шундан кейин рефери ғолиб хақида қарор қабул қиласди. Дуранг бўлганда - иккала рангли байроқлар бир вақтда кўтарилади.

**Эслатма.** Мусобақа характеридан келиб чиққан холда баъзиде устунлик бўйича кэлибни аниқлаш ("юсэй гати") амалга оширилмайди.

**26-модда.** Олишув тугагандан сўнг рефери, бурчак хакамлари баҳоларини қайд қилиб, олишув натижаси борасидаги якуний қарорни ишора ёки овоз билан эълон қиласди. Агар барча хакамларнинг баҳолари турлича бўлса, голибни рефери аниқлайди.

Агар олишувни рефери ва бир бурчак хаками назорат қилиб бораётган бўлса, рефери бурчак хаками фикрини эътиборга олган холда ғолибни аниқлайди ва уни овоз ёки ишора билан кўрсатади.

**Эслатмалар:** 1. Агар рефери ва икки бурчак хакамининг фикри турлича бўлса, улар уччаласи маслаҳатлашиб олишлари мумкин.

2. Агар рефери бурчак хаками баҳосидан шубхаланса, у бурчак хаками билан маслаҳатлашиши мумкин.

**27-модда.** Куйидаги холатларда татамидаги хакам (рефери) "Тўхта!" ("Матэ!") буйруғи билан олишувни тўхтатади (бўлинниб қолган учрашувни рефери "Бошланг!" ("Хадзимэ!")) буйруғи билан бошлайди; тўхтатилган вақт олишув вақтидан чиқариб ташланади):

1. бир ёки иккала курашчи гиламдан ташқарига чиқиб кетган ёки чиқмоқчи бўлаётган бўлса;

2. бир ёки иккала курашчи тақиқланган усулни қўллаётган ёки қўлла-моқчи бўлаётган бўлса;

3. бир ёки иккала курашчи жароҳат олган ёки касал бўлиб қолган бўлса;

4. курашчилар кийимини тартибга келтириш зарур бўлса;

5. агар ётган холда курашишда курашчилардан хеч бири бирон-бир амалий усул қўллашга харакат қилмаса;

6. хакамлар олишувни тўхтатиш зарур деб хисоблаган холатларда;

7. курашчи стойкада ёки ётган холда курашдан туриб, рақибини тэтамидан бутунлай қўтариб олса.

**28-модда.** Рефери рақиблари қоидаларни бузгани учун дисквалификация қилинганда ("хансоку"), олишувга келмаганда ("фусэн"), учрашувдан бош тортганда ёки жароҳатлар олганда курашчиларни ғолиб деб эълон қиласди. Жамоавий ва квалификацион мусобақаларда рефери дуранглар эълон қиласди.

**29-модда** Одатда хакамлар куйидаги ишора ва иборалардан фойдаланадилар:

**1.Рефери:** "Соф ғапаба" ("Иппон") - қўпини кафтни олдинга қаратган холда юқорига кутаради. "Усул қўлланди" ("Вадзаари") - қўлини ён томонга елка баландлигига кафтини пастга қилган холда кўтаради. "Ушлаб қолиш" ("Осаэкоми") - қўлини ўз олдига кўрашчилар йўналишида, кафтини пастга каратиб, гавдасини бироз эгиб, тугрига чўзади ва 2-3 секунд ушлаб туради. "Чиқиб кетди" ("Токэта") - тўғри қўлини ўз олдига пастга чузади ва уни 2-3 марта чапга ва ўнгга силкитади. "Усул хисобга олинмасин" - букилган қўлини боши устига кўтаради ва у билан 2-3 марта чапга-унгга силкитади. "Дуранг" ("Хикивакэ") - қўлини юқорига кўтаради

ва уни олдинга-пастга (бош бармоқ юқорига қилинган холда) туширади хамда шу холатда бир неча секунд ушлаб туради. "Юко" - қўлини ён томонга 450 бурчак остида кафтини пастга қилган холда суради. "Кока" - тирсакда букилган қўлини елка баландлигига кафти олдинга қаратилган холда кўтаради.

**2.Бурчак ҳакамлари:** "Кураш гиламда" - қўлини юқорига кўтаради ва уни гилам чегараси бўйлаб деярли елка баландлигига туширади ва 1 -2 секунд ушлаб туради. "Кураш гиламдан ташқарида" - қўлини елка баландлигига бош бармоқни юқорига қилган холда кўтаради ва уни 2-3 марта чапга ва ўнгга олиб боради. Реферининг берган баҳосига кушилмайдиган ва харакат баҳоланмади деб хисоблайдиган бурчак ҳаками ишора билан "Усул хисобга олинмайди" деб кўрсатади. Рефери берган баҳо билан тафовут юзага келганда, бурчак ҳаками ўз баҳосини кўрсатади. Ишоралар ёрдамидаги барча сигналлар камидаги 3 секунд давом этади.

## ТАҚИҚЛАНГАН ҲАРАКАТЛАР

**30-модда.** Дзю-до бўйича мусобақаларда қўйидаги усуллар ва ҳаракатларни қўллаш такикланади:

1.рақиб икки оёқ остидан илиб олиш қаби усулни қўллаётганда (ҳарлагоси), унинг таянч оёғини ичкаридан чалиш ёки тепиш;

2.рақибни ураб туриб иргитиш (кавадзугакэ);

3.рақибнинг танаси, боши ва бўйини оёқяар билан қисиш;

4.тирсак буғимидан бошқа барча бугимларга нисбатан оғритиш усулини қўллаш;

5.рақибнинг бўйин умурткаси ёки умуртка поғонасига шикает етказиши мумкин бўлган усулларни қўллаш;

6.кураги билан гиламда ётган рақибни кўтариш ва куч билан уни яна гиламга иргитиш;

7.рақиб орқада жойлашган вақтда бутун гавда оғирлиги билан унинг танаси устига атайин йиқилиш;

8.ушлаб олишдан чиқиб кетиш учун оёқ ёки тизза билан рақибнинг қўлини уриш;

9.рақибнинг ҳаракатларига халал бериш учун унинг ушлаб олишидан атайин қочиб юриш;

10.атайин татамидан чиқиб кетиш ёки рақибни итариб чиқариш (шунингдек, рақибни атайин гиламдан ташқарига улоқтириш хам мумкин эмас);

11.гиламдан стойкада чиқиб кетиш, бу усул ёки рақиб ҳаракати натижасида содир бўлган вазиятлар бундан мустасно;

12.маглубиятга учрамаслик мақсадида бутунлай химояга утиб олиш;

13.кортканинг бир тарафидаги ёқа, қайтарма ёки енгдан, шунингдек рақибнинг белбоги ёки кортка этагидан бир ёки иккала қўл билан узоқ вақт ушлаб туриш;

14.кортканинг енги ёки шимнинг почасини ва этакни ичкаридан ушлаб олиш, шунингдек кортканинг енгини бураш;

15.рақиб билан бармоқларни чатиштириб узоқ вақт туриш;

16.ўз кийимини атайин тартибсиз холга келтириш ёки белбоғ ёки шимнинг боғичини (дзубон) рефери рухсатисиз қайта боғлаш;

17.техник харакатлар кўлламасдан стойкадан ётган холда курашга ўтиш;

18.стойкада ётган холда курашга оддий ўтиш мақсадида рақибнинг оёғи ёки оёқ тагидан ушлаб олиш (бироқ оёқлар ёки оёқдан ушлаб тез ва мохирона бажарилган иргитишлир ва партерга ўтказишлар хособа олинади);

19.белбоғинг учи ёки куртканинг этаги билан рақиб танасининг бирон-бир қисмини бир айланма (оборот) дан ошиқ ўраб олиш (бир айланмадан кам ураб олишга рухсат берилади);

20.тишлар билан рақиб кимоноси ёки белбоғидан тишлиб олиш, оёқ (тизза, оёқ таги) ёки қўл (тирсақ кафт) билан рақибнинг юзига тиравиши;

21.ётган холда курашда оёқ (оёқ остки қисми) билан рақиб курткасининг белбоғи, ёқаси ёки қайтармасига тиравиши, шунингдек рақиб бармоқларини синдириш;

22.рақибни оёқлар ёрдамида, оғритиши усулини қўллаш вақтида, агар рақиб стойкада ёки тиззалирида бўлса ва урнидан тура оладиган бўлса, унинг бўйинини қўлтиқ узра қисиб ушлаб туриш;

23.усулни гиламдан ташқарида қўллаш;

24.рефери кўрсатмаларини (буйруқларини) йинкор этиши;

25.рақибни сўзлар ёки ишоралар билан хақоратлаш;

26.рақиб жароҳатланишига сабаб бўладиган ва дзю-до моҳиятига зид бўлган бошқа харакатларни қўллаш;

27.тик холда кураш вақтида татамида бошланган иргитиши усулини бажаришда гиламдан чиқиб кетиши (бироқ рақибнинг техник харакатлари натижасида гиламдан чиқиб қостиш жазоланмайди).

Юқорида тилга олинган қоидаларни бузиш курашчини дисквалификация (четлаштиргш) қилишгача жазолашга олиб келади (умумий қоидаларга мувофик).

**31 -модда.** 30-моддада кўрсатилган қоидаларни бузиш даражасига қараб, рефери "танбех," ("сидо"), "огохлантириш" ("сидо-2"), "расмий огохдантириш" ("сидо-3"), "дисквалификация" ("сидо-4") эълон қиласи.

1.Танбех. қоидаларни бузишга интилиш ва унчалик ахамиятга эга бўлмаган қоидабузарлик учун эълон қилинади. Кайта танбех, берилганда курашчи огохлантириш олади. \*

2.Огохлантириш ахамиятироқ қоидабузарлик учун эълон қилинади. Қайта огохлантириш расмий огохлантириш сифатида баҳоланади.

Агар бир курашчига "танбех," ("сидо") эълон қилинса, иккинчи курашчига "кока" берилади.

Агар бир курашчига "огохлантириш" ("сидо-2") эълон қилинса, иккинчи курашчига "юко" берилади.

Рефери томонидан "огохлантириш" эълон қилинганда олишув тухтилади, курашчилар дастлабки бошланғич холатга қайтадилар, иккала курашчи стойкада туради. "Огохлантириш" эълон қилиб, рефери қўли билан қоидани бузган курашчини курсатади.

3."Расмий огохлантириш" курашчига жиддий қоидабузарлик учун эълон қилинади, унинг қайтарилиши эса курашчини дисквалификация қилишгача олиб келади.

Агар бир курашчига "расмий огохлантириш" эълон қилинса, бошқа курашчига "вадзаари" берилади. "Расмий огохлантириш" эълон қилинганда, рефери олишувни тухтатади, курашчиларни дастлабки холатга қайтаради ва қоидани бузган курашчини қўли билан қўрсатиб, жазони эълон қилади. (Агар ушлаб

қолишга учраган курашчи қоидани бузса ва расмий огохлантириш олиши керак бўлса, рефери "Соно мама!" буйргуни беради, "кэйкоку" эълон қилади, шундан сўнг кураш давом этади.)

4. Дисквалификация (четлаштириш) қоидаларни жиддий бузганлик учун, шунингдек ушбу қоидаларнинг 36-моддасида куздатутилган харакатлар учун эълон қилинади. Рефери курашчиларни дастлабки холатга қайтаради, қоидани бузган курашчи томон олдинга бир қадам ташлайди ва "Хансоку макэ" деб эълон қилади, сўнгра орқага қадам ташлайди ва қўли билан ғолибни курсатади.

Дисквалификация эълон қилингандан сўнг қоидани бузган курашчининг рақибида соф ғалаба берилади.

**Эслатмалар:** 1. Агар иккала курашчи қоидани жиддий бузса, иккалови хам дисквалификация қилинади.

2.Агар иккала курашчи расмий огохлантиришга эга бўлса ва кейин огохлантириш ёки расмий огохлантириш олсалар, иккала курашчи хам дисквалификация қилинади. Фавқулодда холатларда ушбу қоидаларнинг 39-моддаси ёки халкаро қоидаларнинг 41-моддаси асосида қарор қабул қилиш мумкин.

3.Ушбу қоидаларнинг 30-моддаси 10- ва 11-пунктлари бузилганда, қўйидаги қарорлар қабул қилинади:

а)агар курашчи атайнин гиламдан чиқса ёки узини усул қўллаётгандек қўрсатиб, рақибидан олдин гиламдан чиқиб кетса, ўнга расмий огохлантириш эълон қилинади;

б) рақибни атайнин гиламдан итариб чиқарганлиги учун (ёки рақибни атайнин гиламдан ташқарига иргитганлик учун) курашчига расмий огохлантириш эълон қилинади;

в)агар стойкада туриб курашиш вақтида курашчи харакатда ёки бурилишда рақбидан олдин гиламдан чиқиб кетса, ўнга огохлантириш берилади. Аммо, агар у рақибининг усул қўллаши ва харакатлари натижасида гиламдан чиқиб кетса, унга жазо берилмайди.

4.Агар курашчи ўз рақибини партерга тортса ва у ётган холда курашиш учун устунликни қўлга кирита олмаса, хакам "Тўхта!" деб эълон қилади, курашчиларни дастлабки холатга қайтаради ва рақибини партерга тортганлиги учун (икоми-тюй) курашчига огохлантириш эълон қилади.

Агар курашчи рақибини партерга тортса ва у устунликка эришса, рефери олишувни тўхтатмайди, аммо қоида бузганга огохлантириш (тюй) эълон қилади.

(Коидаларни бир вақтда бузган курашчиларнинг иккаласи хам қоида бузиш даражасига қараб жазоланади. Расмий огохлантириш ёки дисквалификация эълон қилишдан олдин рефери бурчак хакамлари фикрини хисобга олган холда қарор қабул қиласди).

## **ОЛИШУВ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

**32-модда.** Соф ғалаба берилади:

1)тез ва етарли даражадаги куч билан техник жихатдан тўғи бажарилган, натижада рақиб орқаси билан йиқилган ирғитиш ёки жавоб усули учун;

2)курашчи курагида ётган рақибини тахминан елка даражасига мохирона кўтарган вақтда.

Етган холда курашда соф ғалаба берилади:

1)"Таслим бўлди" ("майтта") сигнали берилганда ёки рақиб ўзининг таслим бўлганлигини билдириб, татамига, ўз баданига ёки ғолибнинг баданига қўл ёки оёки билан икки марта уриб қўяётган вақтда;

2) рақибни 30 секунд давомида ушлаб турганда.

Агар ушлаб қолиши амалга ошираётган курашчи рақибининг харакатларини тўлиқ назорат қила олса, ушлаб қолиш узлуксиз деб хисобланади;

3)агар бўғиши ёки оғритиш усулининг амалга оширилиши етарли даражада самарали бўлса.

**Эслатма.** Хакамлар бўғиши ёки оғритиш усули етарли даражада самарали амалга оширилди, деган фикрга келсалар, соф ғалаба бериллари мумкин. "Етарли даражада самарадорлик" иборасининг кенг ёки тор даражада талқин этилиши қатнашчиларнинг контингенти, ёши ва тактик-техник маҳррати даражасига ботиқ бўлади ва хакамлар коллегияси томонидан мусобақалар бошлангунига қадар келишиб олинади. "Куприк"ка ирғитиш "соф ғалаба"га ("иппон") тенглаштирилади.

**33-модда.** "Вадзаари" баҳоси берилади:

1) рақибни кичик техник хатоликлар билан амалга оширилган ва шу сабабли соф ғалаба сифатида баҳоланмаган ирғитиш учун.

2) рақибни 25-29 секунд давомида ушлаб турганлик учун. Агар ушлаб туриш бошланмасдан олдин курашчи "вадзаари"га эга бўлган бўлса, ушлаб туриш вақти 25 секунд билан чегараланади.

**Эслатма.** "Вадзаари" баҳоси шунингдек рақибни оёқ кафтини қоринга тираган холда ("томоэнагэ") ирғитганлик учун хам берилади, факат агар уни амалга оширган курашчи ирғитишни бажариш вақтида бироз курагида ушланиб қолган, аммо умуман ирғитишни мохирона якунлаган бўлса.

**34-модда.** Устунлик бўйича ғалаба, одатда, қўйидаги холатларда берилади:

1)"Вадзаари" баҳоси бор ёки рақиб "расмий огохлантириш" олганда;

2)"Юко" баҳоси бор ёки рақиб огохлантириш олганда;

3) курашчи олишувни олиб бориш сифати, усусларни бажариш самарадорлиги ва сифати бўйича бироз устунликка эга бўлса, рақиб янада

қатый жазо олган бўлса;

4) курашчи "кока" баҳосига эга ёки унинг рақибиға танбех. эълон қилинганда.

**Эслатмалар:** 1. Мусобақалар характеридан келиб чаққан холда ғолибни устунлик бўйича аниқлаш борасида 34-моддада кўрсатиб ўтилган мезонлар олдиндан айтиб ўтилади.

2. Рақибни 20-24 секунд мобайнида ушлаб туриш "юко" баҳоси билан тенглаштирилади.

3. Техник камчиликлари борлиги сабабли "вадзаари" баҳосини бериш мумкин бўлмаган иргитиш "юко" ёки "кока" билан баҳоланади.

4. "Кока" ён томонга, думбага, қоринга етарли даражада кучли ва тез иргитганлик учун берилади, агар бу иргитиш "юко" деб баҳоланмаган бўлса.

5. Рақибни 10-19 секунд давомида ушлаб туриш "кока" баҳосига тенглаштирилади.

**35-модда.** Агар олишув мобайнида иккала курашчи бир хил баҳо олса ёки олишув натижасиз якунланган бўлса, "дуранг" ("хикивакэ") эълон қилинади.

**36-модда.** Хакамлар қуйидаги холатларда курашчини дисквалификация қилиш ("хансоқу макэ") хуқуқига эга:

1. Агар курашчи рақибининг саломатлиги учун хавфли бўлган, дзю-до моҳиятига зид бўлган усууллар ва харакатларни амалга оширса.

2. Агар курашчи расмий огохдантиришга эга бўлса ва унга огохлантириш ёки иккинчи расмий огохлантириш эълон қилинса.

3. Агар курашчи рақибиға дўқ-пўписа қилса ёки спорт принципларига зид бўлган танбех, ва имо-ишоралар қилса.

(Айни мусобақалар ташкилий кўмитаси курашчини мусобақалардан умуман чиқариб юбориш (дисквалификация қилиш) ёки қоида бузилган бир оли-шувдан чиқариш масаласини хал қиласди).

**37-модда.** Агар қатнашчи олишувдан олдин курашдан бош тортса, унинг рақибиға "рақиб келмаганилиги сабабли" ("фусэнгати") ғалаба эълон қилинади. Агар қатнашчи курашдан олишув вақтида бош тортса, унинг рақибиға "рақиб бош тортганилиги" ("кикэнгати") сабабли ғалаба эълон қилинади. (Агар олишув курашчининг касаллиги, жароҳат олиши ёки лат ейиши сабабли тўхтатилса, курашчи тиббий ёрдам олиш учун 5 дакикадан кўл бўлмаган муддатга танаффус олиш хуқуқига эга).

**38-модда.** Агар жароҳат, баҳтсиз ҳодиса ёки қатнашчининг касаллиги сабабли олишувни давом эттириш мумкин бўлмаса, хакамлар учлиги вазиятдан келиб чиққан холда курашчига ғалаба беради, мағлубият ёки туранг эълон қиласди:

1. Агар жароҳат курашчининг айби билан содир этилган бўлса, унга мағлубият эълон қилинади.

2. Агар жароҳат унинг рақиби айби билан содир этилган бўлса, рақибга мағлубият эълон қилинади.

3. Агар жароҳат сабабини аниқлаш кийин бўлса, туранг эълон қилинади.

4.Агар олишувни қатнашчининг касаллиги сабабли давом эттириш мумкин бўлмаса, одатда, касал бўлиб қолган курашчига мағлубият эълон қилинади.

5.Агар олишувни баҳтсиз воеа сабабли давом эттириш мумкин бўлмаса, одатда "дуранг" эълон қилинади.

**Эсламмалар:** 1. Агар қатнашчи жароҳат сабабли олишувни давом эттира олмаса, хакамлар мағлубият эълон қилишга шошилмасликлари зарур. Улар жароҳат сабабини аниқлашлари ва жароҳат атайин қилингандекилинмаганини белгилашлари хамда қарор қабул қилишда ушбу қоидаларнинг 38-моддаси 1, 2, 3-пунктларига риоя қилишлари лозим.

Агар олишувни давом эттириш мумкин бўлсаю, аммо қатнашчи курашдан бош тортса, хакамлар "Курашдан бош тортганлиги сабабли мағлубият" берилиши туғрисида қарор эълон қиласилар.

2.Агар жароҳат сабабини аниқлаш мумкин эмаслиги сабабли дуранг эълон қилингандекилин бўлса, унда, одатда, курашчиларга шахсий ҳисобдаги ва шунга ухшаш турнирларда кейинги босқичда курашни давом эттириш хуқуқи берилади.

3.Агар жароҳат айбори аниқланган ва хакамлар қарор чиқарган бўлсалар ("Талаба", "Мағлубият" ёки "Дуранг"), айбор мусобақаларни давом эттириш хуқуқидан маҳрум этилади. (Агар врач курашчига олишувни давом эттиришни ман қилсаю, аммо у бунга рози бўлмаса, курашчи оқибатларга ўзи жавоб бериши хақида тилҳат бериши лозим).

**39 -мода.** Ушбу қоидаларда кўзда кутилмаган вазиятлар юзага келган ҳолатларда, тегишли қарор хакамлар коллегияси йиғилишида қабул қилинади.

### **ХАЛҚАРО ДЗЮДО ФЕДЕРАЦИЯСИ (ФИД) МУСОБАҚАЛАРИ ҚОИДАЛАРИГА ШАРҲЛАР**

Кодокан ва ФИД қоидалари моддаларининг рақамлаштирилиши хар доим хам бир-бирига тўғри келмасада, уларнинг мазмуни деярли бир хил.

Кодокан қоидалари усулларни соф бажаришга, курашчиларнинг техник тайёргарлигига катта эътибор қаратади; ФИД қоидалари курашчининг олишувда ўзини тутишини янада қатъий ва муфассал тартиблаштириш билан ажralиб туради. Аммо ФИД қоидалари бўйича катта техник камчиликлар билан бажарилган усуллар хам қайд қилинади ва баҳоланади, Кодоканда эса бундай эмас (японлар узок вақт давомида мусобақаларда "юко" ва "кока" билан баҳоланувчи ирғитишларни хисобга олмаганлар).

Жаҳон биринчилиги, Олимпиада ўйинлари, Европа чемпионатлари ва йирик халқаро мусобақалар ФИД қоидалари бўйича ўтказилади.

Қуйида биз мазмуни Кодокан қоидаларида етарли даражада тўлиқ акс этмаган баъзи моддалар ва ФИД қоидаларига шарҳлар келтирамиз. **3-моддага шарҳлар:**

1.Агар, хакамлар фикрича, қатнашчининг сочи жуда ўзун бўлса ва разбита нокўлайликлар келтириб чиқарса, қатнашчи соchlарини орқага қилиб боғлаб олиши зарур.

2.Бармоқлардаги металл узукларни лейкопластир ёки бинт билан ўраб қўйиш мумкин.

3.Агар қатнашчи татамига оёқлари ифлос холда чиқса, хакам уни оёқларни ювишга юборади.

4.Агар қатнашчи 3-модда талабларини бажара олмаса ёки бажаришни истамаса, хакамлар унинг рақибини ғолиб деб эълон қиласидилар.

#### **4-моддага шарҳлар:**

1.Йиқила туриб ирғитиш (сутэми вадза), агар тори танасининг катта қисми гиламда қолган бўлса ва агар торининг оёғи унинг кураги ёки ён боши гиламга тегмасдан олдин татами чегарасидан чиқиб кетмаган бўлса, хисобга олинади.

2.Агар укэнинг йикилиши вактигача тори уз танасининг бирор-бир қисми билан татами чегарасидан ташкари зонага тегмаган булса, татамидан ташка-рига иргитиш хисобга олинади.

3.Ичкаридан илиб олиш ва ичкаридан чалишни амалга оширишда оёқларни гиламга теккизмасдан татами чегараларидан ташқарига чиқаришга рухсатберилади.

4.Қатнашчилар олишув вақтида татамини фақат рефери рухсати билан тарқ этишлари мумкин: масалан, қоидаларга мос келмайдиган дзюодогини алмаштириш, олишув вақтида йиртилиб кетган шимни (дзубон) алмаштириш учун.

#### **15-моддага шарҳ:**

Рефери ва бурчак хакамларига хакамлар учлигининг барча баҳоларини таблода қайд қилиб турувчи хакам ёрдам беради. Агар зарур бўлса, табло ёнидаги хакам олишув қатнашчилари томонидан олинган баҳолар ва жазоларнинг якуний хисобини хакамларга қўрсатади.

Таблода қатнашчилардан хар бирининг кейинги, янада оғир жазоси қайд этилади. Аввалги, енгилрокжазо эса олиб ташланади.

#### **17-моддага шарҳлар:**

1.Агар қатнашчига ўзрли сабабларга кўра (масалан, йиктилган шимни алмаштириш учун) татамини вақтинча тарқ этишга рухсат берилса, бурчак хакамларидан бири қатнашчини у татамига қайтиб келгунича кузатиб бориши лозим.

2.Бурчак хакамлари зарур вазиятларда курашчилар гиламдан ташқарига йиқилаётган вақтларда тегиб кетиб лат емасликлари учун ўз урниларидан туриб, стулларини суришга тайёр бўлишлари лозим. Улар, шунингдек таблодаги баҳолар туғрилигини назорат қилиб боришлиари зарур.

#### **18-моддага шарҳлар:**

1.Агар рефери ётган холда курашишдаги соф галабани эълон қилишда адашеа ва рақиблар ўз холатларини ўзгартириб олишга улгурган бўлсалар, рефери ва бурчак хакамлари аввалги ҳолатни тиклашлари ва хато қарорни бекор қилиб, олишувни давом эттиришлари мумкин.

2.Агар икки томонлама соф ғалаба натижасида дуранг эълон қилингандан сўнг қатнашчилардан фақат биттаси курашни давом эттиришга рози

бўлса, унга соф ғалаба берилади.

**20- ва 21-моддаларга шархлар:**

1. "Вадзаари", "юко" ва "кока" баҳрларини эълон қилишда олишув тўхтатилмайди.

2."Юко" баҳосининг хатто барча йигиндиси "вадзаари" баҳосидан кам.

3."Юко" барча "кока" баҳолари йигиндисидан юқори баҳоланади.

4."Юко" ва "кока" баҳоларининг умумий миқдори ғолибни аниқлашда, агар соф ғалаба эълон қилинмаган бўлса, ҳисобга олинади.

**23-моддага шарх.:**

Секундометрист реферига тугалланмаган ёки тўлик ушлаб туришнинг вақтини хабар қиласди. Якунланмаган ушлаб туриш вақгини рефери шунингдек бурчак хакамлари эътиборига хам хавола қиласди.

**24-моддага шархлар:**

1.Агар бурчак хаками реферининг қарорига рози бўлмаса, у ўз фикрини реферига хабар қилиши зарур. Агар иккинчи бурчак хакамининг фикри ҳам биринчи бурчак хакамининг фикрига ўхшаш бўлса, улардан бири, реферига яқинрок тургани, дарҳол ундан олишувни тухтатишни ва ўз қарорини ўзгартиришини сўрайди. Бир бурчак хаками иккинчи бурчак хакамининг фикрига қушилмаган ҳолатларда реферининг фикри ўз кучида қолади.

2.Агар иккала бурчак хаками бир хил фикрга эга бўлса, рефери 26-моддага мувофик ҳакамлар учлигининг кўпчилик фикрига биноан қарор чиқаришга мажбур.

**26-моддага шархлар:**

1.Қоидалар бўйича рефери томонидан «Хантэй» («дуранг») эълон қилинмайди: рақиблар олишувни яна беш дақиқа давом эттиради ёки биринчи «огохлантириш», яъни биринчи баҳогача курашишади.

2.Агар рефери олишув натижасини эълон қилиб, татамини тарқ этган бўлса, қарор ўзгартирилиши мумкин эмас.

3.Агар рефери ғолибни нотуғри эълон қилиб юборса, бурчак хакамлари рефери татамидан кетгунича хатони туфилашни талаб қилишлари зарур.

**27-моддага шархлар:**

1."Тўхта!" ("Матэ!") буйругидан сўнг курашчилар дастлабки ҳолатга қайтадилар ва дзюдогини тартибга келтирадилар. Агар олишув тухтатилган вақт чузилса, қатнашчилар оёқларини чатиштириб, утиришлари мумкин. Бошқа ҳолатни эса қатнашчилар фақат уларга тиббий ёрдам курсатилаётганда қабул қилишлари мумкин.

2.Агар рефери қатнашчилар ётган ҳолда курашаётган вақтда "Матэ!" деб нотуғри эълон қилган бўлса ва рақиблар ўз холатини ўзгартиришга ултурган бўлсалар, рефери ва хакамлар олдинги ҳолатни қайта тиклашлари ва олишувни давом эттиришлари мумкин,

**29-моддага шархлар:**

1."Тухта!" ("Матэ!") буйругини босаётганда рефери қўлини кафтини олдинга қилган холда елка баландлигига қўтаради ва секундометрист томонни кўрсатади.

2."Тарбиявий танбех." ("кеику сидо") сустлик (пассив) учун эълон қилинаётганда, рефери юзи билан сустлик кўрсатаётган курашчи томонга у бурилади ва қўл панжаларини ўз гавдаси олдида кўкрак даражасида айлантиради. "Кеику сидо" таблода қайд этилмайди, аммо ғолиб хакамлар қарори билан аниқланаётган вақтда эътиборга олинади.

3. Нотугри баҳо қўйидагича бекор қилинади: хаҳам уни яна бир бор қўли билан курсатади, иккинчи қўли билан эса 2-3 марта боши устида ўнгга ва чапга силкитади. Янги баҳо нотуғри баҳо бекор қилингандан сўнг дархол эълон қилинади.

4. Роқибни эълон қилишда рефери қўлини елка баландлигига қўтаради ва у билан ғолиб томонини кўрсатади.

### **30-моддага тарҳјар:**

1.Сустлик (кураш олиб бормаслик) - бу 20-30 секунд мобайнида фаол харакатларнинг йўқлиги. Бу муддат оралиқ шароитлар ва мусобақалар шартларидан келиб чиқсан холда узунрок ёки камроқ бўлиши мумкин.

2.Сустлик хақидаги биринчи эслатиш ("кеику сидо") жазолаш эмас. Эслатиш қайтарилиганда эса таблода "танбех/" ("сидо") қайд этилади.

### **31 -моддага шархлар:**

1."Танбех," ("сидо") қоидалар бироз бузилганда эълон қилинади (30-модда).

2."Огохлантириш" ("сидо-2"), одатда, 30-моддада кўрсатилган кичик хато қайтарилиган вақтда ёки қоида жиддийроқ бузилганда эълон қилинади.

3."Расмий огохлантириш" ("сидо-3"), одатда, 30-модда қайтадан, янада жиддийроқ бузилганда ёки биринчи жиддий қоида бузилганда эълон қилинади.

4."Дисквалификация" ("сидо-4") қоида қайта жиддий бузилганда ёки 30-модда жуда қўпол равища бузилганда эълон қилинади.

5.Жазолар умумлаштирилмайди.

6.Кейинги жазо олдинги жазони бекор қиласи.

7.Агар қатнашчи жазо олган бўлса, кейинги жазо кам деганда бир погона юқори бўлиши лозим.

8.Рефери, жазони эълон қила туриб, курсаткич бармоғи билан айбдорни кўрсатади.

### **35-моддага шархлар:**

Тизза (тиззалар), қўл (қўллар), тирсак (тирсаклар)га иргитишлар, 9 секундгача давом этган ушлаб туриш хужум сифатида белгиланади ва таблода қайд этилмайди.

**Кодокан қоидаларининг 39-моддаси ва ФИД қоидаларининг 41-моддаси** мазмун жиҳатидан мутлақо бир хил.

## **ДЗЮДО МАКТАБ ДАСТУРИ ТАЪЛИМНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИ**

### **Назария.**

Дзю-донинг юзага келиши ва ривожланиши. Дзю-донинг хусусиятлари. Кийим (дзюдоги) қисмларининг номланиши ва улардан фойдаланиш.

### **Дзю-донинг асосий элементлари.**

Саломлашиш: тиззаларда (дзарэй), стойкада (рицурэй). Гавдани туфи тутиш. Саломлашиш вақтида харакатлар кетма-кетлиги.

**Стойка:** фронтал, ўнг, чап. Асосий ушлаб олишлар (захват).

**Харакатланишлар:** нормал қадам ташлаб (аюмиаси), судраб қадам ташлаш (цутиаси).

**Мувозанатдан чиқариш (кудзуси).** Мувозанатдан чиқаришнинг саккизта асосий йўналиши.

**Бурилишлар:** рақиб томонга олдинга чоракта бурилиш, рақибдан орқага чоракта бурилиш (ўнга орқа қилиб). Хавфдан сақланиш (страховка) (укэми): орқага, ён томонга, олдинга, олдинга думалаб.

**Партер:** асосий холатлар, жой ўзгартиришлар, разножка, тортилиш ва тирсакларда эмаклаш, тўғри қўллар ва оёқларда гавдани (тос-сон қисмини) кўтариш ва тушириш ("тулқин"). Партерда чаққонлик абжирлик. Курақда ётган холда оёқларни айлантириш, курақда ётган холда "велосипед" (тиззаларда тўлиқ букилган оёқлар татамига параллел равишда бўшлиққа "отади", кучланиш товонларда жамланган). "Чана". "Куприк".

### **СТОЙКАДА КУРАШИШ ТЕХНИКАСИ**

**Иргитишлар:** асосан оёқлар билан амалга ошириладиган - тиззадан чалиш (хидзагурума), олд томондан чалиш (сасаэцурикомиаси); асосан ёнбош билан амалга ошириладиган - рақиб остига ўғирилиш орқали (огоси), қайтармадан ушлаб олиш орқали (цурикомигоси), елка ва орқа устидан оша (сэоинагэ).

**Силтаб тортишлар** (подсечка): ён томонлама (дзасибараи), ён томонлама қадамлар суръатига мослаб (окурисибараи).

Рақибни ўзи томонга чикэриб ёнбош оша иргитиш (укигоси).

Ёнбош билан тутиш (хараигоси).

### **ЁТГАН ҲОЛДА КУРАШИШ ТЕХНИКАСИ**

**Ушлаб қолишлар:** ён томондан (кэсагатамэ), белбоғдан тутган ҳолда бош томондан (камисихогатамэ); шимнинг қайиши ва белбоғдан тутган ҳолда бош томондан (кудзурэкамисихогатамэ). Белбоғ ва оёқдан тутган ҳолда кўндалангига ушлаб қолиш (екосихогатамэ), елкадан ушлаб қолиш (катагатамэ); ушлаб қолишга ёриб кириш, тана томонга ёриб кириш, бош томондан ёриб кириш, ёриб киришнинг асосий усуслари.

Ушлаб қолишдан чиқиб кетишнинг асосий йўллари.

**Мусобақалар:** соддалаштирилган қоидалар бўйича.

Мусобақаларни режалаштириш ва ўтказиш. Хакамлик асослари.

**Машғулотларни ўтказиш:** махорат асосларини такомиллаштириш. оғритишииз усулларни пухталаштириш (утикоми). Уқув ва эркин олишувлар. Қўшимча, умумривожлантирувчи ва маҳсус машқлар.

## ТАЪЛИМНИНГ ИККИНЧИ ЙИЛИ

### **Назария.**

Дзю-до тамойиллари (принциплари). Энг яхши кураш залига куйиладиган талаблар. Хакамлик қилиш қоидалари хақида қисқача маълумот.

### **Асосий элементлар.**

Машғулотдан олдин ва кейинги саломлашиш. Рақибнинг бўйи ва бошқа жисмонии ҳамда тактик-техник курсаткичларига мос равишдаги стойка ва ушлашларни танлаш.

### **Масофани танлаш.**

Харакатланишлар: энг оддий бостириб келиш ва чекиниш манёврлари.

Гавда билан енгил хәракатлар қилиш ёрдамида мувозанатдан чиқариш ва бурилишлар.

Мувозанатдан чиқариш ва усулларни амалга ошириш учун куч қўллаш нуқталари.

Мувозанатдан чиқариш ва усулларни қўллаш учун рақиб хәракатларидан фойдаланиш.

Хавфдан сақланиш (страховка): кучли ирғитишларда орқага ва ёнбошга, тезкорлик билан баланд ва узоқа ирғитишларда думалаб олдинга.

Ётган холда усулларни урганиш йўллари. Тайёргарлик куриш, маҳсус ва умумривожлантирувчи машқлар.

### **Стойкада курашиш техникаси**

**Ирғитишлар:** асосан оёқлар билан амалга ошириладиган - олд томондан чалиш (тайотоси), олд томондан илиб олиш (сасаэцурикомиаси); асосан ёнбош билан амалга ошириладиган - қайтарма ва енгдан ушлаб олиш орқали (цурикомигоси), қайтармадан ушлаб олган холда курак ва елкадан ошириб (сэоинагэ).

Илиб олиш ва тепиб қўйиш: ич томондан илиб олиш (коутигари), ушлаб олиш (осотогари), ич томондан ушлаб-илиб олиш (оутигари).

Ён томондан чалиш (дэасибараи), икки оёқ остидан ён томондан чалиш (окуриасибараи).

Болдир билан чукқалаш (ханэгоси), ёнбош билан чуккалаш (хараигоси).

**Комбинациялар:** 1. Ўз усулидан ўз усулига: ушлаб олишдан олд томондан чалишга (осотогари-таиотоси); ичкаридан илиб олишдан олд томондан чалишга (оутигари-тайотоси); қайтармадан ва енгдан ушлаб ёнбош оша ирғитишдан ичкаридан илиб олишга (цурикомигоси-оутигари). 2. Рақиб усулидан ўз усулига: ичкаридан чалишдан тиззадан чалишга (коутигари-хидзагурума).

### **Ётган холда курашиш техникаси**

Рақиб харакатларидан келиб чиққан холда бир ушлаб қолищдан бошқасига утиш. Турли вазиятларда ушлаб қолиш учун ёриб кириш. Турли холатлардаги ушлаб қолищдан чиқиб кетиш ва хужумга ўтиш.

**Мусобақалар:** соддалаштирилган қоидалар бўйича. Мустақил равища мусобақаларни режалаштириш ва уларга раҳбарлик қилиш. Мусобақалар хакамлиги.

**Машғулотларни ўтказиш:** техникани такомиллаштириш ва жисмоний тайёргарлик; машғулотни моделлаштириш; эркин машғулотлар (рандори). Умумривожлантирувчи ва маҳсус машқлар.

## ТАЪЛИМНИНГ УЧИНЧИ ЙИЛИ

**Назария.** Машғулотлар тартиби (режим)нинг турмуш тарзи билан ўзаро ботиклиги ва дзю-до курашининг амалий ахамияти.

Дзю-до кураши бўйича халқаро мусобақалар.

**Асосий** элементлар.

Мусобақалар вақтидаги ва катта усулларини намойиш қилиш вақтидаги саломлашишлар.

**Стойка ва ушлаб олишлар.** Мусобақалар вақтида стойка ва ушлаб олишларни танлаш. Химоя стойкасининг афзалликлари ва камчиликлари.

**Мувозанатдан чиқариш ва бурилишлар:** рақибнинг стойкаси, ушлаб олишлари, техника ва тактикасини хисобга олган холда бажарилади.

**Хавфдан сақланиш** (страховка): тўсиқлар оша юқори даражада мувоғиқлаштирилган тезкор страховка.

Партерда рақиб харакатларини сезиш ва жавоб харакатлари.

**Стойкада курашиш техникаси**

Асосан комбинациялардаги шох, усулларни пухталаштириш ва усулларни қайтариш.

**Ётган холда курашиш техникаси.**

Ушлаб қолишилар. Ушлаб қолишга ёриб ўтишдан ушлаб қолишни якунлашгача тухтовсиз хужум.

**Расмий мусобақалар.** Мустақил равища мусобақаларни режалаштириш ва уларга раҳбарлик қилиш. Мусобақалар хакамлиги.

**Машғулотларни ўтказиш:** мусобақаларда иштирок этишга тайёргарлик куриш; малакани ошириш; эркин (рандори) ва саралаш машғулотлари; умумривожлантирувчи ва маҳсус машқлар.

## ДЗЮОДО ИБОРАЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУФАТИ

Халқаро мусобақаларда хакамлик япон тилидаги дзю-до иборалари (терминлар)дан фойдаланган холда олиб борилади. Шу сабабли дзю-до ибораларини курашчилар хам, хакамлар хам яхши билишлари лозим. Дзю-до терминологиясининг умумийлиги хакамлар ва курашчилар татамида таржимонларсиз бир-бирларини тушунишларига хизмат қиласи. Ушбу нашрга дзю-до ибораларининг кичик лугати хам киритилган.

**Асигатамэ** - юқоридан оёккө ёрдамида тирсакни букиш.

**Вадза** - усул.

**Вадзаари** - ярим ғалаба.

**Гякудзюдзи** - сон ёрдамида юқоридан тирсакни букиш. **Гякудзюдзидзимэ** - олдинда құлларни чатишириб, миниб туриб буғувчи.

**Гякугэсагарами** - ён томондан қайта ушлаб қолищдан ёнбош оша тирсакни букиш.

**Гякукэсагатамэ** - ён томондан қайта ушлаб қолиши.

**Гякуокуриэри** - ён томондан буғувчи (рақиб эмаклаган холда). **Дэасибараи** - ён томонлама чалиш. **Додзимэ** - оёқлар билан танани қўйиш.

**Еси** - яхши (давом эттириш мумкин).

**Ековакарэ** - товоңда олд томондан чалиш.

**Екогакэ** - йиқила туриб ён томондан чалиш.

**Екогурума** - йиқила туриб күкрап оша иргитиши.

**Екодзюдзидзимэ** - құлларни олдиндан - пастдан чатишириб, буғиши.

**Екоотоси** - йиқила туриб ташқаридан илиб олиши.

**Еко удэ хисиги** - ёнбош (сон) ёрдамида юқоридан тирсакни букиш.

**Екосихогатамэ** - оёқ ва белдан тутган холда кундалангига ушлаб қолиши.

**Екотомоэ** - бош оша ён томонга иргитиши.

**Камиудэхисигэ дзюдзигатамэ** - қўлидан ушлаб тирсакни букиш.

**Какэ** - усулни бажариш

**Какатодзимэ** - болдири ёрдамида пастдан буғиши усули.

**Камихидзагатамэ** - миниб ушлаб қолищдан ёнбош оша тирсакни букиш.

**Камисанкакугатамэ** - миниб қайта ушлаб қолиши.

**Камисихоасидзимэ** - оёқ ёрдамида пастдан буғиши усули (рақиб бош томонда).

**Камисихобасами** - иккала оёқ ёрдамида буғиши усули. **Камисихогатамэ** - белбошан тутган холда бош томондан ушлаб қолиши.

**Камисиходзимэ** - пастдан буғиши усули (рақиб бош томонда).

**Камиудэхисигэ дзюдзигатамэ** - миниб ушлаб қолищдан қўлни икки оёқ билан ушлаган холда тирсакни букиш.

**Канибасами** - икки оёқтагидан уриб йиқитиши (қайчи).

**Каннукигатамэ** - қўлни ўз елкаси остида ушлаган холда стойкада тирсакни букиши.

**Каппо** - бўлищдан кейинги жонланиши.

**Касирагатамэ** - ўз сонидан ушлаган холда ён томондан ушлаб қолиши.

**Косивадза** - асосан ёнбош (сон) ёрдамида амалга ошириладиган усуллар.

**Ката** - усуллар ва усуллар комбинацияларини бажаришнинг идеал вариантлари комплекси.

**Катаасидори** - ич томондан оёқдан ушлаган хрлда иргитиши.

**Катагатамэ** - қўл ва бошдан ушлаган холда елка томондан ушлаб қолиши.

**Катагурума** - " тегирмон ".

**Катахадзимэ** - құлни бироз күтариб, қайтарма билан орқадан буғувчи.

**Катадзимэ** - икки оёқ ёрдамида буғувчи.

**Катадзюдзидзимэ** - билак билан олдиндан буғувчи.

**Катаосаэгатамэ** - құлни бош остидан тутган холда күндалангига ушлаб қолиш.

**Катасәои** - елка оша ирғитиши.

**Ката гэдзимэ** - билак билан юқоридан бурувчи.

**Каэсидзимэ** - бош томондан бурувчи (рақиб эмаклаган холатда).

**Кэнсүйдзимэ** - оёқ ёрдамида стойкадан билак билан бурувчи. **Кэсагарами** - ён томондан ушлаб қолищдан оёқ ёрдамида тирсакни букиш.

**Кэсагатамэ** - ён томондан ушлаб қолиш.

**Косигурума** - ёқадан ушлаган холда ёнбош оша ирғитиши.

**Косотогакэ** - ташқаридан илиб олиш. Косотогари - орқа томондан чалиш.

**Коцуриотоси** - белбоғдан ушлаган холда ёнбош оша ирғитиши. **Коутигари** - ичкаридан чалиш.

**Коутимакикоми** - бир хил оёқ; билан ичкаридан илиб олиш.

**Кубинағэ** - бўйиндан ушлаган холда ёнбош оша ирғитиши.

**Кудзурэ хидзи макикоми** - стойкадан тизза ёрдамида тирсакни букиш.

**Кудзурэ ками сихо тарами** - тирсакни буғувчи қилиб букиш.

**Кудзурэкамисихогатамэ** - қўллар ва белбоғдан ушлаган холда бош томондан ушлаб қолиш.

**Кудзурэкесагатамэ** - кийим ва қўлдан ушлаган холда ён томондан ушлаб қолиш.

**Кудзурэекосихо** - ёқа ва узоқ оёқни ичкаридан ушлаган холда кундалангига ушлаб қолиш.

**Кудзуси** - мувозанатдан чиқариши.

**Майтта** - таслим бўлиш хакяда сигнал.

**Макикоми** - қўлни елка остида ушлаган холда ирғитиши.

**Макитомө** - ушлаб қолишига ўтиш билан бош оша ирғитиши, оғритиши ёки буғиши усули.

**Матэ** - олишувни тўхтатувчи буйруқ.

**Мотиагэотоси** - ётган курашчини бироз кутаргандан сўнг ирғитиши.

**Мунэгарами** - күндалангига қайтарма тугун (узел).

**Мунэгатамэ** - белбоғ ва қўллардан ушлаган холда кундалангига ушлаб қолиш.

**Мунэгяку** - елкага таяниб кундалангига ушлаб қолищдан тирсакни букиш.

**Обигоси** - олд томондан белбоғдан тутган холда ёнбош оша ирғитиши.

**Обиотоси** - ёнтомонламаайланиши.

**Огоси** - қўлни елка остида ушлаб, ёнбош оша ирғитиши.

**Огурума** - оёқ оша олдинга ирғитиши.

**Окуриасибараи** - икки оёқ остидан ён томондан чалиш. **Окуриэридзимэ** - орқадан қайтарма билан бурувчи.

**Осотогари** - тутиб олиш (отхват).

**Осотогурума** - икки оёқ остидан орқадан тутиб олиш.

**Осотоотоси** - бир хил оёқ билан ташқаридан илиб олиш.

**Отэндзимэ** - олдинга думалаб бурувчи.

**Отэнгарами** - қўлни икки оёқ билан ушлаб олганда, олдинга думалаб тирсакни букиш.

**Оутигари** - ичкаридан илиб олиш.

**Рандори** - эркин шуғулланиш.

**Реасидори** - икки оёқдан ушлаб олган холда ирғитиш.

**Рэй** - саломлашиш, этикет.

**Самурай** - жангчи (феодализм давридаги жангчилар табақаси вақилларининг умумий номланиши).

**Сасаэцурикомиаси** - олд томондан чалиш.

**Сиай** - мусобақа.

**Симэгарами** - бурувчи ушлаб олишдан тирсакни пастдан букиш (рақиб оёқлар томонида).

**Синтай** - харакатланишлар (жой ўзгартиришлар).

**Содэгурума** - билаклар билан орқадан буғиш усули.

**Сотогакэ** - ташқаридан илиб олиш.

**Сукунагэ** - олд томон айланиши.

**Сумигаэси** - болдирга чўккалаб, бош оша ирғитиш.

**Сумиотоси** - тиззада туриб, силтov билан мувозанатдан чиқариш. **Сумо** - япон миллий профессионал кураши тури.

**Суриаси** - сирғанувчан қадамлар билан харакатланиш.

**Сутэмивадза** - усулни амалга ошираётган курашчи йиқилиши орқали ирғитишлар.

**Сэойагэ** - елка ва қўл оша ирғитиш.

**Сэойнагэ** - қайтармадан ушлаб орқа оша ирғитиш.

**Сэойотоси** - йиқила туриб елка оша ирғитиш.

**Тайотоси** - олд томондан чалиш.

**Тайсабаки** - бурилишлар ва ўғирилишлар.

**Таниотоси** - йиқила туриб орқадан чалиш.

**Татами** - стандарт ўлчамдаги похол тушама (мат), 1,5 кв. метрдан бироз ошикк жуда пишиқ япон ўйлари ва додзе кураш залида полга солиш учун хизмат қиласи.

**Татэ санкаку гатамэ** - оёқлар билан бош ва қўлларни қисиб олган холда миниб ушлаб қолиш.

**Татэсхогатамэ** - қўллар ва бошни тутган холда миниб ушлаб қолиш.

**Таварагаэси** - танани ушлаб олган холда бош оша ирғитиш.

**Томоэнагэ** - бош оша ирғитиш.

**Тори** - хужум қилаётган курашчи.

**Тэвадза** - асосан қўллар билан амалга ошириладиган ирғитишлар.

**Удэгарами** - кўндалангига тугунча.

**Удэгарами хенкавадза** - билак ёрдамида юқоридан тирсакни букиш. **Удэхисиги хэнка вадза** - қўлни орқага қайириш.

**Үдэ хисиги хидзагатамэ** - оёқ ёрдамида кқоридан тирсакни букиш.

**Үдэхисиги дзюдзигатамэ** - құлни икки оёқ билан ушлаб олганда тирсакни букиш.

**Үкивадза** - ииқила туриб олд томондан чалиш.

**Үкигатамэ** - оёқдар билан икки құлни сикиб олган холда ушлаб қолиш.

**Үкигоси** - белдан ураб, ёнбош оша ирғитиш.

**Үкиотоси** - силтов билан мувозанатдан чиқариш.

**Үкэ** - хужум қилинаётган курашчи.

**Үкәми** - ииқила туриб ўзини эхтиётлаш (самостраховка).

**Утимата** - бир оёқ тағидан илиб олиш.

**Уранагэ** - күкрак оша ирғитиш. Урасихогатамэ - елка томондан ушлаб қолиш.

**Усирогоси** - ёнбош оша ирғитищдан жавоб иеритиши.

**Усиродзимэ** - орқадан билак билан бурувчи.

**Үцүригоси** - ёнбош оша ирғитиш (ёнбошни силкитиб).

**Фусэн** - олишув (кураш) дан бүйин тортиш.

**Хадакадзимэ** - гарданга таянган холда орқадан елка ва билак билан бўғиш усули.

**Ханәгоси** - болдир ва ёнбош билан чуккапаш.

**Ханәмакикоми** - болдир билан чўқкалаб, құлни елка остида ушлаган холда ирғитиш.

**Харагатамэ** - ичкарига дастак (ричаг) (ракиб эмаклаган холатда).

**Хараигоси** - қолдирилган оёқ остидан илиб олиш.

**Хараицури** - олд томондан чалиш.

**Хасамидзимэ** - қайчи қилиб буғиши.

**Хидариасидзимэ** - юқоридан оёқ ёрдамида пастдан бурувчи.

**Хидарикатасэои** - орқа ва чап елка оша ирғитиш.

**Хидзагурума** - тиззадан чалиш.

**Хидзигатамэ** - пастдан құлни елка остида ушлаб олган холда тирсакни букиш.

**Хидзимакикоми** - юқоридан икки қўл ёрдамида стойкада тирсакни букиш.

**Хидзиотоси** - тирсак остидан итариш орқали мувозанатдан чиқариш.

**Цуккомидзимэ** - қўлларни чатиштирган холда миниб бўғиш усули.

**Цуригоси** - белбоғдан тутган холда ёнбош оша ирғитиш. **Цурикомигоси** - қайтармадан ушлаган холда ёнбош оша ирғитиш. **Цугиаси** - қўшимча қадамлар билан харакатланиш.

**Цукури** - ирғитиши тайёрлаш.

**Эбигарами** - юқоридан елкани қучоқлаб, стойкада буғиш усули. **Эбидзимэ** - қайтарма ва қўлдан ушлаган холда буғувчи.

**Эри** - ёқа.

**Эридзимэ** - стойкадан бурувчи.

**Ямаараси** - бир қўлдан тутган холда ушлаб олиш.

**Арслон Элов, Шухрат Арслонов**

# **ДЗЮДО**

**Мұхаррір:**

*Хайритдин Зайнилов*

**Мусақхихлар:**  
*Салтанат Пазилова,*  
*Римма Колючева*

**Сахифаловчи:**

*Умид Асадов*

Босишга рухсат этилди 26.01.2005 й. Бичими 60x90  
Нашр табели 6,5 б.т. Офсет қофози. Адади 1000 нусха.  
Баҳоси келишилган нархда. Шартнома № Г-3.

«Истиклол нашриёти» шульба корхонаси, «Истиклюл» нашриёти  
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

«Раззоков О.Ж» ХТ босмахонасида чоп этилди. Буюртма № 47.  
Тошкент ш., Навоий кў八大, 30-уй.

*Миллий ва халқаро кураши турлари кафедраси доценти, самбо кураши буйича хизмат курсат-ган тренер, Узбекистонда хизмат курсатган жисмоний тарбия ходими Арслон Нурович Элов мамлакатимиз ва чет эл спорт доираларида кенг шухрат қозонган. Буюк спортчиларнинг катта бир гурухининг тарбиячиси ва мураббийи булмииш бу инсон халқаро майдонларда Узбекистан спорти шара фини янада мустахкамлаш борасида куп ишлар қилди. Доцент Элов — узбек кураши мактабминг мустақиллик ишларни мобайнида катта мувваффиятларга эришишида уз хиссасини қуишиган маҳоратли спорт намояндадарни ва педагогларидан биридир*



*"Дзюдо" китобининг муаллифларидан бири булмииш Арслон Элов сунгги ишларда мамлакат, жса<sup>он</sup> чемпионлари, Олимпия уйинларининг булајжак тиб-лари<sup>ц</sup> ва совриндорларини тайёрлаши ва тарбиялашишида тупланган бебаҳо тажри-баси билан бажонидил уртоказашади.*

*Уишиб китоб мураббийлар, спортчилар, Узбекистон ДЖТи талабалари учун касбий ахамиятга эга ва уларнинг амалий иши фаолияти хамда укишида жуда керакли ёрдамчига айланади. Кизиқарли мазмуни ва тушунарли баён этилганлиги сабабли китоб, шунингдек, укувчиларнинг кенг оммаси ва айникса, дзюдо хамда спорт яккаурашиларининг бошика турлари билан кизикувчилар учун хам тавсия этилади.*



*Шуҳрат Арслонов... Бу ном Ўзбекистан Республикаси-нинг спорт ва журналистлар доираларида яхши маълум. Узбекистан Давлат жисмоний тарбия институтининг миллий ва халқаро кураши турлари кафедраси учитувчиши, уишиб институт аспиранти булган инсон мамлакатнинг даврий спорт пашрларида узининг 20 дан ортиц илмий ва спорт мавзуидаги маколаларини чот эттирган.*

*Ўзбекистоннинг етти карра чемпиони, каратэ-до буйича халқаро турнирларнинг уч карра тиби Шуҳрат Арслонов хаёли равишда 4-дан кора белбог сохиби булиб, хозирги кунда шарқ яккаурашининг энг яхши билимдонла-ридан бири деб хисобланади.*

**“ ИСТИҚЛОЛ ”**